





БОБУР ХАЛҚАРО ФОНДИ



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

**ҒАРИБИНГ  
АНДИЖОНИЙДУР**

*Сайланма шеърлар*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2008

Б 79

*Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи*  
**Ваҳоб Раҳмонов**

*Масъул муҳаррир*  
**Барнобек Эшпўлатов**

*Нашрни бадиий безашда* **Заҳириддин Муҳаммад**  
**Бобур** асарларига ишланган миниатюралар ва  
*Ўзбекистон халқ рассом* **Малик Набиев** расмларидан  
фойдаланилди.

**Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.**

**Ғарибинг андижонийдур.** Сайланма шеърлар. /  
Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи  
Ваҳоб Раҳмонов. Масъул муҳаррир Барнобек  
Эшпўлатов. // – Тошкент, “Шарқ”, 2008. – 288 б.

Буюк давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди 525 йиллигига бағишланган ушбу китоб, биринчидан, оммабоп қилиб нашрга тайёрланди: ҳар бир шеърда учрайдиган “кийин” сўзлар луғати ўша асар саҳифасидаёқ мукамал бериб борилди, “тил” муаммоси бартараф этилди; иккинчидан, шоир шеърини мероси матний ва мазмуний аниқликлар нуқтаи назаридан таҳлил ва таҳрир этилди, олдинги нашрларга жиддий тузатишлар киритилди. Мажмуа Бобур жозиб шеърини мухлисларига муносиб совға бўлади, деб умид қиламиз.

Сарлавха олдида: Бобур халқаро фонди.

ISBN 978-9943-00-325-5

ББК 84(5Ў)1

1034924  
191

1034924 191	Alisher Navoiy nomidagi C <b>o</b> mbekiston M <b>u</b>
----------------	---

© “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2008.

## МУМТОЗ СОҲИР ШЕЪРИЯТ

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, андижонийдур.*

Улуғларнинг музаффарияти ҳам, ҳасрати ҳам, дардлари ҳам, орзу-армонлари ҳам залворли бўлади, чўнг бўлади. Йўкса, Хиндистондай улкан мамлакат шаҳаншоҳи **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** ўзини “андижонлик ғариб”ман, деб ўксиганини шеърда нақшлармиди?! Агар у “ғариблик”ни улкан шахсий фожиа ва фалокат деб ҳисобламаса, Хиндистонга юзланганини шахсий қисматидаги “юз қаролиғ” деб баҳолармиди:

*Толёй йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Хинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!*

Шаҳаншоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур “толёй йўқи” (бахтсизлик)дан фарёд чекса, ўзининг ҳамма ишларини хато деб эълон қилса-я?! Чунончи, бу иккинчи иқрор — мусулмони комил эътирофидир. Чунки Бобур “Эйким, бори назм аҳлиға сен хон янглиғ” деб улуғлаган даҳо **Алишер Навоий** ҳам ўз иқрорномасида шу фикрни изҳор этган эди:

*Ё Раб! Эшигингда бир гадомен —  
Ким: бошдин-аёққача хатомен.*

Одатда, илмда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур исмининг “Заҳириддин Муҳаммад” қис-

ми — исми, “Бобур” — тахаллуси” деган анъанавий фикр ҳукм суриб келади. Аслида, мазкур уч сўз унинг исмидир. Бунга амин бўлиш учун бир рубоий-сига кўз ташлайлик:

*Туз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,*

*Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.*

*Сарриштаи айшидин кўнгули зинҳор —*

*Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.*

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур” исмининг луғавий талқини: “Муҳаммад динининг шерсифат посбони (таянчи, паноҳи)” бўлади. Тарихчи **Мирза Олим мушриф**нинг “**Ансоб ус-салотин фии таворихи хавоқин**” (Султонлар насаблари ва хонлар тарихлари) китобидаги маълумотларга кўра, **Умаршайх мирзо** Самарқандга бориб, янги меҳмон — тўнғич ўғлига исм қўйиб беришни улуғ пир — **Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан** илтимос қилган. Хожа Аҳрори вали аввал “Заҳириддин Муҳаммад” исмини айтган. Сўнгра, бироз ўйланиб: “Бу исм авом тилига талаффуз жихатидан оғирлик килади: улар Бобур мирзо дея қолсинлар” деган. Шундай қилиб, бахтиёр ҳукмдор Умаршайх мирзо ўғлига уч сўздан иборат, маъноси “Муҳаммад дини ва шарият таянчи”ни ифодалайдиган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур” исмини олиб келган...

Шундай теран маъноли исмда номланган шаҳзода 1483 йил 14 февралда Фарғона вилояти ҳукмдори temuрийзода Умаршайх мирзо оиласида — Мовароуннаҳр мамлакати Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда дунёга келган. Онаси **Кутлуғ Нигор хоним**



Тошкент вилояти ҳукмдори **Султон Маҳмудхоннинг** опаси, **Юнусхоннинг** кизи эди. **Мирзо Муҳаммад Хайдарнинг** “**Таърихи Рашидий**” асарида ёзилишича, Юнусхон ўн уч ёшидан ўттиз ёшигача **Шарафиддин Али Яздий** хонадонига яшаб, унинг тарбиясида ўсган. Бунга **Улуғбек мирзо** шароит яратиб берган. Улуғ донишманд тарбиясида ўсган, кейинчалик Мўғулистонга узок йиллар хонлик қилган Юнусхон Умаршайх мирзонинг қайнотаси, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг она тарафдан бобоси эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур она тарафдан бувиси **Эсан Давлат бегим** кўлида тарбия топди. Бу аёлни **Биби хоним** – **Сароймулк хонимга** ўхшатиш мумкин. Эсан Давлат бегим Юнусхон билан ёвга асир тушганда, Юнусхонни жўнатиб юбориб, кечкурун унинг ёнига бир шахзода киритилади. Канизлари билан шайланиб турган аёл шахватпараст шахзодага ташланади. Аёллар кўплашиб уни халок қиладилар ва сахарлаб ховлига чиқариб қўядилар.

Бу воқеадан хабар топган хон Эсан Давлат бегимни сарой аъёнлари даврасида сўроқ қилганида аёл дадил туриб шундай дейди:

– Мен Юнусхоннинг маҳбубаси – шаръий хотиниман. Бу киши шариятни бузиб менинг билан бўлмоқчи эди. Мен уни – душманам ва шариятни бузган кишини ўлдирдим. Энди унинг касосига мени ўлимга ҳукм этсангиз бўлади.

Хижолатда қолган ҳукмдор Эсан Давлат бегимни канизлари билан Юнусхон юртига эсон-омон жўнатиб юборади. Шундай мардона аёл кўлида Бобур ўсиб улғайди.

“Бобурнома”да 1494 йилги Умаршайх фожиасидан



кейинги тахликали пайтларда беклардан **Хасан Яъқуб** фитнасини бартараф этиш хусусида ёзиладики: Узун Хасаннинг “бу фикридан бори эл вокиф бўлиб эдилар — **Хожа қози** ва **Қосим қавчин** ва **Али Дўст тағойи** ва **Узун Хасан** ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуғ онам Эсан Давлат бегим қошида йиғилиб, сўзни бу ерга қўйдиларким, Хасан Яъқубни маъзул қилиб, фитнасига таскин берилгай. Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсан Давлат бегимга монанди кам бўлгай эди. Бисёр оқила ва мударбига эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди”.

Андижон Бобур ҳаётида муҳим аҳамиятга молик. Чунки у Андижонда туғилиб ўсди. Шунинг учун Бобур ўзининг туғилиб (зод) ўсган (буд) шаҳри Андижон эканлигини “Бобурнома”да алоҳида қайд этган. 1510 йилда **Шоҳ Исмоил Сафавий** Марв шаҳри яқинида **Мухаммад Шайбоний** бошлиқ “ўзбаклар”ни тор-мор келтирганда, Бобур Қундузга боради. Шу пайт Андижондан элчилар келадилар. Бу ҳақда Бобур “Вақоеъ” (“Бобурнома”)да ёзадики: “**Султон Саъидхон** — Қошғар хони беш-олти яёв-яланг била келди. Туққан иниларимдек кўруб, Ламғон туманларидин Мандировар туманини бердим. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда олғонда, Қундузғаким ўт-тум, Андижон вилояти менинг сори бокиб, баъзи доруғаларини қавлаб, баъзи ерларини беркитиб, манга киши йибордилар. Мен Султон Саъидхонга бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуб, **зоду буд Андижон вилоятини** бағишлаб, хон қилиб йибордим”.

Темурийзода Захириддин Мухаммад Бобур 1494 йилдан 1504 йилгача Андижон ва Самарқандда ўз





хокимиятини ўрнатиш учун муттасил курашди. Зафарлар шукухию мағлубиятларнинг аламлари ҳамда сарсон-саргардонликларни ўз яқинлари билан бошдан кечирди.

Тазкирачи **Ҳасанхожа Нисорий** Бобурнинг ушбу ўн йиллик ҳарбий ҳаракатлари ва уларнинг охиروкибатда натижасиз бўлиб чиққани хусусида “**Музакири аҳбоб**” тазкирасида ёзади: “(Бобур) **чиғатой султонлар**нинг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатига эга бўлиб, уни саклаб қолишда хўп сабъ-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди. Аммо тақдир ўқига тадбир қалқони дош бера олмади...” Бобур 200 дан ортиқ ўз қариндош-уруғ, бек ва навқарлари билан Хисор орқали Кобулга борди. Хисордан Хисравшоҳнинг минглаб навқарлари Бобурга қўшилдилар. Бобур Кобулга бориб, меросий шахрига жанг-жадалсиз эга бўлди. Кейинги йигирма йил давомида теварак атрофидан ўз ҳукмронлигига кўплаб шаҳарларни қаратиб, 1526 йили Ҳиндистонга юриш қилди. 12 минглик лашқари билан **Султон Иброҳим Лўдий**нинг 100 минг кишилиқ лашқарини Панипат шахри ёнида ярим кунлик жангга енгди ва Бобур Ҳиндистоннинг буюк шаҳаншоҳига айланди.

Кейинги тўрт йил ҳам жанг-жадаллар ичида кечсада, Бобур Темурийларга хос бунёдкорлик анъаналарини Ҳиндистонга олиб борди: арик-каналлар қаздирди, боғ-роғлар бунёд этди, мухташам улуғвор иморатлар тиклади.

Бундай буюк ишларни унинг ворислари — темурийзода Бобурийлар кейинги уч юз йилда давом



эттирдилар. Тож Маҳал каби ўз салобату кўрки билан жаҳонга кўз-кўз қилинадиган муаззам қошоналар бунёд этдилар.

Бобур вафоти оддий ўлимлардан эмас. У тўнғич ўғли — валиахд **Хумоюн мирзо** учун фидо бўлиб қазо топти. Олти ойдан ортик иситмаси тушмаган Хумоюн ўлимини ота Оллоҳдан ўзига тилаб, фарзандининг саломатлигини Яратгандан илтижо қилди...

Захириддин Мухаммад Бобурнинг буюклиги маълум маънода шахсининг серқирралиги билан ҳам изоҳланади. У аввало подшоҳ, ҳукмдор, юрт ишини юргизадиган улуғ зот. Салтанат динда муқаддаслаштирилган. Султон — Оллоҳнинг ердаги сояси деб қаралган. Бу улуғ мартабага Бобурнинг буюк саркардалиги — лашкарбошилиги етказган. У жангни ҳам санъат деб билган ва “**Ҳарб иши**” номли китобида харб санъатини хар томонлама ёритган. Таассуфки, бу асар ҳозирча топилмаган.

Захириддин Мухаммад Бобур — фикҳ олими. У “**Мубаййин**” номли шеърый усулда ёзилган асарда беш фарзнинг хар бирини бутун мукамаллиги билан ўзбек тилида баён этган. Ўша замонларда фикҳга доир асарлар асосан арабий ва форсийда ёзилганлигини инобатга олсак, Бобур “Мубаййин”нинг икки фазилатини алоҳида қайд этиш лозим бўлади. **Биринчидан**, асарнинг ўзбек тилида ёзилганлиги; **иккинчидан**, асарнинг шеърый усулда баён этилгани.

Бирор ҳукмдор ўз ҳаётини Бобурчалик санъат билан беэзамаган бўлса керак. Унинг “Бобурнома”сида Бобур саройи раққослари **Тенгриқули**, **Рамазон** ва хофиз **Рухдам** хақида маълумотлар келтирилган.



Бугина эмас, у Рухдамнинг кўшиқчилик санъатига олқиши сифатида унга куйидаги рубойини ҳам бағишлаган:

*Гар Рухдам этса эрди оҳанги нагам,  
Мажлисда не ҳузи қолур эрди, не гам.  
То боргали Рухдам бизинг мажлисдин,  
Мажлис элига не руҳ қолди-ю, не дам.*

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Хирот сафарига доир “Бобурнома” саҳифаларида ҳам **Бадигъуззамон мирзо** ва **Музаффар мирзо** базмларида қатнашган раққос **Мир Бадр** ва ҳофиз **Миржон** ҳамда бошқа созанда, бастакор ва ҳофизлар хусусидаги маълумотларга дуч келамиз.

Бобурнинг мусиқийга оид махсус рисола ёзгани ҳақида мусиқа тарихига доир китобларда аниқ маълумотлар сақланган.

Захириддин Муҳаммад Бобур – жаҳоншумул аҳамиятга молик “Вақосъ” (“Бобурнома”) ижодкори бўлган улкан адиб. Ушбу қомусий асар ҳозиргача дунёнинг ўттизга яқин тилига таржима бўлган. Яратилган даврида форсийга, XVII асрда голланд тилига, кейинчалик инглиз, француз, немис, испан, хитой, хинд, япон, турк, рус, козок ва бошқа тилларга ўтирилган.

XIX асрда Англия ва Америкада “Бобуршунослик” илми пайдо бўлган...

Биз Бобурни мумтоз шоир сифатида қадрласак, жаҳон уни “Бобурнома”си туфайли кўпроқ шарафлайди.

Захириддин Муҳаммад Бобур – мислсиз





адабиётшунос. Унинг аруз илмига доир “**Муфас-сал**” (“Мухтасар”) номли тадқиқоти номига яраша ўта илмий теран ва муфассаалликка молик. Агар Алишер Навоий арузга доир “**Мезон ул-авзон**” рисоласида арузнинг 144 вазнини тадқиқ этган бўлса, Бобур “Муфассал”да 536 вазни аниқлаган ва ҳар бирига ўзбек тилида мисоллар келтириб, назарий талқинларини асослаган.

Бобур — буюк мумтоз шоир, Алишер Навоийдангина кейин турадиган йирик сўз санъаткори. Бунинг боиси Захириддин Мухаммад Бобур — шоирнинг ўзбек адабиётидаги ўрни, унинг бу адабиётнинг турли жанрларига қўшган янгиликлари хиссаси, маҳоратининг мислсиз сеҳргарликкача юксаклиги, шеърятининг ўта жозибадорлигидир.

Мумтоз шеърятга шоир таржимаи ҳолига оид маълумотлар ёки, бошқача айтганда, таржимаи ҳолга дахлдор шеърлар асосан Алишер Навоийдан бошлаб учрай бошлайди. Навоийнинг китъаларида бу ҳол айниқса яққол сезилади. У ўзи ва замондошлари ҳақида гоҳ салбий, гоҳ ижобий маънода ўша китъаларда сўз юритган.

Захириддин Мухаммад Бобур ижодининг таржимаи ҳолик хусусияти аввало ғазалларида, айниқса, рубоийларида кўпроқ яққолроқ сезимли.

*Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?*

*Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?*

матлаъли ғазални муаллиф Хиротдан қайта-ётиб, қор отнинг қорнидан келадиган йўлларда юргани таас-суроти тарзида яратилганини “Бобурнома”да қайд этган.




Захириддин Мухаммад Бобурнинг бир рубойиси сеvimли завжалари **Моҳим бегим** ва **Гулрух бегим**ларга, бир рубойиси **Комрон мирзога**, бир рубойиси **Хумоюн мирзога**, бир рубойиси хофизи Рухдамга, бир форсий рубойиси Бажавр калъа-сининг олинини хакида, айрим китъалари **Хожа Калон** ва **Фўлод султонга** бағишлангани маълум. Айникса, унинг қуйидаги сирли рубойиси адабиётшуносларни дол колдиради. Негаки, мана, бутун бир аср давомида олимларимиз Бобур шеърятини ўнлаб маротаба нашр эттирдилар-у, қуйидаги рубойидан унинг таржимаи холлик хусусиятини пайқамай келдилар:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхоҳим.  
Ким арзи дуо ниёз ила қилгайсен,  
Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.*

Дархақиқат, бу бадий матн шу ҳолатида ҳам жуда ўқишли, гўзал, шинам: мазмунли, таъсирчан.

Биз “Бобурнома”, “Хумоюннома”, Бобур “Девони” ва бошқа манбаларни синчиклаб ўқиш натижасида бу шеърнинг яратилиш тарихини тахмин қилиб кўрдик. Ким билсин, бу рубой Бобурнинг Хирот сафари вақтида битилганми ёки Ҳиндистон учун беш маротаба юришларнинг бирида ёзилганмикан?..

Ҳарқалай, шеър шох ва шоир хонадони Кобулда эканида, ўзининг сафардалиқ пайтида яратилган ва оилавий мактубга шеър илова бўлган. “Ул сори” деб ижодкор “Кобул томон”ни назарда тутган. Биз рубойни қуйидагича уч хил ўқишга мойилмиз. Тўғрироғи, шеърнинг тўртинчи мисрасини яна уч хил янги мазмун иловаси билан ўқиймиз. Биринчиси:



*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхоҳим:  
Ким арзи дуо ниёз ила қилгайсан,  
Гар сўрса мен хастани гулрух Моҳим.*

Бунга кўра рубоий Бобурнинг жуфти ҳалоли  
гулюзли **Моҳим бегим**га аталган.

Иккинчиси:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхоҳим:  
Ким арзи дуо ниёз ила қилгайсен,  
Гар сўрса мен хастани Гулрух моҳим.*

Бу ҳолатда тўртлик шоирнинг хотини ойдаи  
**Гулрух бегим**га бағишланган.

Учинчиси:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг, бу дурур дилхоҳим:  
Ким арзи дуо ниёз ила қилгайсен,  
Гар сўрса мен хастани Гулрух, Моҳим.*

Ушбу тарзда рубоий Бобурнинг иккала хотинига  
тегинлидир.

Кўряписизки, Бобурнинг бир рубоийсининг бир  
мисрасини тўрт хил талқин қилдик. Хўш, Бобурнинг  
ўзи бу нусхалардан қайси бирини назарда тутган  
экан? Шоир сеҳргарлигини карангки, ҳеч ким  
катъият билан: “Мана буниси!” дея олмайди... Балки  
маҳорат сирлари чўккиларидан бири мана шун-  
дадир?!



Гап шундаки, мумтоз Шарқ поэтикасида “ийҳом” номли бадий санъат бўлиб, бунинг луғавий маъноси “гумонсиратиш” дир. Ийҳом ўта нозик санъат бўлгани учун Алишер Навоий бу санъатни “хосса маъно” (энг нозик маънолар)ни ифодалайдиган санъат эканлигини уқтирган:

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

дея даҳо шоиримиз ўз чексиз имконияти билан фахрланган эди. Бобур ана шу санъатда қайта-қайта китобхон каршисида маъно-мазмун ранг-баранглигини намоён қилди. Қуйидаги дилкаш, жозиб байтнинг ўқиб, зукколарча идрокини ишга сола олган китобхон “сўрорим бор” бирикмасини “сўрамоқчиман” ва “сўрмоқчиман” маъноларида фахмлай олади:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон  
равон қилди,  
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

Ушбу санъатда Алишер Навоийгача яшаган мумтоз шоирларимиз орасида энг кўп байтлар яратган шоиримиз **Мавлоно Лутфий Шоший** (Тошкандий) бўладилар.

Бобур маҳорати **тафреъ** санъатини қўллашда ҳам яққол намоён бўлади. Бу бадий санъатни қўллаган санъаткор кўриниб турган нарсани “бу эмас” дейди-да, “мана бу” деб бошқа бир ўхшаш нарсани айтиб, ажойиб муболағали, ўта таъсирчан бадий воқеликни яратади:

*Сел эмасдур ер юзин тутқан — кўзумнинг ёшидур,  
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон — кўнгул афғонидур.*

**Мазмуни:** Ер юзини тутиб кетган сел эмас, балки кўз ёшларимдир. Осмонга қасирғалар ташлаётган момоқалдиروق эмас, балки кўнглим фарёдидир.

Бу усулни Бобур Навоийдан ўрганган бўлиши мумкин:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,  
Йўқ, шафаққим, бир қироқдан осмонга тушти ўт...*

“Тафреъ” санъатининг таъсирчанлик имкониятларини Алишер Навоий **Саъдий Шерозий**дан кузатган бўлса ҳам ажаб эмас:

*Нест он лолаҳо, ки дар бодияҳо жилвагаранд,  
Куштагонанд, ки зи хок бароварда саранд.*

**Мазмуни:** Даштларда жилваланаётган долалар эмас, Сўйилган одамлар бошларини тунроқдан чиқариб турибдилар.

Бобур **харфий** санъатлар қўллашда ҳам Алишер Навоий билан беллаша оладиган санъаткор шоир. Унинг китобат қўллаган ушбу байти содда ва тушунарли, айти пайтда нафис ва жозиблиги билан диккатга сазовор. Қадни “алиф”, қошни “ё” ҳарфига ўхшатиш анъанавий эски гап. Маъшукани ойга ташбех бериш ҳам минг маротаба учраган. Аммо “алиф” ва “ё”ни ковуштириб, булар йиғиндисидан “ой” сўзини келтириб чиқариш янги фикрий кашфиёт — нуктасидир:



*Қаддинг чу “алиф”, қошинг эрур “ё”,  
Десам, не ажаб, агар сени “ой”?*

Улуғ сўз санъаткорлари ҳарфий санъатлардан китобат матнда ҳарфни номлаш ва **истихрож** (сўз келтириб чиқариш)нинг риёзий мураккаб намуналарини ҳам яратадилар. Чунончи, “риёзий истихрож” санъати қўллаганда байтда ҳарф номланмай, айтимасдан сўзлар ифодалаган ҳарфлар йигиндисидан бирор сўз ясалган бўлади. Масалан, куйидаги байтни таҳлил этайлик:

*Оғзю икки зулфу қади бўлмаса манга,  
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.*

Мумтоз адабий анъанага кўра оғиз — “мим” (м), икки зулф — икки “лом” (лл) ва кад — “алиф” (о)дир. Холбуки, матнда бу ҳарфлар айтилмаган. Сеҳргар Бобур “Ақлинг етса, кайф этиб маза кил!” деб жилмайиб қўйган. Чунки у байтдаги “малол” сўзини оғзи, икки зулфи ва қаддидан (м+л+о+л) ясагандир. Эски ёзувда малолда “а” ҳарфи ёзилмайди. Бундай байтни риёзий кашф этишга анча-мунча китобхонгина эмас, ҳозирги пайтда айрим олимлар ҳам кодир эмаслар.

Нега бу ишни қийин дедик? Чунки сеҳргар Бобур олим кўзини аввал лафф ва нашр санъати билан боғлаган. Адабиётшунос байтдан санъат кузатганда биринчи мисрада тизилган сўзлар: оғиз, зулф ва қадга иккинчи мисрадан ўхшатишлар излайди: оғиз — гунча, райҳон — зулф, кад — сарв. Ана шу ҳолат **лафф ва нашрдир**.

Байтда истихрож борлиги “икки” сўзидан бироз сезилади...

Бобурнинг бу соҳадаги улкан кашфиёти мўъжизаси истихрожда “Оллоҳ” сўзини ифодалаган тубандаги байтдадир:

*Қадди била икки зулфу оғзи,  
Жонимга бало бўлбтур, Оллоҳ!*

Истихрожда ёзилмай назарда тutilган ҳарфлар қад — “алиф”, икки зулф — икки “лом” ва оғиз — “ҳо” дир. Ушбу ҳарфлар йиғиндиси Оллоҳдир. Бу ундов сўз улкан хайратни ифодаламоқда.

Бобур шеърини мавзулари ранг-баранглиги билан ҳам эътиборга молик. Шарқона маданият — яхшилик ҳақидаги таъсирчан ғазал ҳам, хазон япроғи сингари юзи сарғайган ошиқ оҳу зорлари талқини бўлган шеър ҳам, маданий дам олишнинг ажиб тўқисликдаги ифодаси бўлмиш:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти*

матлаъли шеър ҳам, фикр-фикр бадиий санъатлар қориган, айна пайтда маъшуқа юз тимсолининг жозиб тажассуми бўлган

*Гул жамолин ёпқон ул гулнинг икки райҳонидур,  
Фунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур,*

деб бошланадиган ғазал ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур инжа шеърини тўплами “Девон”идадир.

Рубобий тимсолларнинг табиий — воқеликка мос



хатти-ҳаракатлари, ошиқ ва маъшуқаларнинг бирининг лобар сервозу ишвалигию иккинчисининг Фарҳодсифат ишқ машаққатларини тортиш ва Мажнун каби шайдолиги ишонарли ифодаланган. Шунинг учун Бобур лирик қаҳрамони ўзини Фарҳоду Мажнундан, маҳбубасини Ширину Лайлидан юкори кўяди:

*Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз ўрганса?  
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.*

“Ишқ” шу даражада ажойиб ҳиссиётки, ошиқлар учрашганда ҳам бахтиёр бўлишлари амри маҳол. Нозик ҳиссиёт иккаласини ҳам жиззаки ҳолатга солгандай. Бирор шоир Бобурдай бу “зиддият воқелигини” идрок этолмаган бўлса керак. Ҳар икки ёш сабр-тоқатлари тугаб бир-бирига зору, учрашганларида эса ҳар лаҳзада аччиқ-тизиққа асослар топилиб қолади. Айрилиқда ўртаниб висолга зориққанлару, бироқ учрашувда ҳам улар ўзаро яхши чикишолмаганликларига нима дейсиз:

*Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушқилдур,  
Сенинг бирла чиқишмоқлиқ доғи бисёр мушқилдур.  
Мизожинг нозикун сен — тунду, мен —  
бир беадаб телба,  
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушқилдур.*

Бобур шеърятини Шарқ поэзияси намунаси сифатида жаҳоннинг оддий ва нуқтадон — нозик китобхонларию сўз санъаткорларини мафтун этади. Мумтоз адабиётимизнинг йирик билимдони академик **Азиз Каюмов** Бобур таваллуди тантаналарининг бирида (чамаси 520 йиллиги) — Андижонда биз, шоир

мухлисларига куйидаги воқеани ҳикоя қилиб бердилар:

“1968 йил эди, чамаси, Болгариянинг Варна шаҳрида социалистик давлатлар кинофестивали бўлмоқда эди. Ўзбекистон Давлат кинематография қўмитаси раиси сифатида мен ҳам таклиф қилинган эдим. Бир кун фестивалга доғистонлик машҳур авар шоири **Расул Ҳамзат ўғли (Расул Гамзатов)** келиптилар, деб эшитиб, излаб чиқдим.

Шоирни таниқли рус кинорежиссёри **Григорий Чухрай** даврасидан топдим ва кўришиб, ўзимни танитдим. Табиатан руҳан жўшқин Расул Гамзатов:

— Мен янги дўст топганимни нишонлайман! — деб бизни пивохўрликка таклиф қилди. Куюк адабий суҳбат давом этмоқда эди. Шу пайт Чухрай тушмагур бундай таклифни орага ташласа бўладими:

— Оғайнилар! Биласизки, русларда, хусусан дворянлар тасавурида гўзаллик оёқдан бошлаб кадрланган. Фестивалга жуда кўп қиз-жувонлар келишган. Келинлар, “Гўзал оёқлар” конкурсини ўтказамиз!

Даврада дворянларнинг нозик дидларию, санамлар оёқлари хақида гап-сўз жонланиб кетди. Мен ҳам беихтиёр мавзуга қизиқиб кетдим ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг куйидаги байтини аслиятда ифодали қилиб ўқиб бердим:

*Ўпсам аёгинг қўюб юзумни,  
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.*

Ва шарҳлаб кетдим: — Шарқда ҳам аёллар гўзаллиги хусусида, айниқса, оёқлари хақида,



ошиқнинг маъшуқа оёқларини ўпиши ва кўзга суртиши хақида Бобуримиз шундай деган, — дея ўша байтни сўзма-сўз русчага таржима қилдим.

Сўзим пайтида даврага чўккан жимликни гумбурлашсимон стол қоқилиши бузиб юборди. Шу пайт Расул Гамзатов озод ўрнидан туриб икки қўллаб столни жон-жаҳди ва завқи билан қоқиб, деярли бақирарди.

— Ана шеъряту мана сенга Шарқ! Ана, аёл оёғига мухаббат! Қандингни ур, Бобур! Мана, Чухрай, сенинг шеърятингда бунақаси борми?!!

Менга шунчаки дилкашгина туюлган Бобур байти буюк шоирни бунчалик тўлқинлантирар деб мутлақо кутмаган эдим”.

**P.S.** Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб тайёрланган ушбу китобни тартиблашда ўсмирдан тортиб мўйсафидларгача, оддий кишидан олимларгача бўлган турли ёш ва адабий савиядаги китобхонлар ўқишини назарда тутиб, ҳар бир мисрадаги ҳозирги замон кишиларига қийин туюладиган қадимий туркий, арабий, форсий сўзларга имкон қадар мукаммал луғат беришга уриндик.

Даҳо шоир **Мирзо Абдулқодир Бедил Азимо-бодий**нинг қуйидаги огоҳлантиришига катта аҳамият бердик:

*Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур,  
Англашилмас мисра, гар бир сўз унда мавҳум эрур.*

Луғат орқали ўқиш — бизда расм бўлмаганидек, бир сўз матндаги ўрнига кўра ҳар хил маъноларда



келади. Айрим сўзлар луғатининг ҳар хиллиги шу ҳолат билан изоҳланади. Чунончи, “яқин” сўзи масофа қисқалигидан ташқари кўпроқ “аниқ, муқаррар” маъносида, “аҳли яқин” бўлса, хос кишилар, Оллоҳ азизлари маъносини беради. Ёки “ҳазон” сўзи қовжираган япроқ маъносидан кўра, кўпроқ “куз” маъносида учрайди... “Ҳазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим” мисрасидаги “ҳазон япроғи” – “кузги япроқ” демакдир. Луғат кўплигининг иккинчи боиси – ёшларимизнинг сўз бойликларини оширишларини назарда тутдик.

Ушбу оммабоп тўпламни тузишда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърӣ асарларининг турли йилларда олимларимиз, филология фанлари докторлари – академик **Азиз Қажумов**, профессорлар **Абдурашид Абдуғафуров**, **Саидбек Ҳасанов**, **Шафика Ёрқин** (Афғонистон), филология фанлари номзодлари **Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев**, **Эргаш Очилов** нашрга тайёрлаган китоблардан фойдаланилди.

**Ваҳоб Раҳмонов.**



*Ғазаллар*

Не кўрай тўбийни<sup>1</sup> қадди хушхироминг<sup>2</sup> борида?!  
Не қилай сунбулни хатти<sup>3</sup> мушкфоминг<sup>4</sup> борида?!

Ким Хиэр суйин<sup>5</sup> оғизланай лабингнинг қошида?  
Ким Масих<sup>6</sup> алфозидин<sup>7</sup> дегай каломинг<sup>8</sup> борида?!

Ошиқингни давлати васлинг била қил мухтарам,  
Хусн аҳли ичра мунча эхтироминг борида.

Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани<sup>9</sup>,  
Бизни ҳам гоҳи соғин<sup>10</sup> шурби<sup>11</sup> мудоминг борида.

Эй кўнгул, гар ғайр сўзи захри қотилдур, не ғам,  
Лабларидин шарбати юхйил-изоминг<sup>12</sup> борида.

Тарки номус айлабон бадном<sup>13</sup> бўлғил ишқ аро,  
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом<sup>14</sup>,  
Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида.

<sup>1</sup> **Тўбий** — жаннатдаги чиройли дарахт.

<sup>2</sup> **Хиром** — юриш.

<sup>3</sup> **Хат(т)** — лаб устидаги майин туклар.

<sup>4</sup> **Мушкфом** — қорамтир, мушк тусли.

<sup>5</sup> **Хиэр суйн** — обихаёт, тириклик суви. **Хиэр** — Қуръонда билвосита зикр этилган донишманд пайғамбар.

<sup>6</sup> **Масих** — Ийсо алайҳиссалом сифати, тирилтирувчи.

<sup>7</sup> **Алфоз** — сўзлар.

<sup>8</sup> **Калом** — сўз.

<sup>9</sup> **Бода** — май, мусаллас.

<sup>10</sup> **Соғин** — эсла.

<sup>11</sup> **Шурб** — ичимлик.

<sup>12</sup> **Юхйил-изом** — суякни ҳам тирилтирувчи, жон бағишловчи. Мажозан: Оллоҳ.

<sup>13</sup> **Бадном** — ёмонотлик.

<sup>14</sup> **Мақом** — 1. Ҳурин, маскан. 2. "Пашмақом" шубҳаси.



Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,  
Келсун агар юзумни эвурсам<sup>1</sup>, бало манга!

Нетгаймен ул рафик<sup>2</sup> билаким, қилур басе<sup>3</sup>,  
Мехру вафо — ракибга, жавру жафо — манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг<sup>4</sup>,  
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оху ёшимдин ортадурур заъф<sup>5</sup>, эй табиб,  
Билдим: ярашмас эмди бу обу хаво манга.

Дардим кўруб, муолажада зоеъ этма умр —  
Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво манга.

То ёр кимни истар-у, кўнглига ким ёқар,  
Ташвиш бежихатдурур<sup>6</sup> охир санго, манга.

Бобур, бўлубтурур икки кўзум йўлида тўрт,  
Келса не бўлди қошима бир-бир манго, манга.

<sup>1</sup> Э в у р с а м — ўгирсам.

<sup>2</sup> Р а ф и қ — ўрток, дўст.

<sup>3</sup> Б а с е — жуда, роса.

<sup>4</sup> Н е т о н г — не ажаб, ажабланарли эмас.

<sup>5</sup> З а ъ ф — хасталик.

<sup>6</sup> Б е ж и х а т — ўринсиз.



Чун фалак қўймас мени бир лаҳза васл айёмида<sup>1</sup>,  
Тонг<sup>2</sup> йўқ, эй бемехр<sup>3</sup>, агар ўлсам фироқинг  
шомида<sup>4</sup>.

Эй кўнгул, юзин кўруб, зулфи паришонин совин,  
Шоми ҳижрондин тавахҳум<sup>5</sup> айла васл айёмида.

Зулфидаким маскан<sup>6</sup> эттинг, кўр занахдон<sup>7</sup>  
чоҳини<sup>8</sup>,

Воқиф ўлғилким, эрусен аждаҳонинг комида.

Ғунчадек оезинг ғами кўнглумда гар йўқ,  
бас недур<sup>9</sup>,

Чок<sup>10</sup> кўнглум ҳайъати<sup>11</sup> гул ғунчаси андомида?<sup>12</sup>

<sup>1</sup> **А й ё м** — кун, кунлар.

<sup>2</sup> **Т о н г** — ажаб.

<sup>3</sup> **Б е м е х р** — меҳрсиз.

<sup>4</sup> **Ф и р о қ** — айрилик, жудолик.

<sup>5</sup> **Т а в а х х у м** — 1. Уйламок. 2. Қўркмок.

<sup>6</sup> **М а с к а н** — макон, жой, тураржой.

<sup>7</sup> **З а н а х д о н** — ияк чуқурчаси (кулғич).

<sup>8</sup> **Ч о х** — чуқурлик; қудук.

<sup>9</sup> **Б а с н е д у р** — унда нега?

<sup>10</sup> **Ч о к** — сўқилган, жароҳатли.

<sup>11</sup> **Ҳ а й ё т** — тарз, шакл.

<sup>12</sup> **А н д о м** — шакл, тарз.



Ёрнинг пайғоми<sup>13</sup> еткач, топти жон фарсуда<sup>14</sup> тан,  
Исо<sup>15</sup> эъжози<sup>16</sup> магар музмардурур<sup>17</sup> пайғомида?

Бобур, ул гул зулфи остинда эмастур холлар,  
Жон қушин сайд<sup>18</sup> айлар учун доналардур<sup>19</sup>

домида<sup>20</sup>.



---

<sup>13</sup> **Пайғом** — дарак, хабар.

<sup>14</sup> **Фарсуда** — беҳол, хорғин, ожиз.

<sup>15</sup> **Исо** — пайғамбар.

<sup>16</sup> **Эъжоз** — мўъжиза.

<sup>17</sup> **Музмар** — йўврилган.

<sup>18</sup> **Сайд** — оя.

<sup>19</sup> **Дона** — дон.

<sup>20</sup> **Дом** — тузоқ.

Ёғлиғингким<sup>1</sup>, жон била мен хастадурмен,  
зор анга,  
Хаста жонлар риштасидиндур<sup>2</sup> магар<sup>3</sup> хар тор<sup>4</sup> анга?

Эврулур<sup>5</sup> бошингғаю гохи юзунга юз кўяр,  
Бу жиҳаттин<sup>6</sup> от эмиш “гулпеч”у гах  
“гулзор” анга.

Бир чамандур, сахниким, бўлғай бинафша  
сарбасар<sup>7</sup>,  
Теграси гулзордурким, бўлмағай бир хор<sup>8</sup> анга.

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бордурур —  
Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Эй кўнгул, юз пора<sup>9</sup> қилса ёр тиғи, ғам ема,  
Лутф<sup>10</sup> этиб, гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.

Кўнглум истар ёғлиғингни, балки андин бир насим —  
Етса Бобурға эрур жон бирла миннатдор анга!

<sup>1</sup> Ёғлиғ — рўмол, дурра.

<sup>2</sup> Ришта — ип (ўриш ё арқок).

<sup>3</sup> Магар — балки, микан?

<sup>4</sup> Тор — ип.

<sup>5</sup> Эврулур — айланади.

<sup>6</sup> Жиҳат — боис, сабаб.

<sup>7</sup> Гулпеч — чирмашиб ўсган гуллар.

<sup>8</sup> Сарбасар — ялпи, бошдан-оёқ.

<sup>9</sup> Хор — тикан.

<sup>10</sup> Пора — парча, бўлак, бурда.

<sup>11</sup> Лутф — мулойимлик, раҳмдиллик.



Ул парининг тигидин кўркутма мени, эй рақиб,  
Ишқида бошимга менинг ҳар не келса, ё насиб!<sup>1</sup>

Эврулуб<sup>2</sup> бошингга, эй ой, қилмишам тарки ватан,  
Раҳм қилғил мангаким, саргаштадурмен<sup>3</sup>,  
хам ғариб<sup>4</sup>.

Телба бўлмоқлиғдин ўзга чорас<sup>5</sup> йўқтур манга,  
Ул парирў<sup>6</sup> ногаҳон ар<sup>7</sup> чиқса уйдин ёсаниб.

Жонда беркитган ўкин чекмак манга ранжедурур<sup>8</sup>,  
Қўйғил ул ўкни, чекай деб ранж чекма, эй табиб!

Бобуро, харгиз қулоқ шеърингга ул гул солмади,  
Гулга не парвое, юз фарёд қилса андалиб<sup>9</sup>!

<sup>1</sup> Ё насиб — бахтимдан кўрдим!

<sup>2</sup> Э в р у л у б — айланиб.

<sup>3</sup> С а р г а ш т а — сарсон-саргардон.

<sup>4</sup> Ғ а р и б — ўзга юртда яшаётган киши.

<sup>5</sup> Ч о р а е — бирор илож.

<sup>6</sup> П а р и р ў — пари юзли.

<sup>7</sup> А р — агар.

<sup>8</sup> Р а н ж — азоб, машаққат, оғрик.

<sup>9</sup> А н д а л и б — булбул.

Эшикинга бош урармен телбалар янглиг<sup>1</sup> юруб,  
Эй пари, йўл бер висолингфаки, кетмай бош уруб.

Сарв қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф<sup>2</sup>,  
Ўтқа ёқти боғбон сарви сихисин<sup>3</sup> синдуруб.

Ўлтуруб эрди, қўпуб<sup>4</sup> кетмакка чун азм<sup>5</sup> айлади,  
Ёна<sup>6</sup> тиргузди мени, алҳамдулиллах<sup>7</sup>, ўлтуруб.

Кўзлари сайд<sup>8</sup> айлар учун телба кўнглумни менинг  
Қоши ёсини<sup>9</sup> қуруб, кирпик ўқини тўлдуруб.

То сабо зулфини ул гулнинг паришон<sup>10</sup> айлади,  
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.

Топшуруб эрдим кўнгулни ёрға, чун борди ёр,  
Хамраҳ<sup>11</sup> эттим хаста кўнглумни Худога топшуруб.

<sup>1</sup> Я н г л и г — каби.

<sup>2</sup> В а с ф — мақтамоқ.

<sup>3</sup> С и х и — тик, хушқомат.

<sup>4</sup> Қ у п и б — туриб.

<sup>5</sup> А з м — чоғланмоқ.

<sup>6</sup> Ё н а — яна.

<sup>7</sup> А л ҳ а м д у л и л л а х — Оллоҳга шукрлар бўлсин.

<sup>8</sup> С а й д — ов.

<sup>9</sup> Ё с и — камони, ёйи.

<sup>10</sup> П а р и ш о н — тузгиган.

<sup>11</sup> Ҳ а м р а ҳ — йулдош.



Бўйнума занжири ғам, ё бўғзума тиғи ситам<sup>12</sup>,  
Ҳар не келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли<sup>13</sup> жонбахш<sup>14</sup> эрканин,  
Чунки, Бобур, хажрида<sup>15</sup> кўп йиғладим оғзим қуруб.



---

<sup>12</sup> С и т а м — жабр, зулм.

<sup>13</sup> Л а ъ л — лаб.

<sup>14</sup> Ж о н б а х ш — тирилтирувчи.

<sup>15</sup> Ҳ а ж р — айрилиқ.

Гофил<sup>1</sup> ўлма<sup>2</sup>, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут!  
Вақти айш эмас боқий<sup>3</sup>, ол чоғир<sup>4</sup>, кетур, бот<sup>5</sup> тут!

Бу насиҳатим тингла: не бўлур киши ёнгла<sup>6</sup>,  
Не бўлур экин тонгла<sup>7</sup>, сен бу кун ғанимат тут!

Гофил ўлма давлатта, ўзни солма мехнатта<sup>8</sup>,  
Тангри берур албатта, давлат иста, химмат тут!

Хуштурур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр<sup>9</sup>,  
Бўлса васл беавёр<sup>10</sup> давлату саодат тут!

Ғам черики<sup>11</sup> беҳаддур<sup>12</sup>, чораси будур, Бобур:  
Бодани<sup>13</sup> кўмак келтур, жомни<sup>14</sup> химоят тут!

<sup>1</sup> **Гофил** — беҳабар.

<sup>2</sup> **Ўлма** — бўлма.

<sup>3</sup> **Боқий** — доимий.

<sup>4</sup> **Чоғир** — май, мусаллас.

<sup>5</sup> **Бот** — тез, дарҳол.

<sup>6</sup> **Ёнгла** — яна.

<sup>7</sup> **Тонгла** — 1. Эртага эрталаб. 2. Қиёматда.

<sup>8</sup> **Мехнат** — азоб, машаққат.

<sup>9</sup> **Дайёр** — уй эгаси.

<sup>10</sup> **Беавёр** — рақибсиз.

<sup>11</sup> **Черик** — лашкар.

<sup>12</sup> **Беҳад(д)** — ҳад-ҳисобсиз.

<sup>13</sup> **Бода** — май.

<sup>14</sup> **Жом** — қадах.





Эй юзи насрин<sup>1</sup>, қомати шамшод<sup>2</sup>,  
Неча қилурсен жонима бедод?<sup>3</sup>

Сен киби пуркор<sup>4</sup>, шеваси<sup>5</sup> бисёр<sup>6</sup>,  
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир<sup>7</sup>, зулмда мохир,  
Ишвада<sup>8</sup> кодир<sup>9</sup>, ғамзада<sup>10</sup> устод<sup>11</sup>.

Ёр ғамидин, хажр аламидин,  
Сабр камидин нолаю фарёд!

Бобури бедил<sup>12</sup>, эй бути<sup>13</sup> котил,  
Жаврунга мойил, зулмунга муътод<sup>14</sup>.

<sup>1</sup> **Н а с р и н** — оқ гул.

<sup>2</sup> **Ш а м ш о д** — хушқомат бир хил дарахт.

<sup>3</sup> **Б е д о д** — зулм, жабр.

<sup>4</sup> **П у р к о р** — пухта-пишиқ, айёр.

<sup>5</sup> **Ш е в а** — қилиқ, ноз.

<sup>6</sup> **Б и с ё р** — кўп.

<sup>7</sup> **Н о д и р** — ягона, ноёб.

<sup>8</sup> **И ш в а** — ноз-қарашма.

<sup>9</sup> **К о д и р** — устаси фаранг.

<sup>10</sup> **Ғ а м з а** — кўз сузиш.

<sup>11</sup> **У с т о д** — устоз.

<sup>12</sup> **Б е д и л** — маҳлиё, ошиқ.

<sup>13</sup> **Б у т** — санам, гўзал.

<sup>14</sup> **М у ъ т о д** — ўрганган, кўниккан.



Шоҳ Султон Увайс бинни<sup>1</sup> Маҳмуд<sup>2</sup>,  
Моҳ<sup>3</sup> Султон Увайс бинни Маҳмуд.

Қадду оғзингдин айру<sup>4</sup> тортармен —  
Оҳ, Султон Увайс бинни Маҳмуд.

Мени ёд айла баъзи ишқингда  
Гоҳ, Султон Увайс бинни Маҳмуд.

Хуштурур ҳамрахим<sup>5</sup> агар сенсен —  
Роҳ<sup>6</sup>, Султон Увайс бинни Маҳмуд.

Подшаҳдур агарчи Бобур, лек,<sup>7</sup>  
Шоҳ Султон Увайс бинни Маҳмуд.



<sup>1</sup> **Б и н** — ўғли.

<sup>2</sup> **С у л т о н У в а й с** — Бобурнинг холаваччаси.


<sup>3</sup> **М о ҳ** — ой.

<sup>4</sup> **А й р у** — жудоликда.

<sup>5</sup> **Ҳ а м р а х (ҳамроҳ)** — йўлдош.

<sup>6</sup> **Р о ҳ** — 1. Йўл. 2. Май.

<sup>7</sup> **Л е к** — лекин.



Балои ишқки, хар дам манга жафоедур,  
Бу ишқдин кеча олмон<sup>1</sup>, ажаб балоедур.

Хати<sup>2</sup> лабиға тутош бўлса, эй кўнгул, не ажаб —  
Ки, Хизр чашмаи ҳайвонга<sup>3</sup> раҳнамоедур<sup>4</sup>.

Ярар бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,  
Магарки<sup>5</sup> хар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидуру май хавоси<sup>6</sup> бошимда,  
Аёк<sup>7</sup> тут манга, сокийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу, Бобурнинг  
Рафиқу<sup>8</sup> ҳамдами хажрида оху воедур.



<sup>1</sup> К е ч а олмон — кечолмайман.

<sup>2</sup> Х а т(т) — лаб узра майин туклар.

<sup>3</sup> Ч а ш м а и ҳ а й в о н — обиҳаёт булоғи.

<sup>4</sup> Р а ҳ н а м о — йўл кўрсатувчи.

<sup>5</sup> М а г а р к и — балки.

<sup>6</sup> Ҳ а в о с и — ҳаваси.

<sup>7</sup> А ё к — қадаҳ.

<sup>8</sup> Р а ф и қ — ўрток, кадрдон.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,  
Манга юзу кошнингдин айру<sup>1</sup> байрам ойида ғамлар.

Менинг бу тори мў<sup>2</sup> янглиғ танимға тоблар<sup>3</sup> солди  
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидағи хамлар<sup>4</sup>.

Хавоға дуди<sup>5</sup> охин тутратур<sup>6</sup> ишк ахли ғайратдин<sup>7</sup>,  
Сабо тахрикидин<sup>8</sup> хар гаҳ паришон бўлса  
парчамлар<sup>9</sup>.

Очилди зулфию хайлар<sup>10</sup> намудор<sup>11</sup> ўлди юзида,  
Гул узра чун<sup>12</sup> бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену кунжи<sup>13</sup> ғаму оху фиғону ашки<sup>14</sup> хунолуд<sup>15</sup>,  
Не хушдур гўшаи холи<sup>16</sup>, майи софию хамдамлар.

<sup>1</sup> **А й р у** — жудалик.

<sup>2</sup> **Т о р и м ў** — сочининг бир толаси.

<sup>3</sup> **Т о б л а р** — тўлғанишлар.

<sup>4</sup> **Х а м л а р** — халқа-халқалар, бурам-бурам.

<sup>5</sup> **Д у д** — тутун.

<sup>6</sup> **Т у т р а т у р** — таркатади.

<sup>7</sup> **Ғ а й р а т** — рашик.

<sup>8</sup> **Т а х р и к и** — титратиши.

<sup>9</sup> **П а р ч а м** — зулф.

<sup>10</sup> **Х а й** — юздағи тер.

<sup>11</sup> **Н а м у д о р** — кўринган.

<sup>12</sup> **Ч у н** — чунки.

<sup>13</sup> **К у н ж** — гўша.

<sup>14</sup> **А ш к** — кўз ёши.

<sup>15</sup> **Х у н о л у д** — қонли.

<sup>16</sup> **Х о л и** — овлоқ.



Кўнгулни ишқ бузди, не асиг<sup>17</sup> панду насихатдин,  
Менинг мажруҳ<sup>18</sup> кўнглумга ярашмас ушбу  
мархамлар.

Юзи наврўзию васли ийдини<sup>19</sup>, Бобур,  
ганимат тут —  
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу  
байрамлар.



---

<sup>17</sup> **А с и г (осиг)** — фойда.

<sup>18</sup> **М а ж р у ҳ** — жароҳатли.

<sup>19</sup> **И й д** — хайит.



Очилиб икки сочи, юзига ёйилмишлар,  
Ёруқ жаҳонни кўзумга коронғу қилмишлар.

Човир<sup>1</sup> бағир қонидур барча ишк аҳлиға,  
Зиҳи<sup>2</sup> аларки, бу майдин даме ойилмишлар<sup>3</sup>.

Не қилсам, айлама, эй ёр, айбким, менда  
Жунуну<sup>4</sup> ишқу йигитлик бори қотилмишлар<sup>5</sup>.

Салоҳқа<sup>6</sup> хирад аҳли<sup>7</sup> мени ёвуқ<sup>8</sup> дерлар,  
Кўрунги, ушбу чечанлар йирок ёнгилмишлар<sup>9</sup>.

Не суд<sup>10</sup> ишқни элдин ёшурмоқ, эй Бобур,  
Чу<sup>11</sup> ҳолатингни бори олам аҳли билмишлар.

---

<sup>1</sup> Ч о в и р — май.

<sup>2</sup> З и ҳ и — ажаб!

<sup>3</sup> О й и л м и ш — йироқлашган.

<sup>4</sup> Ж у н у н — телбалик.

<sup>5</sup> Қ о т и л м и ш — қўшилиб кетган.

<sup>6</sup> С а л о ҳ — парҳезкорлик.

<sup>7</sup> Х и р а д а ҳ л и — оқиллар.

<sup>8</sup> Ё в у қ — яқин.

<sup>9</sup> Ё н г и л м и ш — янглишган.

<sup>10</sup> С у д — фойда, наф.

<sup>11</sup> Ч у — чуңки; чунончи.



Хати<sup>1</sup> — бинафша, хади<sup>2</sup> — лола, зулфи райхондур,  
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Энгу<sup>3</sup> менги<sup>4</sup> ою доғи юзу сўзи гулу мул<sup>5</sup>,  
Қади равону тани жону ирни<sup>6</sup> маржондур.

Қошида чину<sup>7</sup> кўзида кину ангубин<sup>8</sup> лабида,  
Сўзида захр ва лекин тилида дармондур.

Қошингга кўп бора олмон, нетай, ароликда,  
Ёшим тишинг дуридин айру<sup>9</sup> баҳри Уммондур<sup>10</sup>.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафга секретиб от,  
Саманди<sup>11</sup> ноз инонини<sup>12</sup> бир бери ёндур<sup>13</sup>.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини —  
Ки, ҳуснунга сенинг, эй, руху ақл хайрондур.

Жафою жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,  
Не ихтиёр манга, ҳар не қилса, султондур.

---

<sup>1</sup> **Х а т (т)** — лаб узра майин туклар.

<sup>2</sup> **Х а д** — ёнок.

<sup>3</sup> **Э н г** — юз, ёнок.

<sup>4</sup> **М е н г** — хол.

<sup>5</sup> **М у л** — май.

<sup>6</sup> **И р н** — лаб.

<sup>7</sup> **Ч и н** — чимирилиш.

<sup>8</sup> **А н г у б и н** — бол, асал.

<sup>9</sup> **А й р у** — жудоликда.

<sup>10</sup> **Б а ҳ р и У м м о н** — денгиз. **Б а ҳ р** — денгиз.

<sup>11</sup> **С а м а н д** — саман тулпор.

<sup>12</sup> **И н о н** — тизгин, жиллов.

<sup>13</sup> **Ё н д у р** — кайтар.

Заъфдин<sup>1</sup> гўё менинг бу зор жисмим нолдур<sup>2</sup> —  
Ким, онинг шарҳин демакта хома<sup>3</sup> тили лолдур.

Заъфлик<sup>4</sup> жисмим била бу нотавон<sup>5</sup> кўнглум аро  
Дард ёр эрканга ушбу эгма қаддим долдур<sup>6</sup>.

Мен дамодам<sup>7</sup> қон ютармен ҳажр<sup>8</sup> аёғидин<sup>9</sup>, нетай,  
Ўзгаларнинг жоми васли гарчи молломолдур<sup>10</sup>.

Зулфига вобастамен<sup>11</sup>, васлига йўқдур дастрас<sup>12</sup>,  
Эй хуш ул озодаким<sup>13</sup>, беқайду<sup>14</sup> фориғболдур<sup>15</sup>.

Ул паридин мен нечук жон элтаменким, Бобуро,  
Васли мушқил, ҳажри муҳлик<sup>16</sup>,  
ғамзаси қаттолдур<sup>17</sup>.

<sup>1</sup> **Заъф** — хасталик.

<sup>2</sup> **Нол** — камиш ичидаги харирсимон қилтирик.

<sup>3</sup> **Хома** — қалам.

<sup>4</sup> **Заъфлик** — бемор.

<sup>5</sup> **Нотавон** — мадорсиз.

<sup>6</sup> **Дол** — далил.

<sup>7</sup> **Дамодам** — ҳар лаҳза.

<sup>8</sup> **Ҳажр** — айрилик.

<sup>9</sup> **Аёғ** — қадах.

<sup>10</sup> **Молломол** — лиммо-лим.

<sup>11</sup> **Вобаста** — боғлиқ.

<sup>12</sup> **Дастрас** — имкон.

<sup>13</sup> **Озода** — озод, эркин.

<sup>14</sup> **Беқайду** — бошвоқсиз.

<sup>15</sup> **Фориғбол** — хотиржам.

<sup>16</sup> **Муҳлик** — ўлдирувчи.

<sup>17</sup> **Қаттол** — қатл этувчи.



Кўк вусмада<sup>1</sup> ул ой қоши гўё хаёлдур,  
Ё ой бошида кўкта кўрунган хилолдур.

Не навъ<sup>2</sup> ўхшасун юзига офтобким,  
Онинг заволи<sup>3</sup> бордуру бу, безаволдур<sup>4</sup>.

Оғзию икки зулфу қади бўлмаса манга,  
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.

Ушшоқ<sup>5</sup> охи елидин осиб<sup>6</sup> топмасун  
Қаддингки, хусн боғида нозик ниҳолдур.

Кўнглумга дард келгали хам бўлди қоматим,  
Қаддим магарки “дард” ёнидағи “дол” дур<sup>7</sup>.

Гарчи вафою меҳрни билмас менинг ойм,  
Лекин жафою жаврда соҳибкамолдур<sup>8</sup>.

Хар неча беиноят<sup>9</sup> эса ёр, Бобуро,  
Сен қўйма хидматингнию<sup>10</sup> они уёлдур.

<sup>1</sup> В у с м а — ўсма.

<sup>2</sup> Н е н а в ъ — қандай?

<sup>3</sup> З а в о л — ҳалокат.

<sup>4</sup> Б е з а в о л — мангулик.

<sup>5</sup> У ш ш о қ — ошиқлар.

<sup>6</sup> О с и б (о с и й б) — озор.

<sup>7</sup> Д о л — “д” ҳарфи.

<sup>8</sup> С о ҳ и б к а м о л — етук.

<sup>9</sup> Б е и н о я т — илтифотсиз.

<sup>10</sup> Х и д м а т — хизмат, мулозамат.



Мендин ўзга хасталарга лаълидин<sup>1</sup> дармон берур,  
Мен берурмен жону ул умр ўзгаларга жон берур.

Ошики мен, ул килур агёрға<sup>2</sup> маҳбублук<sup>3</sup>,  
Дардманди мен, вале<sup>4</sup> ул ўзгага дармон берур.

Ўқида пайкон<sup>5</sup> эмас, бир қатра хайвон<sup>6</sup> суйидур,  
Етгач-ўқ<sup>7</sup> жонсиз танимға жон ўшал пайкон берур.

Қош ёшимни ҳажрида<sup>8</sup>, шеъримни васфида<sup>9</sup>  
Ким, бу янглиғ дурру гавхар қайси баҳру<sup>10</sup> кўрунг —  
кон берур?

Бўлғали қаддиға мойил васлидин маҳруммен,  
Бобуро, ул ҳусн нахли<sup>11</sup> бар<sup>12</sup> магар хирмон<sup>13</sup> берур.

<sup>1</sup> Лаъл — лаб.

<sup>2</sup> Агёр — ёт, рақиб.

<sup>3</sup> Маҳбублук — севилганлик.

<sup>4</sup> Вале — лекин.

<sup>5</sup> Пайкон — камон ўқи учи.

<sup>6</sup> Хайвон — тириклик.

<sup>7</sup> Етгач-ўқ — етган зоҳотиёк.

<sup>8</sup> Ҳажр — айрилик.

<sup>9</sup> Васф — мактов.

<sup>10</sup> Баҳр — денгиз.

<sup>11</sup> Нахл — ниҳол.

<sup>12</sup> Бар — мева, ҳосил.

<sup>13</sup> Хирмон — маҳрумлик.



Кўнглумни чу ул пари олибтур,  
Девона бўлурға не қолибтур?!<sup>1</sup>

Бедил<sup>1</sup> эканимни эмди билгай,  
Чун<sup>2</sup> бир киши кўнглини олибтур.

Кўнглумни олиб, тағофулин<sup>3</sup> кўр,  
Билмасга ўзини не солибтур.

Зулфунг черигини<sup>4</sup> йиғки, жамъи  
Бу фитнадин асру<sup>5</sup> кўзғолибтур.

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,  
Бу олам иши чун мунқалибтур<sup>6</sup>.



---

<sup>1</sup> Б е д и л — ошиқ.

<sup>2</sup> Ч у н — чунки; агар.

<sup>3</sup> Т а ғ о ф у л — ўзини билмаганга олиш.

<sup>4</sup> Ч е р и к — лашкар.

<sup>5</sup> А с р у — жуда; барчаси.

<sup>6</sup> М у н қ а л и б — тесқари.

Васлин ул ой манга мухол<sup>1</sup> қилур,  
Хажридин<sup>2</sup> мени хастахол<sup>3</sup> қилур.

Билмайин ҳолатимни ул бемехр,<sup>4</sup>  
Ўзгалардек мени хаёл қилур.

Ол<sup>5</sup> юзи кўз ёшимни қон қилди,  
Кўргач-ўк<sup>6</sup> деб эдимки, ол<sup>7</sup> қилур.

Сарфароз<sup>8</sup> этса даҳр, шод ўлма,  
К-охирул амр<sup>9</sup> поймол<sup>10</sup> қилур.

Мен киму зухду<sup>11</sup> тавбаким, зоҳид<sup>12</sup>  
Неча андишаи маҳол қилур.

Тавба ишин буюрма Бобурға —  
Ким, бу ишни ўшал ўсол<sup>13</sup> қилур.

<sup>1</sup> **М у х о л** — маҳол.

<sup>2</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>3</sup> **Х а с т а х о л** — бечораҳол.

<sup>4</sup> **Б е м е х р** — меҳрсиз.

<sup>5</sup> **О л** — кизил.

<sup>6</sup> **К ў р г а ч - ў к** — кўрган зоҳотиёк.

<sup>7</sup> **О л** — хийла.

<sup>8</sup> **С а р а ф р о з** — улуғвор.

<sup>9</sup> **О х и р у л а м р** — охири.

<sup>10</sup> **П о й м о л** — оёқости.

<sup>11</sup> **З у х д** — мутғасил тоат-ибодат.

<sup>12</sup> **З о х и д** — тоат-ибодатни доим бажарувчи киши.

<sup>13</sup> **А н д и ш а** — хаёл, фикр.

<sup>14</sup> **Ў с о л** — ўсал, шарманда.



Қаро зулфунг фироқида<sup>1</sup> паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнунг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон  
равон қилди,<sup>2</sup>  
Нега холим ямон қилди, мен ондин бир  
сўрорим бор<sup>3</sup>.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин<sup>4</sup> гар алам  
бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек  
ғамгусорим<sup>5</sup> бор.

Агар муслиҳмен<sup>6</sup>, ар муфсид<sup>7</sup> ва гар ошиқмен,  
ар обид<sup>8</sup>,  
Не ишинг бор сенинг, зоҳид,<sup>9</sup> менингки  
ихтиёрим бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўк зарра бу  
кулдин,  
Басе,<sup>10</sup> Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим<sup>11</sup>  
бор.

<sup>1</sup> **Фирок** — айрилик.

<sup>2</sup> **Равон қилди** — оқизди.

<sup>3</sup> **Сўрорим бор** — 1. Сўрамоқчиман. 2. Сўрмоқчиман.

<sup>4</sup> **Улус** — халқ.

<sup>5</sup> **Ғамгусор** — меҳрибон.

<sup>6</sup> **Муслиҳ** — хайрли ишлар қилувчи.

<sup>7</sup> **Муфсид** — фиск-фасодчи, ёмон.

<sup>8</sup> **Обид** — ибодат қилувчи.

<sup>9</sup> **Зоҳид** — доим тоат-ибодат қилувчи киши.

<sup>10</sup> **Басе** — роса, жуда.

<sup>11</sup> **Хорхор** — иштиёқ, кучли истак.

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райхонидур,  
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.<sup>1</sup>

Ул мусалсал<sup>2</sup> икки зулфи гул юзининг даврида,  
Гул уза агнар, магар<sup>3</sup> ул иккининг давронидур.

Ўқи захмини<sup>4</sup> кўруб хар ён танимда, эл дегай —  
Ким, бу кўхи<sup>5</sup> дарднинг ул лолаи Нуъмонидур<sup>6</sup>.

Сел эмасдур ер юзин тутқон — кўзумнинг ёшидур!  
Раъд<sup>7</sup> эмасдур кўкка чирмашқон — кўнгул  
афғонидур!<sup>8</sup>

Ложарам<sup>9</sup>, бўлғай паришону ҳавойи мен киби,  
Зарра янглиг<sup>10</sup> кимки бир хуршид<sup>11</sup> саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур —  
Ким, сочи занжиридур, чоҳи зақан<sup>12</sup> зиндонидур.

<sup>1</sup> **Х а н д о н** — кулиб турган.

<sup>2</sup> **М у с а л с а л** — бурам-бурам.

<sup>3</sup> **М а г а р** — балки, -микан?

<sup>4</sup> **З а х м** — жароҳат.

<sup>5</sup> **К ў х** — тоғ.

<sup>6</sup> **Н у ъ м о н и** — алвон, қизил.

<sup>7</sup> **Р а ъ д** — момоқалдирок.

<sup>8</sup> **А ф ѓ о н** — фарёд.

<sup>9</sup> **Л о ж а р а м** — зотан.

<sup>10</sup> **Я н г л и г** — каби.

<sup>11</sup> **Х у р ш и д** — куёш.

<sup>12</sup> **Ч о х и з а қ а н** — ияқдаги кулгич.

Менинг кўнглумки, гулнинг фунчасидек тах-батах<sup>1</sup>  
кандур,  
Агар юз минг баҳор ўлса,<sup>2</sup> очилмоғи не имкандур.

Агар ул қоши ёсиз<sup>3</sup> боғ гаштин<sup>4</sup> орзу қилсам,  
Кўзумга ўкдурур сарву кўнгулга гунча пайкандур.<sup>5</sup>

Баҳору боғ сайрин не қилайким, дилситонимнинг<sup>6</sup>  
Юзи — гул, зулфи — сунбул, қомати сарви  
хиромондур.<sup>7</sup>

Висоли лаззатидин рух топмоғлик эрур душвор<sup>8</sup>,  
Фироқи пиддатида йўкса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврүлүр<sup>9</sup> армони бирла ўлдүм, эй Бобур,  
Менинг наъшимни<sup>10</sup> боре ул пари кўйидин<sup>11</sup>  
айлондур.

<sup>1</sup> **Т а х-б а т а х** — қатма-қат.

<sup>2</sup> **Ў л с а** — бўлса.

<sup>3</sup> **Ё** — ёй, камон.

<sup>4</sup> **Г а ш т** — сайр.

<sup>5</sup> **П а й к о н** — ўқнинг учи.

<sup>6</sup> **Д и л с и т о н** — мафтункор.

<sup>7</sup> **Х и р о м о н** — юрүвчи.

<sup>8</sup> **Д у ш в о р** — қийин.

<sup>9</sup> **Э в р у л у р** — айланмок.

<sup>10</sup> **Н а ъ ш** — тобут.

<sup>11</sup> **К ў й** — манзил, макон.

Агарчи сенсизин<sup>1</sup> сабр айламак, эй ёр, мушкилдур,  
Сенинг бирла чиқишмоғлиқ доғи<sup>2</sup> бисёр<sup>3</sup>  
мушкилдур.

Мизожинг нозику сен — тунду<sup>4</sup>,  
мен — бир беадаб<sup>5</sup> телба,  
Санга холимни қилмоқ, эй пари, изҳор  
мушкилдур.

Не осиг<sup>6</sup> нолаю фарёд хоболуд<sup>7</sup> бахтимдин,  
Бу унлар бирла чун<sup>8</sup> қилмоқ ани бедор мушкилдур.

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман<sup>9</sup>  
душман,  
Вале<sup>10</sup> бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр  
мушкилдур.

Висолинким тиларсен, нозини хуш тортғил,<sup>11</sup>  
Бобур,  
Ки, олам боғида топмоқ гули бехор<sup>12</sup> мушкилдур.

<sup>1</sup> **С е н с и з и н** — сенсиз.

<sup>2</sup> **Д о ғ и** — янада; ҳам.

<sup>3</sup> **Б и с ё р** — жуда.

<sup>4</sup> **Т у н д** — инжиқ.

<sup>5</sup> **Б е а д а б** — адабсиз.

<sup>6</sup> **О с и г** — фойда.

<sup>7</sup> **Х о б о л у д** — уйкусираган.

<sup>8</sup> **Ч у н** — чунки.

<sup>9</sup> **Т у м а н** — ўн минг.

<sup>10</sup> **В а л е** — лекин.

<sup>11</sup> **Т о р т** — кўтар.

<sup>12</sup> **Б е х о р** — тикансиз.





Ичгуча жом<sup>1</sup> ажал кўнглумда ул соқий дурур,  
Тўлғуча паймонам<sup>2</sup> ул соқий била боқий<sup>3</sup> дурур.

Бош кўтармон<sup>4</sup> бодадин<sup>5</sup> чун ёр аёғи<sup>6</sup> ўртада,  
Кўймон илгимдин<sup>7</sup> аёқ чун<sup>8</sup> жилвагар соқий дурур.

Эгма<sup>9</sup> қаддим айб қилма қоши ёлар<sup>10</sup> ишқида,  
Янги ойдек хам<sup>11</sup> бўлур гар худ<sup>12</sup>  
фалак токи<sup>13</sup> дурур.

Ул ҳилолинг бирла хуршидинг<sup>14</sup> сифотин ёзғали  
Мухтасардур<sup>15</sup> филмасал<sup>16</sup> гар чарх<sup>17</sup> авроқи<sup>18</sup> дурур.

<sup>1</sup> **Ж о м** — қадах, пиёла.

<sup>2</sup> **П а й м о н а** — пиёла, қадах.

<sup>3</sup> **Б о қ и й** — ҳамишалик.

<sup>4</sup> **К ў т а р м о н** — кўтармайман.

<sup>5</sup> **Б о д а** — май.

<sup>6</sup> **А ё в, аёқ** — қадах.

<sup>7</sup> **И л г и м** — қўлим.

<sup>8</sup> **Ч у н** — чунки; экан.

<sup>9</sup> **Э г м а** — букик.

<sup>10</sup> **Ё** — камон, ёй.

<sup>11</sup> **Х а м** — эгик.

<sup>12</sup> **Х у д** — 1. Худди. 2. Хатто.

<sup>13</sup> **Т о к** — гумбаз.

<sup>14</sup> **Х у р ш и д** — қуёш; юз.

<sup>15</sup> **М у х т а с а р** — қиска.

<sup>16</sup> **Ф и л м а с а л** — масалан.

<sup>17</sup> **Ч а р х** — фалак.

<sup>18</sup> **А в р о қ** — варақлар; қаватлар.



Ишқ ила майдин кўнгулни тутмоғинг не судким,<sup>19</sup>  
Дард нафъидур нечукким, захр тарёки<sup>20</sup> дурур.

Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур, не тонг<sup>21</sup>,  
Бобурий хатти<sup>22</sup> эмасдур, хатти сигноқий<sup>23</sup> дурур.



---

<sup>19</sup> **Суд** – фойда.

<sup>20</sup> **Тарёк** – захарни кесувчи дори.

<sup>21</sup> **Тонг** – ажаб.

<sup>22</sup> **Бобурий хатти** – Бобур ихтиро қилган ёзув.

<sup>23</sup> **Сигноқий** – Туркистондаги араб ёзувининг бир тури.



Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,  
Эй хуш ул кўнгул, анга не ёру не озордур.

Йўктурур гар<sup>1</sup> ёр — йўктур тоқату сабру шикиб<sup>2</sup>,  
Ёр агар бордур, жафою жавру мехнат<sup>3</sup> ёрдур.

Неча кўрсатсам вафою меҳр, этар жавру жафо,  
Нечаким мен зормен, мендин ул ой безордур.

Кўзи ҳажрида,<sup>4</sup> юзи ёдида, сўзи шавқида,  
Хотирим афгору<sup>5</sup> жисмим<sup>6</sup> зору кўз хунбордур<sup>7</sup>.

Сенда, Бобур, йўк гунаҳ, ёрнинг итоби<sup>8</sup> кам эмас,  
Журмсиз<sup>9</sup> доим итоб айлар — ажаб дилдордур.



<sup>1</sup> **Г а р** — агар.

<sup>2</sup> **Ш и к е б** — тоқат; ором.

<sup>3</sup> **М е х н а т** — машаққат.

<sup>4</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>5</sup> **А ф г о р** — эзилган.

<sup>6</sup> **Ж и с м** — вужуд, тан.

<sup>7</sup> **Х у н б о р** — қон оқизадиган.

<sup>8</sup> **И т о б** — қаҳр, ғазаб.

<sup>9</sup> **Ж у р м с и з** — гуноҳсиз.



Юзида ул лаби хандон<sup>1</sup> кўрунур,  
Сутга кўп бокса, бале,<sup>2</sup> кон кўрунур.

Хатти<sup>3</sup> мушкинмудурур<sup>4</sup> гул юзида,  
Ё суман<sup>5</sup> устида райхон кўрунур?

Кўрмагай хотирини жамъ<sup>6</sup> ўзга,  
Кимга ул зулфи паришон<sup>7</sup> кўрунур.

Ишқни эл не хаёл айлабдур,  
Асру<sup>8</sup> мушкилдурур — осон кўрунур.

Сарв бўйлуқ санаминг, эй Бобур,  
Рост айтай, сўзи ёлғон кўрунур.



- 
- <sup>1</sup> **Х а н д о н** — кулиб турган.  
<sup>2</sup> **Б а л е** — ха-ха; шундай.  
<sup>3</sup> **Х а т (т)** — лаб узра майин туклар.  
<sup>4</sup> **М у ш к и н** — қоп-қора, хушбўй.  
<sup>5</sup> **С у м а н** — ёсмин; оқ гул.  
<sup>6</sup> **Ж а м ъ** — осуда.  
<sup>7</sup> **П а р и ш о н** — ёйиқ.  
<sup>8</sup> **А с р у** — ўта, жуда, роса.



Баҳор айёмидур,<sup>1</sup> доғи<sup>2</sup> йигитликнинг авонидур<sup>3</sup>,  
Кетур, сокий, шароби нобким<sup>4</sup>, ишрат замонидур.

Ғаҳи саҳро узори<sup>5</sup> лола шаклидин эрур гулгун<sup>6</sup>,  
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонийдур<sup>7</sup>.

Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш<sup>8</sup> ранга<sup>9</sup>  
гуллардин,  
Магарким<sup>10</sup> сунъининг<sup>11</sup> наққошиға ранг  
имтихонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур<sup>12</sup>.



<sup>1</sup> **А й ё м** — кун; пайт; фасл.

<sup>2</sup> **Д о ғ и** — ҳамда.

<sup>3</sup> **А в о н (о в о н)** — пайт, вақт, замон.

<sup>4</sup> **Н о б** — тиник, тоза.

<sup>5</sup> **У з о р** — юз, сатҳ.

<sup>6</sup> **Г у л г у н** — гулранг, қизил.

<sup>7</sup> **А р ғ у в о н и й** — алвон, қизил.


<sup>8</sup> **М у н а қ қ а ш** — нақш солинган.

<sup>9</sup> **Р а н г а** — ранг-баранг.

<sup>10</sup> **М а г а р** — балки; -микан?

<sup>11</sup> **С у н ъ** — улув қудрат. Оллоҳ таолога ишора.

<sup>12</sup> **Р а в о н** — юрадиган.



Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур<sup>13</sup> чун жони  
Бобурнинг,  
Фарибингга тараҳхум<sup>14</sup> айлагилким,  
андижонийдур<sup>15</sup>.



---

<sup>13</sup> **А н д а** — ўша ерда.

<sup>14</sup> **Т а р а ҳ х у м** — раҳм, шафқат.

<sup>15</sup> **А н д и ж о н и й** — андижонлик. Аввалги нашрлар кўпчилигида ушбу газал мақтаysi: “Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг, Фарибингга тараҳхум айлагилким, анда жонидур” эълон қилиб келинган эди. Фақат “Ўқитувчи” нашриётида Бобур “Танланган асарлар”ининг 1976, 1983 йилги нашрларида тубандагидек тузатиб нашр этилган эди: “Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг, Фарибингга тараҳхум айлагилким, андижонийдур”. (*Масъул муҳаррир*).



То узулди кўнглум ул ой каддин афсурдадур<sup>1</sup> —  
Ким, узулган фунча гулнинг шохидин  
пажмурдадур<sup>2</sup>.

Кўксум ичра тах-батах<sup>3</sup> конни бағир қилманг  
хаёл —  
Ким, анинг ишқин йўлида бир тах этган<sup>4</sup> гурдадур<sup>5</sup>.

Хусн кўрмас кўзларим, кўнглум доғи<sup>6</sup>  
ишқ истамас,  
Гўйёким кўзларимдур кўру кўнглум мурдадур<sup>7</sup>.

Тан хижобин<sup>8</sup> рафъ<sup>9</sup> қил, гар ёр васлин истасанг,  
Эй кўнгул, билким, арода хойил<sup>10</sup> ушбу бурдадур<sup>11</sup>.

Борму эркин<sup>12</sup> ишқ элинда, балки олам аҳлида  
Мунча чоғлиғ<sup>13</sup> хасрату андуҳким<sup>14</sup> Бобурдадур?!

<sup>1</sup> **А ф с у р д а** — сўлғин, руҳсиз.

<sup>2</sup> **П а ж м у р д а** — сўлғин.

<sup>3</sup> **Т а х - б а т а х** — қаватма-қават.

<sup>4</sup> **Т а х э т г а н** — эзилган.

<sup>5</sup> **Г у р д а** — буйрак.

<sup>6</sup> **Д о г и** — ҳам.

<sup>7</sup> **М у р д а** — ўлик.

<sup>8</sup> **Х и ж о б** — ёпинчик, парда.

<sup>9</sup> **Р а ф ъ** — бартараф.

<sup>10</sup> **Х о й и л** — осиглик тўсиқ.

<sup>11</sup> **Б у р д а** — мато, матоҳ.

<sup>12</sup> **Э р к и н** — экан.

<sup>13</sup> **М у н ч а ч о г л и г** — шунчалик.

<sup>14</sup> **А н д у х** — ғам, қайғу.



Сочию қошию кўзидин бошта ҳаводур,<sup>1</sup>  
Не бошда ҳаво — ҳар бириси бошқа<sup>2</sup> балодур.

Қош ёси<sup>3</sup> била ул қора кўз ғамза<sup>4</sup> ўқини  
Ушшоқдин<sup>5</sup> ўзга сориға отса хатодур.

Ғар чин десангиз, кўзи онинг оҳуи Чиндур<sup>6</sup>,  
Хаттини,<sup>7</sup> хато қилмасангиз, мушки<sup>8</sup> Хитодур<sup>9</sup>.

Эврулсам<sup>10</sup> онинг бошиға, топшурсам онга жон,  
Жонимда ҳавас улдуру бошда бу ҳаводур.

Ишқ ичра ёшурғон юраким қонини, ваҳким,<sup>11</sup>  
Бу сели сиришким<sup>12</sup> бори оламға ёёдур<sup>13</sup>.

Бобур деса ойини, не тонг,<sup>14</sup> жавру жафолик —  
Ким, ҳусн эли ойини<sup>15</sup>, бале,<sup>16</sup> жавру жафодур.

<sup>1</sup> **Ҳаво** — ҳавас, майл.

<sup>2</sup> **Бошқа** — 1. Бошга. 2. Ўзга, бошқа.

<sup>3</sup> **Ё** — ёй, камон.

<sup>4</sup> **Ғамза** — кўз сузиш.

<sup>5</sup> **Ушшоқ** — ошиқлар.

<sup>6</sup> **Чин** — Хитой.

<sup>7</sup> **Хат(т)** — лаб узра майин туклар.

<sup>8</sup> **Мушк** — қора хушбўй модда.

<sup>9</sup> **Хито** — Шаркий Туркистон, Уйғуристон.

<sup>10</sup> **Эврулсам** — айлансам.

<sup>11</sup> **Ваҳ** — эвоҳ, афсус.

<sup>12</sup> **Сиришк** — кўз ёши.

<sup>13</sup> **Ёёдур** — ёядир.

<sup>14</sup> **Тонг** — ажаб.

<sup>15</sup> **Ойин** — одат, расм.

<sup>16</sup> **Бале** — ха-ха, шундай.





Улки юз Лайливаш<sup>1</sup> онинг ишқидин  
Мажнундурур,<sup>2</sup>  
Хўблар<sup>3</sup> султони Мирзо Қосими Арғундурур<sup>4</sup>.

Тирборонидин<sup>5</sup> ул чобукнинг,<sup>6</sup> эй кўнгул, не бок?<sup>7</sup>  
Гарчи беҳад тездур, юз шукрим, ўткундурур.<sup>8</sup>

Зухд саҳросиға туштум ишқ йўлидин озиб,  
Бобури гумраҳни<sup>9</sup> эмди ким бу йўлга кўндурур?<sup>10</sup>



<sup>1</sup> **Лайливаш** — Лайлисимон.

<sup>2</sup> **Мажнун** — 1. Телба. 2. Маъшур абадий қаҳрамон исми.

<sup>3</sup> **Хўблар** — яхшилар; гўзаллар.

<sup>4</sup> **Мирзо Қосими Арғун** — “Бобурнома” да зикр этилган шоир замондоши.

<sup>5</sup> **Тирборон** — ўк ёмғири.

<sup>6</sup> **Чобук** — чавандоз.

<sup>7</sup> **Бок** — ҳадик, таҳлика.

<sup>8</sup> **Ўткун** — 1. Тез. 2. Ўткинчи.

<sup>9</sup> **Гумраҳ** — йўлдан озган; адашган.

<sup>10</sup> **Кўндурмоқ** — бошқармоқ.

Чу дод<sup>1</sup> берди манга шох, юз умиди вафодур,  
Не суд<sup>2</sup> рашки ҳасудоки<sup>3</sup>, дод доди<sup>4</sup> Худодур!

Не тонг<sup>5</sup>, қотинда<sup>6</sup> агар бўлса лаълу дур тошу  
туфрок —  
Ки, маъдани<sup>7</sup> караму<sup>8</sup> жуду<sup>9</sup> баҳри<sup>10</sup> лутфу<sup>11</sup>  
саходур<sup>12</sup>.

Агарчи даҳр<sup>13</sup> аламиндин тўкулди сели сиришким<sup>14</sup>,  
Валек шах карамидин умидим асру<sup>15</sup> тўлодур.

Язид<sup>16</sup> элига не миқдор ғозийлар<sup>17</sup> қотидаким<sup>18</sup>,  
Ул элдур асру юраксиз, бу хайл<sup>19</sup> асру баҳодур.

<sup>1</sup> Д о д — илтифот, адолат.

<sup>2</sup> С у д — наф, фойда.

<sup>3</sup> Ҳ а с у д о — ҳасадчилар.

<sup>4</sup> Д о д и — бергани, атоси.

<sup>5</sup> Т о н г — ажаб.

<sup>6</sup> Қ о т и н д а — олдида.

<sup>7</sup> М а ъ д а н — кон.

<sup>8</sup> К а р а м — марҳамат, олижаноблик.

<sup>9</sup> Ж у д — сахийлик.

<sup>10</sup> Б а ҳ р — денгиз.

<sup>11</sup> Л у т ф — раҳмдиллик.

<sup>12</sup> С а ҳ о — саховат, қўл очиклик.

<sup>13</sup> Д а ҳ р — дунё.

<sup>14</sup> С и р и ш к — кўз ёши.

<sup>15</sup> А с р у — жуда.

<sup>16</sup> Я з и д — Умавия сулоласига мансуб бир араб халифаси.

<sup>17</sup> Ғ о з и й — ислом жангидаги ғолиб.

<sup>18</sup> Қ о т и д а — наздида.

<sup>19</sup> Х а й л — жамоа, тўда.

Адоват оди<sup>20</sup>, муҳаббат нишони қолғуча, Бобур,  
Адув<sup>21</sup> хайли Язиду<sup>22</sup> муҳиби<sup>23</sup> оли аבודур<sup>24</sup>.

<sup>20</sup> **О д** — ном. Озарбайжон, турк, туркман тилларида, Хоразм ўзбек лаҳжасида ҳозир ҳам шундай қўлланади.

<sup>21</sup> **А д у в** — душман.

<sup>22</sup> **Х а й л и Я з и д** — “Язид эли” ва “Хайли Язид” деярли бир маънодаги бирикма истилоҳ: Умавия халифаси Язидга бўйсуниб, пайгамбар Муҳаммад ва халифа Али авлодларига қарши курашган мусулмон тоифасини англатади. Умуман, 660—750 йилларда ҳукмдорлик қилган Умавия хонадони халифалари “ғозийлар” ва “фотиҳлар” даври ҳукмдорлари бўлиб, Ислом Атлантика океани шарқий соҳилларидан Буюк Хитой деворигача, Шарқий ярим шардаги уч қитъада тарқатилди. Муовия, Язид, Марвон каби забардаст халифалар ғайрат ва шижоатда тенгсиз ғозийлар бўлишган. Аббосия халифалари 750—1258 йилларда ҳукмдорлик қилиб, “Ислом олтин асри”да Умавия хонадони забт этган минтақалар ва мамлакатларда ўзидан олдинги ҳукмрон сулолага нисбатан салбий муносабатни объектив тарада шакллантирган. Тарих илмида Умавия сулоласига муносабат эндиликда ўзгармоқда. Умавия сулоласи мусулмон мамлакатдаги халифаликни чинакам монархияга айлантирди, халифалик отадан ўнгилга ва бир хонадон мансубларига ўта бошлади, давлатчиликка асос солинди. Ҳазалдаги кейинги икки байт ҳар томонлама илмий таҳлил ва ирфоний талқинга мухтож. (*Масъул муҳаррир*).

<sup>23</sup> **М у х и б (б)** — дуст, севимли.

<sup>24</sup> **О л и а б о** — буюк хонадон. Пайгамбар Муҳаммад хонадонига мансублар: Муҳаммад алайҳиссалом, қизи Фотима, куёви Али, неваралари — Ҳасан ва Ҳусайн.

Гурбатта<sup>1</sup> ул ой ҳажри<sup>2</sup> мени пир<sup>3</sup> қилибтур,  
Хижрон<sup>4</sup> била гурбат<sup>5</sup> манга таъсир қилибтур.

Мақдур<sup>6</sup> боривча қилурам саъйи<sup>7</sup> висолинг,  
То Тенгрини, билмонки, не тақдир қилибтур?

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,  
Кимга ҳаваси Санбалу<sup>8</sup> Татйир<sup>9</sup> қилибтур?

Бу Ҳинд<sup>10</sup> ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,  
Не судки<sup>11</sup>, бу ер мени дилгир<sup>12</sup> қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йирок — ўлмади Бобур,  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир<sup>13</sup> қилибтур.

<sup>1</sup> **Г у р б а т** — ватандан йироқлик.

<sup>2</sup> **Ҳ а ж р** — жудалик.

<sup>3</sup> **П и р** — кекса, қари.

<sup>4</sup> **Ҳ и ж р о н** — айрилик.

<sup>5</sup> **Г у р б а т** — бунда: ғариблик.

<sup>6</sup> **М а қ д у р** — мадор.

<sup>7</sup> **С аъ й** — ҳаракат.

<sup>8</sup> **С а н б а л** — Ҳиндистондаги вилоят.

<sup>9</sup> **Т а т й и р** — Ҳиндистондаги вилоят.

<sup>10</sup> **Ҳ и н д** — Ҳиндистон.

<sup>11</sup> **С у д** — фойда.

<sup>12</sup> **Д и л г и р** — сиқилган, хафакон.

<sup>13</sup> **Т а қ с и р** — хато, нуқсон.



Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,  
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамоийил била худ<sup>1</sup> хуру парисен —  
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр<sup>2</sup> кўз оллидаю ул ёр аён йўқ,<sup>3</sup>  
Ғам хори<sup>4</sup> кўнгул ичраю ғамхор<sup>5</sup> топилмас.

Эй гул,<sup>6</sup> мени зор этмаки, хуснунг чаманида,  
Кўзни юмуб-очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди — ёрлиғ этгил,  
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.



---

<sup>1</sup> Х у д — худди, айнан.

<sup>2</sup> А г ё р — ёт, рақиб.

<sup>3</sup> А ё н й ў қ — кўринмайди.

<sup>4</sup> Х о р — тикан.

<sup>5</sup> Ғ а м х о р — ғамхўр, меҳрибон.

<sup>6</sup> Г у л — мажозан: севгили, маҳбуба.



Кўй, эй оқил,<sup>1</sup> насихат сўзларинким, дилписанд<sup>2</sup>  
эрмас,  
Менинг девона кўнглумга насихат судманд<sup>3</sup> эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй<sup>4</sup>, эй оқил,  
Агарчи телбадур, бори сенингдек худписанд<sup>5</sup> эрмас.

Қилурсен талх<sup>6</sup> айшим<sup>7</sup> комини беҳуда сўзлардин,  
Саросар<sup>8</sup> сўзларинг захредур, эй носихки<sup>9</sup>, панд<sup>10</sup>  
эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин<sup>11</sup> сочиға вобаста<sup>12</sup>,  
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд<sup>13</sup> эрмас.

Жаҳонда кўп гадо гарчи лаванд<sup>14</sup> атворлик бордур,  
Ва лекин, Бобуро, харгиз сенингдек шах лаванд  
эрмас.

---

<sup>1</sup> **Оқил** — ақлли киши.

<sup>2</sup> **Дилписанд** — ёқимли.

<sup>3</sup> **Судманд** — фойдали.

<sup>4</sup> **Нафй** — инкор, рад этмок.

<sup>5</sup> **Худписанд** — худбин.

<sup>6</sup> **Талх** — аччиқ, тахир.

<sup>7</sup> **Айш** — осудалиқ, фароват.

<sup>8</sup> **Саросар** — бошдан-оёқ.

<sup>9</sup> **Носих** — насихат қилувчи киши, насихатгўй.

<sup>10</sup> **Панд** — насихат, ўғит.

<sup>11</sup> **Анбарин** — анбар ҳидли, тимқора.

<sup>12</sup> **Вобаста** — боғланган.

<sup>13</sup> **Банд** — кишан, бўғов.

<sup>14</sup> **Лаванд** — 1. Бўш-баёв. 2. Бебош, салт-суввой.



Ул ойнинг иттифоқи<sup>1</sup> нифоқиға<sup>2</sup> арзимас,  
Айёми васли шоми фироқиға арзимас.

Бу даҳр<sup>3</sup> ичра бистари<sup>4</sup> роҳат тиларни қўй,  
Ул фарш<sup>5</sup> чун бу кўхна равоқиға<sup>6</sup> арзимас.

Айшеки<sup>7</sup> ўтти — ўзга ани зикр айлама,  
Хар нимаики итти<sup>8</sup> — сўроқиға арзимас.

Килмок умиду бийм<sup>9</sup> ила хидмат шаҳ олида,  
Дарбонининг<sup>10</sup> сўкунчу таёқиға арзимас.

Бобур, висолни не тиларсен, чу хажр<sup>11</sup> бор,  
Бир лаҳза айши меҳнати<sup>12</sup> боқийға<sup>13</sup> арзимас.

---

<sup>1</sup> **Иттифоқ** — ярашмоқ, келишмоқ.

<sup>2</sup> **Нифоқ** — келишмовчилик.

<sup>3</sup> **Даҳр** — жаҳон, дунё.

<sup>4</sup> **Бистар** — кичик кўрпа.

<sup>5</sup> **Фарш** — тўшак.

<sup>6</sup> **Равоқ** — пешайвон.

<sup>7</sup> **Айш** — роҳат-фароғат.

<sup>8</sup> **Итти** — йўқолиб кетди.

<sup>9</sup> **Бийм** — кўрқув, ҳадик, таҳлика.

<sup>10</sup> **Дарбон** — эшик олдидаги соқчи, посбон.

<sup>11</sup> **Хажр** — жудолик, айрилик.

<sup>12</sup> **Меҳнат** — азоб-машаққат.

<sup>13</sup> **Боқий** — хамишалик, доимий.

Олди кўнглумни, соғиндимким<sup>1</sup>, манга дилдор  
эмиш,  
Билмадим, бу навъ<sup>2</sup> мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч, кўрдум ул шамшод<sup>3</sup> қаддин юз бало,  
Оллоҳ-Оллоҳ, ишқ аро мундоқ<sup>4</sup> балолар бор эмиш!

Илтифот этмаслигин бозий<sup>5</sup> хаёл айлар эдим,  
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ<sup>6</sup> ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорае<sup>7</sup>,  
Чув ўзи — қотил, сўзи — муҳлик<sup>8</sup>, кўзи — хунхор<sup>9</sup>  
эмиш.

Хусн аҳли<sup>10</sup>, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг<sup>11</sup>  
Кўнглини сохлар эмиш, хар кимгаким, дилдор  
эмиш.

Ул нафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча ғам,  
Хусн аҳли, чунки, Бобур, дунёда бисёр<sup>12</sup> эмиш.

<sup>1</sup> **С о ғ и н д и м** — ўйладим, ҳисобладим.

<sup>2</sup> **Б у н а в ь** — бунчалиқ, шунчалар.

<sup>3</sup> **Ш а м ш о д** — хушқомат дарахт.

<sup>4</sup> **М у н д о қ** — бундай.

<sup>5</sup> **Б о з и й** — 1. Ўйинқароклик. 2. Алдов.

<sup>6</sup> **Б у я н г л и ғ** — бундай.

<sup>7</sup> **Ч о р а е** — бир чора.

<sup>8</sup> **М у х л и к** — ҳалок қилувчи.

<sup>9</sup> **Х у н х о р** — қонхўр.

<sup>10</sup> **Х у с н а ҳ л и** — гўзаллар, сулувлар.

<sup>11</sup> **И ш қ а ҳ л и** — ошиқлар, маъшуклар.

<sup>12</sup> **Б и с ё р** — кўп.



Неча<sup>1</sup> даврон ғуссаси бўлғай менинг жовимға хос<sup>2</sup>,  
Кошки ўлсам, доғи<sup>3</sup> бу ғуссадин бўлсам халос!

Оху вовайло<sup>4</sup> — сурудум<sup>5</sup>, дарду ғам — хамсухбатим<sup>6</sup>,  
Бода<sup>7</sup> — ашким<sup>8</sup> қони, ким кўрди мунингдек  
базми хос?<sup>9</sup>

Гар шикастим<sup>10</sup> бўлса суст ағёрдин, таън этмангиз —  
Ким, шикастиға сабаб олмоснинг бордур расос<sup>11</sup>.

Ошик ўлғоч, беҳуду<sup>12</sup> девона бўлдум, билмадим —  
Ким, парирухсоралар<sup>13</sup> ишқиға бу эрмиш хавос<sup>14</sup>.

Хубларни<sup>15</sup> кўз кўруб, қон қилди Бобур бағрини,  
Эмди кўздин қон тўкарменким, будур анга қасос.

<sup>1</sup> Неча — қачонгача? Қанча?

<sup>2</sup> Хос — тегишли, мансуб.

<sup>3</sup> Доғи — ҳамда.

<sup>4</sup> Вовайло — войвойлаш, афсус.

<sup>5</sup> Суруд — кўшиқ.

<sup>6</sup> Хамсухбат — сухбатдош.

<sup>7</sup> Бода — май.

<sup>8</sup> Ашк — кўз ёши.

<sup>9</sup> Хос — махсус, дабдабали.

<sup>10</sup> Шикаст — синикиш, мағлублик.

<sup>11</sup> Расос — қалайи.

<sup>12</sup> Беҳуд — ўзидан кетган.

<sup>13</sup> Рухсор — юз, чеҳра.

<sup>14</sup> Хавос(с) — хос.

<sup>15</sup> Хублар (хўблар) — гўзаллар, яхшилар.



Сўрма холимники, бўлдум бурноғидин<sup>1</sup> зоррок,  
Жисм жондин зору жоним жисмдин афгоррок<sup>2</sup>.

Банда<sup>3</sup> тақрир<sup>4</sup> айлай олмон банд-бандим<sup>5</sup> дардини,  
Юз темурбанд<sup>6</sup> ўлса, ондин бу эрур душворрок<sup>7</sup>.

Масту беҳудлук<sup>8</sup> била умрунгни ўткардинг, дариг<sup>9</sup>,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима<sup>10</sup> хушёррок.

Фафлат уйкусидин уйғон — гар тилар бўлсанг  
мурод —  
Ким, етар мақсадға ҳар ким бўлса ул бедоррок.

Ўлгали еттим, менинг жоним ғамин е, эй рафиқ<sup>11</sup>,  
Даҳр аро чун йўқ киши сендин манга ғамхоррок.

Келмас ўхшар захматинг<sup>14</sup> ислоҳға<sup>15</sup>, Бобур, магар,  
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг тақи<sup>16</sup> беморрок.

<sup>1</sup> **Бурноғи** — аввалги, олдинги, бурунги.

<sup>2</sup> **Афгор** — жароҳатли.

<sup>3</sup> **Банда** — 1. Қул. 2. Мен.

<sup>4</sup> **Тақрир** — айтмоқ, изҳор этмоқ.

<sup>5</sup> **Банд-бандим** — бўғин-бўғиним.

<sup>6</sup> **Темурбанд** — занжирбанд.

<sup>7</sup> **Душвор** — қийин, мушқил.

<sup>8</sup> **Беҳудлук** — хушсизлик.

<sup>9</sup> **Дариг** — афсус, аттанг.

<sup>10</sup> **Мундин бери** — бундан буён, бундан кейин.

<sup>11</sup> **Бир нима** — бир оз.

<sup>12</sup> **Рафиқ** — ўртоқ, ошна.

<sup>13</sup> **Даҳр** — жаҳон, дунё.

<sup>14</sup> **Заҳмат** — хасталик, касаллик; машаққат.

<sup>15</sup> **Ислоҳ** — тузалмоқ.

<sup>16</sup> **Тақи** — яна, янада.



Бир пари мен телбани ҳусниға мойил қилғудек,  
Кўзум ичра ер тутуб, кўнглумда манзил қилғудек.

Кўнглуму кўзум юзига волаю<sup>1</sup> хайрон бўлуб,  
Жонима юз минг ғаму меҳнатни<sup>2</sup> ҳосил қилғудек.

Нотавон<sup>3</sup> кўнглумға ишқи қайғуни келтургудек,  
Айшу ишратни кўнгулдин қайғу зойил<sup>4</sup> қилғудек.

Қилмади Фарҳоду Мажнун<sup>5</sup> ўзни расво мен киби —  
Ким, бу навъ иш — иш эмастур ҳеч оқил қилғудек.

Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ<sup>6</sup>,  
Ишқ атворини<sup>7</sup> ишқ аҳлиға мушқил қилғудек.



<sup>1</sup> **Вола** — шайдо, мафтун.

<sup>2</sup> **Меҳнат** — азоб, машаққат.

<sup>3</sup> **Нотавон** — мадорсиз.

<sup>4</sup> **Зойил** — йўқотмоқ, кеткизмөк.

<sup>5</sup> **Аҳли ишқ** — ошиқлар.

<sup>6</sup> **Фарҳод ва Мажнун** — мумтоз адабиёт анъанавий образлари.

<sup>7</sup> **Атвор** — йўсин, расм.



Ёр юзумни кўруб, дарду ғамим билса керак,  
Юз кўруб, дарду ғамим чорасини қилса керак.

Эй сабо<sup>1</sup>, жону кўнгулни ўзининг<sup>2</sup> чун қилди,  
Кўнгли бирла дегасен, жони учун келса керак.

Васлини не қилайин — ғайрдин<sup>3</sup> айрилмади ҳеч,  
Ёр васли менга, у ағёрдин<sup>4</sup> айрилса керак.

Васлининг қадрини чун билмади бу телба кўнгул,  
Ҳажрининг<sup>5</sup> тиғи онинг юрагини тилса керак.

Шукр, Бобурни билурмен, деган эрмиш ул ой<sup>6</sup>,  
Ложарам<sup>7</sup>, бандаларин<sup>8</sup> шоҳлари билса керак.



---

<sup>1</sup> **С а б о** — тонги сарин ел.

<sup>2</sup> **Ў з и н и н г** — ўзиники.

<sup>3</sup> **Ғ а й р** — ёт, рақиб.

<sup>4</sup> **А г ё р** — рақиб.

<sup>5</sup> **Ҳ а ж р** — айрилиқ.

<sup>6</sup> **О й** — махбуба.

<sup>7</sup> **Л о ж а р а м** — шубҳасиз.

<sup>8</sup> **Б а н д а** — қул.



Чикса куёш фалакка, сен отқа чиққанигдек,  
Бўлғайму ул сенигдек, ул бири тавсанигдек?<sup>1</sup>

Кўксумни чунки ёрдинг, киргил кўнгулгаким, бор —  
Ул ёра<sup>2</sup> эшигингдек, кўз анда равзанигдек<sup>3</sup>.

Гар сийм<sup>4</sup> барги гулни қилса либос ўзига,  
Бўлғайму, эй гуландом<sup>5</sup>, кўнглак<sup>6</sup> била танингдек?

Ул ёр хазратинда<sup>7</sup> бисёр<sup>8</sup> яхшидур ғайр<sup>9</sup>,  
Мен ҳам ямон эмон<sup>10</sup>, лек, яхши эмон анингдек.

Даъвои ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма —  
Ким, мен эдим сенигдек, сен бўлғасен манингдек.



<sup>1</sup> **Тавсан** — асов от.

<sup>2</sup> **Ёра** — яра, жароҳат.

<sup>3</sup> **Равзан** — туйнук.

<sup>4</sup> **Сийм** — кумуш.

<sup>5</sup> **Гуландом** — гул юзли.

<sup>6</sup> **Кўнглак** — кўйлак.

<sup>7</sup> **Хазрати** — хузури, олдида.

<sup>8</sup> **Бисёр** — кўп.

<sup>9</sup> **Ғайр** — ёт, бегона, ракиб.

<sup>10</sup> **Эмон** — эмасман.



Ўзни, кўнгул, айш<sup>1</sup> ила тутмоқ керак,  
Бизни унутконни унутмоқ керак.

Айшу тараб<sup>2</sup> гулбунига<sup>3</sup> сув бериб,  
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийрадурур<sup>4</sup> зуҳд<sup>5</sup> дамидин кўнгул,  
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға ғам ема — ғам қўптурур,  
Айш била ўзни овутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,  
Ўзни фароғат<sup>6</sup> била тутмоқ керак.



<sup>1</sup> **А й ш** — роҳат, фароғат, ишрат.

<sup>2</sup> **Т а р а б** — шодлик.

<sup>3</sup> **Г у л б у н** — гул тупи.

<sup>4</sup> **Т и й р а** — қоронғи, хира.

<sup>5</sup> **З у ҳ д** — муттасил тоат-ибодат.

<sup>6</sup> **Ф а р о ғ а т** — эмин-эркин.



Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,  
Шикаста<sup>1</sup> кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Бошимга чиқти тутун рашкдин қора сочдин,  
Аёққа тушгали, эй сарви ноз, то сочинг.

Муяссар ўлди жунун<sup>2</sup> мулки<sup>3</sup>, эй жунун аҳли<sup>4</sup>,  
Нисори<sup>5</sup> ашкни<sup>6</sup> эмди бу кун манго сочинг!

Сочинг шикастида<sup>7</sup> бордур шикаста кўнгуллар,  
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,  
Не айб, агар деса дилбанду<sup>8</sup> дилкушо<sup>9</sup> сочинг!



---

<sup>1</sup> Ш и к а с т а — синик, мажрух.

<sup>2</sup> Ж у н у н — телбалик.

<sup>3</sup> М у л к и — мамлақати.

<sup>4</sup> Ж у н у н а ҳ л и — телбалар, ошиқлар.

<sup>5</sup> Н и с о р — сочқи.

<sup>6</sup> А ш к — кўз ёши.

<sup>7</sup> Ш и к а с т — (соч) бурами.

<sup>8</sup> Д и л б а н д — юракни банд этадиган.

<sup>9</sup> Д и л к у ш о — кўнгилочар.



Ўлтурур<sup>1</sup> гарчи мени гуфторинг<sup>2</sup>,  
Тиргузур ул лаби шакарборинг<sup>3</sup>.

Куйдурур хасратида мени, нетай,  
Оташин<sup>4</sup> гулдек ики рухсоринг<sup>5</sup>.

Эй кўнгул, яхши ики дунёдин  
Бир назар килса санга дилдоринг!

Хор кўрма гамин ул ойнингким,  
Будурур фурқатида<sup>6</sup> гамхоринг.

Килди то гул юзида зоҳир хат<sup>7</sup>,  
Бобуро, бўлди хати безоринг.

Хираду<sup>8</sup> сабр келиб албатта,  
Ишқидин эмди мени кутқоринг!

<sup>1</sup> **Ў л т у р у р** — ўлдиради.

<sup>2</sup> **Г у ф т о р** — сўз, сўзламоқ.

<sup>3</sup> **Ш а к а р б о р** — шакар ёвилувчи, ширинсўз.

<sup>4</sup> **О т а ш и н** — оловранг.

<sup>5</sup> **Р у х с о р** — юз.

<sup>6</sup> **Ф у р қ а т** — жудолик, айрилик.

<sup>7</sup> **Х а т (т)** — юкори лабдаги майин туклар.

<sup>8</sup> **Х и р а д** — ақл.

Оллида гўйин<sup>1</sup> кўрунг, илгида<sup>2</sup> чавгонин<sup>3</sup> кўрунг,  
Юзида зулфи била гўйи занахдонин<sup>4</sup> кўрунг!

Секретиб елдурганида тавсанига<sup>5</sup> кўз солинг,  
Ёйқолиб<sup>6</sup> йўл юруса, сарви хиромонин кўрунг!

Ул пари майдон аро жавлонда<sup>7</sup> юз минг ноз ила,  
Орқасинда юз менингдек зору хайронин кўрунг.

Ишқида жонни маломат<sup>8</sup> ўқиға қилманг хадаф<sup>9</sup>,  
Қошининг ёсини<sup>10</sup> кўзланг, тийри<sup>11</sup> мужгонин<sup>12</sup>  
кўрунг!

Дерки, Бобур, илтифот айлай санга етган замон,  
Менга етгач, қошида юз чину<sup>13</sup> ёлғонин кўрунг.

<sup>1</sup> **Гўй** — чавгон ўйини тўпчаси.

<sup>2</sup> **Илги** — қўли.

<sup>3</sup> **Чавгон** — чавгон ўйинидаги учи эгри таёк.

<sup>4</sup> **Занахдон** — ияк.

<sup>5</sup> **Тавсан** — асов от.

<sup>6</sup> **Ёйқолиб** — солланиб.

<sup>7</sup> **Жавлон** — ғайрат, шижоат.

<sup>8</sup> **Маломат** — қасдма-қасд ҳаракат.

<sup>9</sup> **Хадаф** — нишон.

<sup>10</sup> **Ёй** — камон.

<sup>11</sup> **Тийр** — ўқ.

<sup>12</sup> **Мужгон** — киприклар.

<sup>13</sup> **Чин** — чимирилиш.



Қайси бир озорин айтай жонима авёрнинг?<sup>1</sup>  
Қайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳлиғини<sup>2</sup> толеи гумроҳнинг?<sup>1</sup>  
Қайси бир кажравлиғини<sup>1</sup> чархи кажрафторнинг?<sup>5</sup>

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг?  
Қайси меҳнат<sup>6</sup> бирла ранжин фурқати<sup>7</sup>  
хунхорнинг?<sup>8</sup>

Фурбат<sup>9</sup> ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй<sup>10</sup>,  
Чун вафосин кўрмадинг харгиз диёру ёрнинг.

Бобур, ул гул жавр этар, ағёрдин не яхшилиғ?  
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ,<sup>11</sup> не бўлғай хорнинг?<sup>12</sup>

<sup>1</sup> **А в ё р** — рақиб.

<sup>2</sup> **Б е р а ҳ л и ғ** — йўлсизлик, йўлдан озиш.

<sup>3</sup> **Г у м р о ҳ** — йўлини йўқотган.

<sup>4</sup> **К а ж р а в** — тесқари айланувчи.

<sup>5</sup> **К а ж р а ф т о р** — терс юривчи.

<sup>6</sup> **М е ҳ н а т** — азоб-машаққат.

<sup>7</sup> **Ф у р қ а т** — жудолик.

<sup>8</sup> **Х у н х о р** — қонхўр.

<sup>9</sup> **Ф у р б а т** — ўзга юрт; ғариблик.

<sup>10</sup> **Қ ў й** — воз кеч, бахрдан ўт.

<sup>11</sup> **В а ҳ** — эвоҳ.

<sup>12</sup> **Х о р** — тикан.



Кимки, бўлғай сен киби оламда дилдори анинг,  
Хар қаён<sup>1</sup> азм айласа<sup>2</sup>, бўлғай Худо ёри анинг!

Кўйидин<sup>3</sup> мен азм этармен — қолғудектур хотирим,  
Хотиримни сахласа, Тенгри ниғахдори<sup>4</sup> анинг!

Келдим эрса, келмади ҳаргиз анинг кўнглига раҳм,  
Бордим<sup>5</sup>, аммо бормади кўнглумдин озори анинг.

Ул қуёндин не асиг<sup>6</sup> чекмак жафою жаврким,  
Майли йўктур заррае мехру вафо сори анинг.

Борғай эрдим бош ила кўйига, найлай, Бобуро,  
Хар қачон борсам эшигига, келур ори анинг.



---

<sup>1</sup> **Қ а ё н** — қай ён? Қаер?

<sup>2</sup> **А з м айласа** — отланса.

<sup>3</sup> **К ў й** — манзил, макон.

<sup>4</sup> **Н и г а х д о р** — сақловчи.

<sup>5</sup> **Б о р д и м** — кетдим.

<sup>6</sup> **А с и г** — фойда, наф.



Телба кўнглумким, сенинг чангингдадур<sup>1</sup>,  
ёд айлагил,  
Бир навозиш<sup>2</sup> бирла кўнглумни менинг шод  
айлагил!

Ишрат ичра ҳар қачонким, чанг олсанг илгинга<sup>3</sup>,  
Фуркатингда<sup>4</sup> қолғон эгри коматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангез<sup>5</sup> чанг, эй дилрабо,  
Бенаво<sup>6</sup> кўнглумни ғам чангидин<sup>7</sup> озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз, эй пари,  
Сабру ҳушим жузв<sup>8</sup> авроқини<sup>9</sup> барбод<sup>10</sup> айлагил!

Чангда ҳар кун кўк<sup>11</sup> чолур ёринг чу йўқтур,  
Бобуро,  
Ерга бош чолмоқ<sup>12</sup> била ўзунгни муътод<sup>13</sup> айлагил.

<sup>1</sup> **Чанг** — 1. Кўл. 2. Чолғу асбоби.

<sup>2</sup> **Навозиш** — 1. Чолмоқ. 2. Алқамоқ, эркаламоқ.

<sup>3</sup> **Илгинг** — кўлинг.

<sup>4</sup> **Фуркат** — жудолик.

<sup>5</sup> **Нишотангез** — хушҳол килувчи, яйратувчи.

<sup>6</sup> **Бенаво** — маҳзун, камбағал.

<sup>7</sup> **Чанг** — кўл; асарлик.

<sup>8</sup> **Жузав** — қисм.

<sup>9</sup> **Аврок** — варақлар.

<sup>10</sup> **Барбод** — елга совурмоқ.

<sup>11</sup> **Кўк** — мотам куйи.

<sup>12</sup> **Чолмоқ** — урмоқ.

<sup>13</sup> **Муътод** — ўрганмоқ, одатланмоқ.



Не фикреким, сенинг фикринг эмас — ул фикр  
эрур ботил<sup>1</sup>,  
Не умреким, ўтар сенсиз — эрур ул умр беҳосил<sup>2</sup>

Таолаллоҳ<sup>3</sup>, не кўзу кошдурурким,  
хар қачон кўрсам,  
Ғаҳи кўнглум бўлур беҳуд<sup>4</sup>, ғаҳи аклим бўлур  
зойил<sup>5</sup>.

Жафою жавр тавридин<sup>6</sup> эрурсен асру<sup>7</sup> кўп вокиф<sup>8</sup>,  
Вафою меҳр расмидин бўлурсен асру кўп ғофил<sup>9</sup>.

Куёш янглиғ юзунгга мендурурмен волаю<sup>10</sup> хайрон,  
Янги ойдек кошингга мендурурмен ошику мойил.

Кечурдунг ою йилни масту беҳудлук била, Бобур,  
Неча ғафлат била умр ўткарурсен, неча кун ойил!<sup>11</sup>

<sup>1</sup> **Ботил** — беҳуда, бекор.

<sup>2</sup> **Беҳосил** — самарасиз, хосилсиз.

<sup>3</sup> **Таолаллоҳ** — эй буюк Оллоҳим!

<sup>4</sup> **Беҳуд** — хушсиз, ўзидан кетган.

<sup>5</sup> **Зойил** — йўқоладиган.

<sup>6</sup> **Тавр** — йўсин, равиш.

<sup>7</sup> **Асру** — жуда, росаям.

<sup>8</sup> **Вокиф** — хабардор.

<sup>9</sup> **Ғофил** — беҳабар.

<sup>10</sup> **Вола** — шайдо, маҳлиё.

<sup>11</sup> **Ойил** — хушёр тортгин, ўзингга кел.



Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор<sup>1</sup> топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор<sup>2</sup> кўрмадим,  
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор<sup>3</sup> топмадим.

Усрук<sup>4</sup> кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Харгиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фуркати била хўй<sup>5</sup> этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре<sup>6</sup> борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшигига бор<sup>7</sup> топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.



<sup>1</sup> **М а х р а м и а с р о р** — сирдош.

<sup>2</sup> **Д и л а ф г о р** — юраги эзилган.

<sup>3</sup> **Г и р и ф т о р** — маҳлиё, асир.

<sup>4</sup> **У с р у к** — маст, хумор (кўз).

<sup>5</sup> **Х ў й** — одат, кўникмоқ.

<sup>6</sup> **Б о р е** — яна бир маротаба.

<sup>7</sup> **Б о р** — кабул. Масалан, “дарбор” — “кабулхона”ни англатади.

Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон<sup>1</sup>  
бўлдум,  
Демон<sup>2</sup> бехонумон, овраи икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса<sup>3</sup>, нечук жон элта  
олфайман,  
Бу йўлдаким, адам<sup>4</sup> саҳросиға эмди равон<sup>5</sup> бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини англадим,  
Бир оғиз сўз била, кўрунгики, мунча хурдадон<sup>6</sup>  
бўлдум.

Нечаким, коши ёлар<sup>7</sup> ишқида тузлукни<sup>8</sup> кўрсаттим,  
Вале<sup>9</sup> охир маломат<sup>10</sup> ўқлариға-ўк<sup>11</sup> нишон бўлдум.

<sup>1</sup> **Номехрибон** — меҳрсиз, шафқатсиз.

<sup>2</sup> **Бехонумон** — уй-жойсиз, мосуво.

<sup>3</sup> **Демон** — демайман, асло айтмайман.

<sup>4</sup> **Адам** — йўқлик, номавжудлик.

<sup>5</sup> **Равон** — жўнамоқ, юрмоқ.

<sup>6</sup> **Хурдадон** — заковатли, қилни кирк ёрувчи.

<sup>7</sup> **Ё(й)** — камон.

<sup>8</sup> **Тузлук** — тўғрилиқ.

<sup>9</sup> **Вале** — аммо, лекин, бироқ.

<sup>10</sup> **Маломат** — ёмонотлик.

<sup>11</sup> **Ўқлариға-ўк** — ўқларигагина.





Кулар эрдим бурун Фарходи мискин<sup>12</sup> достониға<sup>13</sup>,  
Бу Шириндурки, онинг бирла-ўк<sup>14</sup> хамдостон<sup>15</sup>  
бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби,  
не тонг<sup>16</sup> —  
Ки, хажринг<sup>17</sup> меҳнатида<sup>18</sup> асру<sup>19</sup> зору нотавон<sup>20</sup>  
бўлдум.



<sup>12</sup> **Мискин** — бечора, бояқиш, шўрлик.

<sup>13</sup> **Достон** — қисса.

<sup>14</sup> **Бирла-ўк** — (ўша) биланок.

<sup>15</sup> **Хамдостон** — қиссадош, қисматдош.


<sup>16</sup> **Не тонг** — не ажаб, ажаб эмас.

<sup>17</sup> **Хажр** — айрилик.

<sup>18</sup> **Меҳнат** — азоб, машаққат.

<sup>19</sup> **Асру** — жуда.

<sup>20</sup> **Нотавон** — мадорсиз.



Хазон<sup>1</sup> яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида<sup>2</sup> сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим<sup>3</sup>.

Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни<sup>4</sup> сарвдек харгиз<sup>5</sup>,  
Аёфингға тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу<sup>6</sup> хуррам<sup>7</sup> кол,  
Мен арчи<sup>8</sup> даҳр<sup>9</sup> боғидин хазон яфроғидек<sup>10</sup> бордим<sup>11</sup>.



---

<sup>1</sup> **Х а з о н** — кузги; куз.

<sup>2</sup> **Ҳ а ж р** — айрилик, жудолик.

<sup>3</sup> **Л о л а р у х** — лола юзли.

<sup>4</sup> **З а р д** — сарик, захил.

<sup>5</sup> **С а р к а ш** — қайсар, ўжар.

<sup>6</sup> **Ҳ а р г и з** — ҳамиша; ҳеч қачон.

<sup>7</sup> **С а б з** — яшил.

<sup>8</sup> **Х у р р а м** — гуркираган, яшнаган.

<sup>9</sup> **А р ч и** — гарчи, шундай эса-да.

<sup>10</sup> **Д а ҳ р** — жаҳон, дунё.

<sup>11</sup> **Х а з о н япроғидек** — кузги япроқдек.

<sup>12</sup> **Б о р д и м** — кетдим.



Хазондек кон ёшим, сориг юзумдин эл  
танаффурда<sup>13</sup>,  
Ба ҳар ранге<sup>14</sup>, бихамдиллах<sup>15</sup>, улусдин<sup>16</sup> ўзни  
кутқордим.

Не толеъдур<sup>17</sup> мангаким, ахтари<sup>18</sup> бахтим  
топилмайди,  
Фалак аврокини<sup>19</sup> ҳар нечаким дафтардек  
ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи<sup>20</sup> манга, Бобур,  
баробардур<sup>21</sup>,  
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўтқардим.



<sup>13</sup> **Т а н а ф ф у р** — нафрат.

<sup>14</sup> **Б а ҳ а р р а н г и** — ҳарқалай, бир илож қилиб.

<sup>15</sup> **Б и ҳ а м д и л л а х** — Оллоҳга шуқурлар бўлсин!

<sup>16</sup> **У л у с** — эл, халқ.

<sup>17</sup> **Т о л е ъ** — қисмат.

<sup>18</sup> **А х т а р** — юлдуз.

<sup>19</sup> **А в р о к** — варақлар; осмон қаватлари.

<sup>20</sup> **Т а ъ р и ф** — мактов.

<sup>21</sup> **Б а р о б а р** — баравар, тенг, бир хил.



Ғайр<sup>1</sup> тоши захмидин<sup>2</sup> дардимни изҳор этмадим,  
Ичтаги пинҳон ғамим тоштин<sup>3</sup> намудор<sup>4</sup> этмадим.

Қондин<sup>5</sup> элга ёйди тифли<sup>6</sup> ашк<sup>7</sup> сирримни менинг,  
Чунки мен ул ёшни<sup>8</sup> харғиз сохибасрор<sup>9</sup> этмадим.

Келмади кўнглумга ишқининг суруру<sup>10</sup> давлати,  
То ўзумни меҳнату<sup>11</sup> ғамға сазовор этмадим.

Юзи хуршиди, тиши дурридин<sup>12</sup> айру жисмда  
Қолмади бир зарра ерким, тишдин афгор<sup>13</sup> этмадим.

Толеимдин не осиг<sup>14</sup>, Бобур, фиғону нолаким,  
Уйкулук бахтимни бу ун<sup>15</sup> бирла бедор этмадим<sup>16</sup>.

<sup>1</sup> **Ғайр** — ёт, бегона, рақиб.

<sup>2</sup> **Заҳм** — жароҳат.

<sup>3</sup> **Тошдин** — ташқаридан.

<sup>4</sup> **Намудор** — кўрсатмоқ.

<sup>5</sup> **Қондин** — 1. Қондан. 2. Қаердан?

<sup>6</sup> **Тифл** — бола, ёш.

<sup>7</sup> **Ашк** — кўз ёши.

<sup>8</sup> **Ёш** — 1. Бола. 2. Кўз ёши.

<sup>9</sup> **Сохибасрор** — сирдош.

<sup>10</sup> **Суруру** — шодлик.

<sup>11</sup> **Меҳнат** — азоб-машаққат.

<sup>12</sup> **Дур** — гавҳар.

<sup>13</sup> **Афгор** — жароҳат.

<sup>14</sup> **Асиг (осиг)** — фойда, наф.

<sup>15</sup> **Ун** — товуш.

<sup>16</sup> **Бедор этмадим** — уйғотмадим, уйғотолмадим.



Оёгин ўпсам, етишгай арш токиға<sup>1</sup> бошим,  
Даст бергай<sup>2</sup> давлатим, гар тутса илгим<sup>3</sup>  
маҳвашим<sup>4</sup>.

Кўймоғумдур этагинг кетсам иликдин<sup>5</sup> ҳар неча,  
Бормоғумдур остонингдин<sup>6</sup> агар борса бошим<sup>7</sup>.

Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қарифум ишқида,  
Ўлганим яхши бу навъ<sup>8</sup> ар ўтса элликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғасиз,  
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичу тошим.

Ёр ити, қичқирма гар Бобур деса холин санга,  
Найлайн, бу ғурбат<sup>9</sup> ичра сендин ўзга йўқ кишим.



<sup>1</sup> Ток — том, лифт.

<sup>2</sup> Даст бергай — қўлга қиради.

<sup>3</sup> Илгим — қўлим.

<sup>4</sup> Маҳваш — ойдай.

<sup>5</sup> Илик — қўл.

<sup>6</sup> Остонингдин — остонангдан.

<sup>7</sup> Борса бошим — бошим кетса.

<sup>8</sup> Навъ — хил; тарз.

<sup>9</sup> Ғурбат — қариблик юрти, ўзга эл-юрт.



Не хуш бўлмайки, бир кун уйқулук бахтимни  
уйғотсам,  
Кечалар тори мўйидек<sup>1</sup> белига чирмашиб ётсам.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукнинг исласам,  
Гаҳи шақкар киби ул юзи гулнинг лаълидин<sup>2</sup>  
тотсам.

Қани Ширин била Лайлики<sup>3</sup>, сендин ноз ўрганса?  
Қани Фарҳоду Мажнуним<sup>4</sup>, аларға ишқ  
ўргатсам?!

Ёруқ кундуз, қоронғу кечада анжум<sup>5</sup> киби бўлғай,  
Чекиб гар ох дудини<sup>6</sup>, кўнгул ўтини тутратсам<sup>7</sup>.

Кўзум равшанлиғида<sup>8</sup> бўлғай, эй Бобур, басе<sup>9</sup>  
камлик<sup>10</sup>,  
Агар қоши била юзин ҳилолу<sup>11</sup> кунга ўхшатсам.

<sup>1</sup> **Т о р и м ў** — соч толаси.

<sup>2</sup> **Л а ъ л** — лаб.

<sup>3</sup> **Л ай ли**, **Ш и р и н** — мумтоз адабиёт анъанавий образлари.

<sup>4</sup> **Ф а р ҳ о д**, **М аж н у н** — мумтоз адабиёт анъанавий образлари.

<sup>5</sup> **А н ж у м** — юлдуз.

<sup>6</sup> **Д у д** — тутун.

<sup>7</sup> **Т у т р а т с а м** — буркиратсам.

<sup>8</sup> **К ў з у м равшанлиғида** — кўзим очиклиғида, тириклигимда.

<sup>9</sup> **Б а с е** — жуда, роса.

<sup>10</sup> **К а м л и қ** — оқ; хато.

<sup>11</sup> **Ҳ и л о л** — янги чиққан ой.



Хажр аро ишрат аёгин<sup>1</sup> борму нўш<sup>2</sup> айлар чоғим,  
Сенсизин юруб аёқ<sup>3</sup> ичкунча синсун аёғим!<sup>4</sup>

Ишқ беморимену сен хуснунга мағруру маст,  
Мен нечун бормай ўзумдинким, даме<sup>5</sup> йўқтур

СОҒИМ<sup>6</sup>.

Доғлар кўйдум дирамлар<sup>7</sup> киби кўксумни ёриб,  
Не осигким<sup>8</sup>, ёрға тушмас кабул ул ёрмоғим<sup>9</sup>.

Даст бермас<sup>10</sup> васлу келмас ёру раҳм этмас, не суд?<sup>11</sup>  
Бормоғим<sup>12</sup> бўғзумға элтиб, бормоғим ёлбормоғим.

Истарам, эй ишқ, мендин қолмағай ному нишон,  
Туфроқ эт жисмимни, доғи елга бергил туфроғим!

Кўзларимдин борғали ёшим таним бўлди низор<sup>13</sup>,  
Билмадим, ул ёш<sup>14</sup> экандур, Бобуро, менинг ёғим<sup>15</sup>.

<sup>1</sup> **И ш р а т а ё г и** — роҳат-фароғат майи.

<sup>2</sup> **Н ў ш** — ичмоқ.

<sup>3</sup> **А ё қ** — май.

<sup>4</sup> **А ё г** — 1. Қадах. 2. Оёқ.

<sup>5</sup> **Д а м е** — бир лаҳза, бирор лаҳза.

<sup>6</sup> **С о ғ** — 1. Саломат. 2. Ҳушёр (маст эмас).

<sup>7</sup> **Д и р а м (дирхам)** — танга (пул).

<sup>8</sup> **О с и г** — фойда.

<sup>9</sup> **Ё р м о ғ** — 1. Пул, маблағ. 2. Жароҳатламоқ, чок қилмоқ.

<sup>10</sup> **Д а с т б е р м а с** — имкони йўқ.

<sup>11</sup> **С у д** — фойда, наф.

<sup>12</sup> **Б о р м о ғ и м** — бармоғим.

<sup>13</sup> **Н и з о р** — озгин, суст; заиф.

<sup>14</sup> **Ё ш** — 1. Кўз ёши. 2. Бола.

<sup>15</sup> **Ё в (ий)** — душман, ёв.



Ғурбату<sup>1</sup> хижронға<sup>2</sup> қолдим, ох, ул жон илгидин<sup>3</sup>,  
Жонға еттим<sup>4</sup> эмди ғурбат бирла хижрон илгидин.

Кўрсатур гах тигу<sup>5</sup> гах ўк — ҳолатимни билмайин,  
Не балолар кўрадурмен ёри нодон илгидин.

Эл фиғонимдин бажону<sup>6</sup> мен бу жондин, эй ажал,  
Қил халос элнию, мени жону афғон илгидин.

Бобур, ул ой<sup>7</sup> ҳажрида<sup>8</sup> ишинг баса<sup>9</sup> душвор<sup>10</sup> эди,  
Шукрким, кутқарди ўлум сени осон илгидин.



---

<sup>1</sup> **Ғурбат** — 1. Ғариблик. 2. Бошқа юрда яшаш.

<sup>2</sup> **Хижрон** — жудалик, айрилик.

<sup>3</sup> **Илгидин** — дастидан.

<sup>4</sup> **Жонга еттим** — жондан бездим, яшашдан тўйиб кетдим.

<sup>5</sup> **Тигу** — пичоқ, ханжар, қилич.

<sup>6</sup> **Бажон** — жонидан тўйган, жонидан безган.

<sup>7</sup> **Ой** — мажозан: севимли ёр, сулув.

<sup>8</sup> **Хажр** — айрилик.

<sup>9</sup> **Баса** — жуда, ўта, роса.

<sup>10</sup> **Душвор** — қийин, мушкул.





Яна кўз уйида маъво<sup>1</sup> қилибсен,  
Кўнгул кошонасида<sup>2</sup> жо<sup>3</sup> қилибсен.

Яна савдои<sup>4</sup> зулфунгдин, нигоро<sup>5</sup>,  
Мени ошуфтаю<sup>6</sup> шайдо қилибсен.

Фаминг йўқ жон агар берсам фамингда<sup>7</sup>,  
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен?!

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,  
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшунуб, эй бахри<sup>8</sup> алтоф<sup>9</sup>,  
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Соғинмас<sup>10</sup> жаннат ул-маъвони<sup>11</sup> Бобур,  
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

<sup>1</sup> **Маъво** — макон, маскан.

<sup>2</sup> **Кошона** — ҳона.

<sup>3</sup> **Жо** — жой, ўрин.

<sup>4</sup> **Савдо** — иштиёқ.

<sup>5</sup> **Нигоро** — эй гўзал!

<sup>6</sup> **Ошуфта** — паришон.


<sup>7</sup> **Фам** — ишқ.

<sup>8</sup> **Бахр** — денгиз.

<sup>9</sup> **Алтоф** — лутф-марҳаматлар.

<sup>10</sup> **Соғинмас** — эсламас.

<sup>11</sup> **Жаннат ул-маъво** — диний истилоҳ: беҳишт.



Не вафо умрумда ул жону жаҳондин кўргамен,  
Ким вафо жондин кўрубтурким, мен ондин  
кўргамен?!

Кўз йўлидин ул пари хуснин назар айлар эдим,  
Кон ёшим ул йўлни тутти, энди кондин<sup>1</sup> кўргамен?!

Ё Раб<sup>2</sup>, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,  
Жонима ором ул оромижондин кўргамен?

Кўз кўрар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,  
Бу балони неча чашми<sup>3</sup> хунфишондин<sup>4</sup> кўргамен.

Бартараф қилғил вафо истарни элдин, Бобуро,  
Ул ғалатдурким<sup>5</sup>, вафо аҳли жаҳондин<sup>6</sup> кўргамен.



---

<sup>1</sup> **К о н д и н** — 1. Кондан. 2. Қаердан?

<sup>2</sup> **Р а б (б)** — Оллоҳ.

<sup>3</sup> **Ч а ш м** — кўз.

<sup>4</sup> **Х у н ф и ш о н** — кон сочадиган.

<sup>5</sup> **Ғ а л а т** — хато.

<sup>6</sup> **А х л и жаҳон** — ҳаётдаги одамлар.



Такаллуф<sup>1</sup> ҳар неча суратда бўлса, ондин ортуқсен!  
Сени жон дерлар, аммо, бетакаллуф, жондин  
ортуқсен!

Парининг хусн ичра гарчи оти<sup>2</sup> бениҳоятдур,  
Мени девона қошимда ва лекин ондин ортуқсен!

Пари бу хусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,  
Сени таъриф этар, лекин сифат қилгондин  
ортуқсен!

Қадам ранжида қил<sup>3</sup> кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,  
Менинг бу нотавон<sup>4</sup> кўнглумга чун дармондин  
ортуқсен!

Иқомат<sup>5</sup> чунки қилдинг, Бобуро, ул хур кўйида<sup>6</sup>,  
Мақоминг<sup>7</sup> равзадин<sup>8</sup> авло<sup>9</sup>, ўзунг филмондин<sup>10</sup>  
ортуқсен!

---

<sup>1</sup> **Такаллуф** — хижолатпазлик; юзакилик.

<sup>2</sup> **Оти** — сифат ва номлари.

<sup>3</sup> **Қадам ранжида қил** — қадам қўй, кел.

<sup>4</sup> **Нотавон** — мадорсиэ.

<sup>5</sup> **Иқомат** — яшамок.

<sup>6</sup> **Кўй** — манзил, макон.

<sup>7</sup> **Мақом** — манзил.

<sup>8</sup> **Равза(т)** — боғ.

<sup>9</sup> **Авло** — афзал, устун, яхшироқ.

<sup>10</sup> **Филмон** — жаннатдаги йигитлар.



Бу янглиғ<sup>1</sup> билсам эрди хажрнинг<sup>2</sup> мухлик<sup>3</sup> қаро  
шомин,  
Берурму эрдим ўлгунча иликдин<sup>4</sup> васл айёмин?<sup>5</sup>

Жаҳонда айшу ишратдин кўнгул ором топқайму,  
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваш<sup>6</sup> дилоромин?

Кўнгулда ҳасрати ул ойнинг овзининг чу бехаддур,  
Кўнгул гўёки мундиндур тутубтур гунча андомин<sup>7</sup>.

Масих<sup>8</sup> анфоси<sup>9</sup> янглиғ жон берур фарсуда<sup>10</sup>  
жисмимға,  
Сабо<sup>11</sup> келтурса ногаҳ хажр аро ул ёр пайғомин<sup>12</sup>.

Мувофиқ ёрлар<sup>13</sup> бирла бу дамни хуш кечур,  
Бобур,  
На учунким, келур дамға бўла олмас киши зомин<sup>14</sup>.

<sup>1</sup> **Б у я н г л и ғ** — бундай, бу каби.

<sup>2</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>3</sup> **М у х л и к** — ҳалокатли.

<sup>4</sup> **И л и к** — қўл, даст.

<sup>5</sup> **А й ё м** — дамлар маъносида.

<sup>6</sup> **М а х в а ш** — ойдай.

<sup>7</sup> **А н д о м** — шакл.

<sup>8</sup> **М а с и х** — Ийсо алайҳиссалом лақаби: жон бағишловчи.

<sup>9</sup> **А н ф о с и** — нафаси.

<sup>10</sup> **Ф а р с у д а** — сўлғин.

<sup>11</sup> **С а б о** — тонг ели.

<sup>12</sup> **П а й ғ о м** — хабар.

<sup>13</sup> **М у в о ф и қ ё р л а р** — ўрта асрларда кенг тарқалган “улфатлар” маъносини англатувчи истилоҳ. (*Масъул муҳаррир*).

<sup>14</sup> **З о м и н** — кафил.



Сўзлаб ул лаъли<sup>1</sup> шакархони<sup>2</sup> шакаррез<sup>3</sup> этасен,  
Очиб ул зулфи сумансони<sup>4</sup> диловез<sup>5</sup> этасен.

Гаҳ қошинг секретибу<sup>6</sup> гоҳи кўзунгни ўйнатиб,  
Не бало фитна менинг жонима ангез<sup>7</sup> этасен.

Сув киби тигинг чекиб, тунд<sup>8</sup> самандингни<sup>9</sup> миниб,  
Елдуруб хар сориға, менинг ўтум тез этасен<sup>10</sup>.

Кўзларинг ҳажрида бемормену боқмайсен манга,  
Мени оғриққа магар боққали парҳез этасен?

Ҳажр шони меҳнатидин<sup>11</sup> қутула олмай чу сен,  
Бобуро, хар нечаким ўзни саҳархез<sup>12</sup> этасен.

---

<sup>1</sup> **Лаъл** — лаб.

<sup>2</sup> **Шакархо** — шакарчайнар.

<sup>3</sup> **Шакаррез** — шакар сочувчи.

<sup>4</sup> **Сумансо** — ёсминсимон.

<sup>5</sup> **Диловез** — дилкаш.

<sup>6</sup> **Секретиб** — бунда: қошингни учириб.

<sup>7</sup> **Ангез** — қасд, тазлаш; фитна; ўйин.

<sup>8</sup> **Тунд** — асов.

<sup>9</sup> **Саманд** — саман от.

<sup>10</sup> **Ўтни тез этмоқ** — оловни баландлатиш.

<sup>11</sup> **Меҳнат** — машаққат.

<sup>12</sup> **Саҳархез** — барвақт уйғонувчи, эрта турувчи.



Хуршид<sup>1</sup> юзунг бирла бу кун, эй мохи тобон<sup>2</sup>,  
Даъво гар этар бўлгуси кун, сўнгра пушаймон.

Сен гул киби то ғамзадасен<sup>3</sup> ҳуснунга мағрур,  
Булбул киби мен ғамзадамен<sup>4</sup> ҳуснунга хайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале<sup>5</sup>, лолаи худруй<sup>6</sup>,  
Тор оғзинг эрур гунча, вале, гунчаи хандон<sup>7</sup>.

Гоҳи қулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,  
Зулфунгни йиғиштурки, басе<sup>8</sup> бўлди паришон<sup>9</sup>.

Чун бўлди сочи торива<sup>10</sup> жон риштаси<sup>11</sup> пайванд,  
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон?!

<sup>1</sup> **Хуршид** — Куёш.

<sup>2</sup> **Мохи тобон** — порлоқ ой.

<sup>3</sup> **Ғамзада** — кўз сузаётган.

<sup>4</sup> **Ғамзада** — ғам адои тамом қилган.

<sup>5</sup> **Вале** — лекин.

<sup>6</sup> **Худруй** — ёввойи, табиий.

<sup>7</sup> **Хандон** — кулиб турган.

<sup>8</sup> **Басе** — жуда, росаям.

<sup>9</sup> **Паришон** — ёйилган.

<sup>10</sup> **Тори** — толаси.

<sup>11</sup> **Ришта** — ип, чилвир.



Қадду хатинг<sup>1</sup> била кўзу юзунг, эй сарви  
сийминтан<sup>2</sup>,  
Бири сарву бири райхон, бири наргис, бири  
гулшан.

Хадису<sup>3</sup> лаълу<sup>4</sup> рафтору<sup>5</sup> жамолингдин эрур ҳар дам  
Тилим гўё<sup>6</sup>, сўзум рангин<sup>7</sup>, кўнгул хуррам<sup>8</sup>, кўзум  
равшан.

Мени мадхушу<sup>9</sup> мискин<sup>10</sup>, найлай<sup>11</sup>, ул шўхи бало  
бирла,  
Мен асру<sup>12</sup> бедилу<sup>13</sup> бехуд<sup>14</sup>, ул асру пурдилу<sup>15</sup>  
пурфан<sup>16</sup>.

<sup>1</sup> **Х а т (т)** — устки лабда ўсган майин туклар.

<sup>2</sup> **С и й м и н т а н** — кумушбадан, оқ танли.

<sup>3</sup> **Х а д и с** — сўз.

<sup>4</sup> **Л а ъ л** — лаб.

<sup>5</sup> **Р а ф т о р** — юрмок.

<sup>6</sup> **Г ў ё** — сўзамол.

<sup>7</sup> **Р а н г и н** — таъсирчан, ифодали.

<sup>8</sup> **Х у р р а м** — шод, кувончда.

<sup>9</sup> **М а д х у ш** — хушсиз.

<sup>10</sup> **М и с к и н** — бечорахол.

<sup>11</sup> **Н а й л а й** — нима қилай?

<sup>12</sup> **А с р у** — жуда.

<sup>13</sup> **Б е д и л** — мафтун, ошиқу шайдо.

<sup>14</sup> **Б е х у д** — хушсиз.

<sup>15</sup> **П у р д и л** — ботир, дадил.

<sup>16</sup> **П у р ф а н (н)** — ҳийлакор.



Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин  
Чекармен нолаю афгон<sup>17</sup>, килурмен гиряю<sup>18</sup> шеван<sup>19</sup>.

Балои ишку ёлгузлук, дағи хижрону<sup>20</sup> гурбатда<sup>21</sup>  
Отим — Мажнун, кишим — мехнат, ишим — зори<sup>22</sup>,  
ерим — гулхан.

Ўқунг бирла хаёлинг, дардингу меҳрингга  
Таним — манзил, кўзум — маскан, кўкс\* — Бобурдек,  
маъво<sup>23</sup>, кўнгул — махзан<sup>24</sup>.



---

<sup>17</sup> **А ф г о н** — фиғон.

<sup>18</sup> **Г и р я** — йиғи.

<sup>19</sup> **Ш е в а н** — нола, мунг.

<sup>20</sup> **Х и ж р о н** — жудолик.

<sup>21</sup> **Г у р б а т** — ғариблик.

<sup>22</sup> **З о р и** — ёлбормоқ.

<sup>23</sup> **М а ъ в о** — макон, маскан.

<sup>24</sup> **М а х з а н** — хазина.

\* **К ў к с** — кўкрак.





Ишк элининг<sup>1</sup> охидин ул сарв кад хам<sup>2</sup> бўлмасун,  
Ғам елидин ул муанбар<sup>3</sup> зулф дархам<sup>4</sup> бўлмасун.

Кўп жафою жавр кўрдук, эй қуёш<sup>5</sup>, ҳажринг<sup>6</sup> куни,  
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун!

Даҳри дундин<sup>7</sup> тегмасун озор нозик жисминга,  
Даҳр аҳлидин<sup>8</sup> муборак кўнглунга ғам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсен ғараз<sup>9</sup>,  
Зоти покинг\* бўлмаса, оламда одам бўлмасун!

Ғар ҳаводорим<sup>10</sup> эрурсан, эй сабо<sup>11</sup>, арз айлаким,  
Ул юзи гул сарв ҳар хас<sup>12</sup> бирла ҳамдам\*\*

бўлмасун.

Ғарчи ошиқ лозими\*\*\* оламда расволикдурур,  
Ишк аро Бобур киби расвои олам бўлмасун!

<sup>1</sup> **И ш к э л и** -- ошиқлар.

<sup>2</sup> **Х а м** — эгик, эгилган.

<sup>3</sup> **М у а н б а р** — анбар ҳидли, хушбўй.

<sup>4</sup> **Д а р х а м** — паришон, тарқоқ, ёйилган.

<sup>5</sup> **Қ у ё ш** — сеvimли ёр.

<sup>6</sup> **Ҳ а ж р** — айрилиқ.

<sup>7</sup> **Д а ҳ р и д у н** — ярамас дунё.

<sup>8</sup> **Д а ҳ р а ҳ л и** — дунё одамлари.

<sup>9</sup> **Ғ а р а з** — мақсад.

<sup>10</sup> **Ҳ а в о д о р** — парвоздаги.

<sup>11</sup> **С а б о** — тонг ели.

<sup>12</sup> **Х а с** — таги паст, ярамас.

\* **З о т и п о к** — бузилмаган насл; асл, покиза насл-насаб.

\*\* **Ҳ а м д а м** — ҳамнафас, шерик, йўлдош.

\*\*\* **О ш и к л о з и м и** — маъно тақозосича "ошиқ босиб ўтадиган йўл".

Тушумда чун куёшдек оразингни кўрдум ўтрудин<sup>1</sup>,  
Тилармен то қиёмат очмағаймен кўзни уйқудин.

Сенинг васлингдин айру<sup>2</sup> тушгали боргон сори<sup>3</sup>  
Тахассур<sup>4</sup> — оркадин, меҳнат<sup>5</sup> — ёнимдин, хажр<sup>6</sup> — ортар  
ўтрудин.

Кўнгулдин катъи<sup>7</sup> уммид айладим ул вақтким,  
Кесилди риштаи<sup>8</sup> жондин, осилди тори<sup>9</sup> гисудин<sup>10</sup>. билдим,

Тия олмон йиғини кўргач ул ёшни, вале<sup>11</sup>, ул ҳам  
Кўзум ёшини кўргач, асрай олмас<sup>12</sup> ўзни кулгудин.

Кўзум ёшики, емрулди шикебу<sup>13</sup> сабр уйи ондин,  
Зиёнлар санга, эй Бобур, бу янглиғ билмадим  
судин<sup>14</sup>.

<sup>1</sup> **Ў т р у** — қарши — рўпара.

<sup>2</sup> **А й р у** — жудо.

<sup>3</sup> **С о р и** — сайин.

<sup>4</sup> **Т а х а с с у р** — ҳасрат.

<sup>5</sup> **М е ҳ н а т** — азоб, машаққат.

<sup>6</sup> **Х а ж р** — айрилиқ.

<sup>7</sup> **Қ а т ь** — узмоқ, кесмоқ.

<sup>8</sup> **Р и ш т а** — тола, ип.

<sup>9</sup> **Т о р** — тола.

<sup>10</sup> **Г и с у** — соч ўрими.

<sup>11</sup> **В а л е** — аммо, бироқ, лекин.

<sup>12</sup> **А с р а й о л м а с** — туюлмайд.

<sup>13</sup> **Ш и к е б** — тоқат.

<sup>14</sup> **С у д и н** — 1. Фойдасини. 2. Сувдан.



Куёшим<sup>1</sup> ҳар сориға<sup>2</sup> азм қилса<sup>3</sup>, заррае<sup>4</sup> қолмон,  
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун кўра олмон.

Онингдек бўлмишам хайрон қуёш янглиғ юзунгаким,  
Куёшдек найзалар тегса кўзумга, кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон<sup>5</sup> кўнглумга ўт солди,  
Вале, мен нотавон ул ёр ишкида кўнгул солмон<sup>6</sup>.

Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда<sup>7</sup>,  
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга бош  
чолмон<sup>8</sup>.

---

<sup>1</sup> **К у ё ш и м** — севгилим.

<sup>2</sup> **С о р и** — томон, тараф.

<sup>3</sup> **А з м қ и л с а** — жўнаса.

<sup>4</sup> **З а р р а е** — бирор қадам, ҳеч.

<sup>5</sup> **Н о т а в о н** — мадорсиз.

<sup>6</sup> **С о л м о н** — кеча олмайман.

<sup>7</sup> **Ў т р у м** — қаршим, рўпарам.

<sup>8</sup> **Б о ш ч о л м о н** — бош қўймайман.

Ироқу Форс\* гар етса, сенинг бу шеъринг, эй  
Ани ҳифз<sup>9</sup> этгуси Хофиз<sup>10</sup>, мусаллам<sup>11</sup> тутқуси  
Бобур,  
Салмон<sup>12</sup>.



<sup>9</sup> **Ҳ и ф з** — ёдламок.

<sup>10</sup> **Ҳ о ф и з** — машҳур форс-тожик шоири **Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозӣ** (1326–1389). Ҳожа Ҳофиз ўзбек шеърятига самарали таъсир ўтказган, китобхонларга анчайин кенг таниш шоир.

<sup>11</sup> **М у с а л л а м** — маъқулламок.

<sup>12</sup> **С а л м о н** — ироқлик (совалик) форс тилида ҳам ижод қилган машҳур араб шоири ва мутасаввуфи **Ҳожа Калимиддин Муҳаммад Масъуд Салмон ал-Ироқӣ** (1300–1376). **Алишер Навоӣ** (1441–1501) ҳам Масъуд Салмон ижоди ва истеъдодига юксак баҳор берган. Араб ва форс шеърятини аруз қондаларига асосланган, ўзига хос маънодор ва сержило “сабки ироқӣ” усули асосчиси **Ҳожа Масъуд Салмон** шеърятини фақат шинавандаларга, тор доирада таниш, ҳолос. Бобур шеърятини “сабки ироқӣ” усули таъсири анча сезилади. Юқоридаги мисрада шунга ғойибона ишора мавжуд. Уч “сабк” — “ироқӣ”, “хуросонӣ” ва “ҳиндустонӣ” мавжуд. Энг мураккаби Бобурий шаҳаншоҳлар ҳукмронлиги даврида (1526–1858) анча кенг тарқалган “сабки ҳиндий”, энг машҳур намояндалари **Мирзо Абдулқодир Бедил Азимободӣ** (1644–1721), жумладан, Бобур авлоди **Зебуннисо** (1643–1721) ва бошқалардир. Байт «фаҳр» санъати ноёб намунаси дир. (*Масъуд муҳаррир*).

• **И р о қ у Ф о р с** — шоир Ғарбӣй Эрон ва Шарқӣй Ироқни назарда тутмоқда.



Менинг кўнглумни ҳар дам<sup>1</sup> оғритиб, парвое  
қилмайсен,  
Сен, эй бедард<sup>2</sup>, найлайким, кўнгул дардини  
билмайсен.

Не билгайсен менинг дарду ғамим ҳар соату  
ҳар дам —  
Ки, ҳусн усруклугидин<sup>3</sup> ою йил, эй ой,  
ойилмайсен.

Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен<sup>4</sup>,  
Жафо расмию жавр ойинини<sup>5</sup> ҳаргиз ёнгилмайсен<sup>6</sup>.

Қотилма<sup>7</sup>, ишқ эли ҳолин чу билмассен, манга,  
эй шайх,  
Не билгайсенки, ҳаргиз бу жамоатка қотилмайсен.

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жисми  
Бобурнинг,  
Вале<sup>8</sup>, не фойдаким, хасча чоғлиқ<sup>9</sup> кўзга илмайсен.

<sup>1</sup> **Ҳар дам** — доим, ҳар лаҳза.

<sup>2</sup> **Бедард** — дардсиз, лоқайд.

<sup>3</sup> **Усрук** — маст.

<sup>4</sup> **Ёзмайсен** — хато қилмайсан.

<sup>5</sup> **Ойини** — қоида, одат.

<sup>6</sup> **Ёнгилмайсен** — янглишмайсан.

<sup>7</sup> **Қотилма** — қўшилма, дахл атма.

<sup>8</sup> **Вале** — лекин.

<sup>9</sup> **Хасча чоғлиқ** — хасчалик.



Жамолинг васфини<sup>1</sup>, эй ой<sup>2</sup>, неча элдин  
эшитгаймен,  
Не кун бұлгай, висолингга мени дилхаста<sup>3</sup>  
етгаймен!

Тараххум<sup>4</sup> юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,  
Хуш улким, оразингни<sup>5</sup> кўргамен, сўзунг  
эшитгаймен!

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнуьга  
махкам қил —  
Ки, водийи фирокинги<sup>6</sup> ичра, кўрқарменки,  
йитгаймен<sup>7</sup>.

Тараххум қилмасанг ё боқмай, истиғно<sup>8</sup> била  
ўтсанг,  
Тазарруь<sup>9</sup> қилгамен ё йиғлағаймен — ўзга  
нетгаймен?!

Муяссар бўлмаса бошимни кўймоғлиғ аёғиға,  
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

<sup>1</sup> **В а с ф** — мактов.

<sup>2</sup> **О й** — севимли ёр.

<sup>3</sup> **Д и л х а с т а** — дили вайрон.

<sup>4</sup> **Т а р а х х у м** — раҳм, шафкат.

<sup>5</sup> **О р а з** — юз, чехра.

<sup>6</sup> **Ф и р о қ** — айрилиқ.

<sup>7</sup> **Й и т г а й м а н** — йўқолиб кетаман.

<sup>8</sup> **И с т и ғ н о** — нописандлик, писанд қилмаслик.

<sup>9</sup> **Т а з а р р у ь** — ёлбормок.



Бу кеча кулбамға келди ул куёшим ёшурун,  
Қарнларда<sup>1</sup> келмади харгиз мунингдек кечқурун.

Оғзидек тор<sup>2</sup> фурсати васли, вале<sup>3</sup>, хажри<sup>4</sup> туни  
Ул муанбар<sup>5</sup> сочи янглиғ хам қоронғу, хам узун.

То хаёли оразинг<sup>6</sup> тушти кўнгулга, эй куёш,  
Бўлди кўнглум бир ёнар ўту сўнгақларим<sup>7</sup> — ўтун.

Бўлди кўнглумда гирих<sup>8</sup> ҳасрат ўти тор<sup>9</sup> оғзидин,  
Бор магар жисмим менинг тору<sup>10</sup> кўнгул анда  
тугун.

Олғали жонимни ҳижронға<sup>11</sup>, ҳавола қилди ёр,  
Қўйма ҳижронға, ажал, жонимни ол, Тенгри учун!

<sup>1</sup> Қ а р н — бир авлод умри муддати, аср.

<sup>2</sup> Т о р — қиска, оз.

<sup>3</sup> В а л е — лекин.

<sup>4</sup> Х а ж р — айрилик.

<sup>5</sup> М у а н б а р — анбар хидли, тимқора.

<sup>6</sup> О р а з — юз, чехра.

<sup>7</sup> С ў н г а қ — суяк.

<sup>8</sup> Г и р и х — чигил, тугун.

<sup>9</sup> Т о р — кичик, ихчамгина.

<sup>10</sup> Т о р — тола, ип толаси. Яна қаранг: айни шу ғазалга 2- ва 9-изохлар.

<sup>11</sup> Х и ж р о н — жудолик.



Сарвдек қадди фироқида<sup>12</sup> фиғонимдур<sup>13</sup> баланд,  
Гул киби рухсори<sup>14</sup> хажрида ёшимдур лолагун<sup>15</sup>.

Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳибкамол<sup>16</sup>,  
Ишқ ахли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун<sup>17</sup>.



---

<sup>12</sup> **Фирок** — айрилик.

<sup>13</sup> **Фиғон** — фарёд.

<sup>14</sup> **Рухсор** — юз, чеҳра.

<sup>15</sup> **Лолагун** — лола ранг, қизил; қирмизи.

<sup>16</sup> **Соҳибкамол** — камолга етган.

<sup>17</sup> **Зуфунун** — кўп хунарларга моҳир киши; билимдон.





Шохи гулу настаран\* ёд берур бўйидин<sup>1</sup>,  
Атрни мушки<sup>2</sup> Хўтан\*\* касб қилур<sup>1</sup> мўйидин<sup>1</sup>.

Гул — юзидин мунфаил<sup>3</sup>, сарв — қаддидин хижил<sup>4</sup>,  
Ранг олур муттасил<sup>7</sup> лолаю гул рўйидин<sup>6</sup>.

Жонға қилур юз ситам<sup>9</sup>, кўнглума юз онча ҳам,  
Кўз окизур жўйи<sup>10</sup> ғам шўхи баложўйидин<sup>11</sup>.

Равзаға<sup>12</sup> гар етгамен, онсиз ани нетгамен?  
Мумкин эмас кетгамен ул қаро кўз кўйидин<sup>13</sup>.

Гарчи қилур юз қарам, васли этар мухтарам<sup>14</sup>,  
Лек<sup>15</sup>, басе<sup>16</sup>, кўрқарам, Бобур, онинг хўйидин<sup>17</sup>.

<sup>1</sup> Б ў й — 1. Қад-комат. 2. Хид, ис.

<sup>2</sup> М у ш к — қора хушбўй модда.

<sup>3</sup> К а с б қ и л у р — олади, ўрганеди.

<sup>4</sup> М ў й — соч.

<sup>5</sup> М у н ф а и л — хижолат.

<sup>6</sup> Х и ж и л — уялиб қолган.

<sup>7</sup> М у т т а с и л — доим.

<sup>8</sup> Р ў й — юз, чехра.

<sup>9</sup> С и т а м — зулм.

<sup>10</sup> Ж ў й — арик.

<sup>11</sup> Б а л о ж ў й — фитначи; бадбахт.

<sup>12</sup> Р а в з а (т) — жаннат.

<sup>13</sup> К ў й — манзил, макон.

<sup>14</sup> М у х т а р а м — азиз, хурматли.

<sup>15</sup> Л е к — лекин.

<sup>16</sup> Б а с е — жуда.

<sup>17</sup> Х ў й — феъл-атвор.

\* Н а с т а р а н — оқ ёки нофармон хушбўй гул. Сирень.

\*\* Х ў т а н — Марказий Осиёдаги чегараси ноаниқ, кўпроқ мажозий маънодаги бир вилоят номи. М у ш к и Х ў т а н — бўғу мугузидан олинадиган шифобахш доривор бўлгани учун хатто Сибирь ёки Тибетни ҳам англатади.



Қаёнға борсанг, итингмен, ўзумни еткурройин,  
Етишмасам санга, бокиб дуо қилиб хуройин.

Юзум бўсағангга сурсам — не яхши айшдурур<sup>1</sup>,  
Иноят<sup>2</sup> эт, эшигингда бу айшни суройин.

Фироқинг<sup>3</sup> ичра йиғидин нечук йиғай ўзни,  
Ёшим бош урди жаҳонға, не навъ<sup>4</sup> ёшуройин.

Неча тағофул<sup>5</sup> этиб, менга бокмайин юрар ул,  
Неча тазарруъ<sup>6</sup> этиб, мен анга боқиб туройин.

Қуёшға зарра<sup>7</sup> назар солмағай севунмакдин,  
Қутулса ғам тунидин, кўрса ёна Бобур ойин<sup>8</sup>.



<sup>1</sup> **А й ш** — роҳат-фароғат.

<sup>2</sup> **И н о я т** — лутф, марҳамат.

<sup>3</sup> **Ф и р о қ** — айрилик.

<sup>4</sup> **Н е н а в ъ** — қандай қилиб?

<sup>5</sup> **Т а ғ о ф у л** — билиб-билмасликка олиш.

<sup>6</sup> **Т а з а р р у ъ** — ёлбориш.

<sup>7</sup> **З а р р а** — ҳеч.

<sup>8</sup> **О й** — севикли гўзал ёр.

Неча хусн ахлидин<sup>1</sup>, махзун<sup>2</sup> кўнгул, озор  
топқайсен?  
Неча гулчехралардин бағринг ичра хор<sup>3</sup> топқайсен?

Неча ишқу фироқу<sup>4</sup> рахмсиз ағёр<sup>5</sup> илгидин<sup>6</sup>  
Ўзунгни хору<sup>7</sup> жонни зору кўз хунбор<sup>8</sup> топқайсен?

Неча макдур<sup>9</sup> боринча анинг ройича<sup>10</sup> борғайсен?  
Неча борғон<sup>11</sup> сойи ўзунгни бемиқдор<sup>12</sup> топқайсен?

Танимға нечаким наззора қилсанг<sup>\*</sup>, доғ кўргайсен,  
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг, озор топқайсен.

Бу махвашларға<sup>13</sup> кўнглунг бермағилким, асрай  
олмаслар,  
Кўнгулни асрағил, бўлғайки, бир дилдор  
топқайсен.

<sup>1</sup> **Х у с н а х л и** — сулувлар, гўзаллар.

<sup>2</sup> **М а х з у н** — мунгли, ғамгин.

<sup>3</sup> **Х о р** — тикан, озор.

<sup>4</sup> **Ф и р о қ** — айрилиқ.

<sup>5</sup> **А г ё р** — рақиб, ёт.

<sup>6</sup> **И л г и** — кўли, даст.

<sup>7</sup> **Х о р** — хўр.

<sup>8</sup> **Х у н б о р** — қоясочар.

<sup>9</sup> **М а к д у р** — мадор.

<sup>10</sup> **Р о й** — раъй, ихтиёр.

<sup>11</sup> **С о й и** — сайин.

<sup>12</sup> **Б е м и қ д о р** — эътиборсиз, назардан қолган.

<sup>13</sup> **М а х в а ш** — ойдай санам.

<sup>\*</sup> **Н а з з о р а қ и л с а н г** — назар ташласанг.



Хатинг<sup>1</sup> била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,  
Бири — бинафша, бири — ёсуман<sup>2</sup>, бири — райхон.

Такаллум<sup>3</sup> айларида тилию тишию лаби,  
Бири — ақику<sup>4</sup> бири — инжую, бири — маржон.

Кўнгулни зору, мени хору, танни тор этган<sup>5</sup>  
Бири — жафою, бири — ғурбату<sup>6</sup>, бири — ҳижрон<sup>7</sup>.

Тану кўнгул била кўз васлу нозу ҳусни учун  
Бири — харобу, бири — волаю<sup>8</sup>, бири — хайрон.

Тамоми умрида Бобурға уч сўз айтибтур:  
Бири — сўкунчу, бири — каттиқу, бири — ёлғон.



<sup>1</sup> **Х а т(т)** — лаб узра майин туклар.

<sup>2</sup> **Е с у м а н** — ёсмин, оқ гул.

<sup>3</sup> **Т а к а л л у м** — сўзламок.

<sup>4</sup> **А қ и қ** — лаъл; кизил қимматбаҳо тош.

<sup>5</sup> **Т о р э т г а н** — сикқан.

<sup>6</sup> **Ғ у р б а т** — ғариблик.

<sup>7</sup> **Ҳ и ж р о н** — айрилик.

<sup>8</sup> **В о л а** — шайдо.



Неча лаълингдин<sup>1</sup> менинг бағрим тўла қон қилғасен?

Хотиримни неча зулфунгдек<sup>2</sup> паришон<sup>3</sup> қилғасен?

Неча еткургайсен эл бошини кўкка меҳр ила,  
Неча мени жаврдин ер бирла яксон<sup>4</sup> қилғасен?

Кўнглума дашному<sup>5</sup> таънинг<sup>6</sup> улча мақдур<sup>7</sup> этгасен,  
Жонима бедоду<sup>8</sup> зулмунг улча имкон қилғасен.

Манга бормоқ мушкилу, келмак санга осондурур,  
Ушбу мушкилни манга, ё Раб<sup>9</sup>, сен осон қилғасен.

Демагай аҳсант<sup>10</sup> лафзин<sup>11</sup>, Бобур, ул ёринг сенинг,  
Нечаким Ҳассон<sup>12</sup> киби ўзни суҳандон<sup>13</sup> қилғасен.

---

<sup>1</sup> **Лаъл** — “лаб” маъносида.

<sup>2</sup> **Зулф** — гажак.

<sup>3</sup> **Паришон** — тарқоқ.

<sup>4</sup> **Яксон** — бир хил, битта.

<sup>5</sup> **Дашном** — дакки.

<sup>6</sup> **Таън** — таъна.

<sup>7</sup> **Мақдур** — иложи борича.

<sup>8</sup> **Бедод** — адолатсизлик.

<sup>9</sup> **Раб(б)** — Оллоҳ.

<sup>10</sup> **Аҳсант(а)** — яхши!

<sup>11</sup> **Лафз** — сўз.

<sup>12</sup> **Ҳассон** — Муҳаммад пайғамбарга замондош таниқли араб шоири **Ҳассон ибн Собит** (563–672).

<sup>13</sup> **Суҳан** — ширин сўз; сўзамол; билимдон.



Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,  
Олам ичра аёғим етганича йитгаймен<sup>1</sup>.

Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,  
Неча ўзумни улус<sup>2</sup> кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош<sup>3</sup> элнинг  
Не юзин кўргамену, не сўзин эшитгаймен!

Хар сори борса бу девона кўнгул, айб этма,  
Ўйла девона эмаским, ани беркитгаймен.

Дема Бобурга, нетарсен, бош олиб кетмакни?  
Тенгрининг хости<sup>4</sup> мундоқ эса, мен нетгаймен?



---

<sup>1</sup> **Й и т г а й м е н** — йўқолиб кетаман.

<sup>2</sup> **У л у с** — эл, халқ.

<sup>3</sup> **К о ш** — кошки.

<sup>4</sup> **Х о с т** — истак, хоҳиш.



Бу гамда менки, ишим фикрини не навъ<sup>1</sup> этайин?  
Не ерда сокин ўлай<sup>2</sup>, не қилай, қаён кетайин?

Не дайрдин<sup>3</sup> эшигим очилур, не масжидтин,  
Неча эшикдин эшикка гадо киби етайин?

Жахон эли била гуфту шунуд<sup>4</sup> қилмасмен,  
Неча сўзумни дейин, неча қаттиқ эшитайин?

Замона ахлиға қотилдим-у,<sup>5</sup> қота қолдим,  
Ўзумни куч била<sup>6</sup> бу данг<sup>7</sup> элга не қотайин?

Дема не бўлди ишинг, фикр қилғил, эй Бобур,  
Не бўлса, ул бўлур эркин<sup>8</sup> ишим, не фикр этайин?



<sup>1</sup> **Не навъ** — қандай? Қандок?

<sup>2</sup> **Сокин ўлай** — тинчиб яшай.

<sup>3</sup> **Дайр** — бутхона, черков.

<sup>4</sup> **Гуфту шунуд** — айтиб эшитмоқ; мунозара, баҳс.

<sup>5</sup> **Қотилмоқ** — қўшилмоқ.

<sup>6</sup> **Куч била** — зўрлаб.

<sup>7</sup> **Данг** — гаранг, онгсиз, идроксиз.

<sup>8</sup> **Эркин** — экан.



Гайрга<sup>1</sup> неча вафо қилгайсен?  
Жонима неча жафо қилгайсен?

Бехато<sup>2</sup> элга отиб ғамза<sup>3</sup> ўқин,  
Бизга етганда хато қилгайсен.

Кўрмагайсен аламу дард юзин,  
Дардима, эйки, даво қилгайсен!

Тиларам сарви равонинг<sup>4</sup> равишин<sup>5</sup>,  
Тилагим, кош<sup>6</sup>, раво қилгайсен<sup>7</sup>.

Бобур, ул умр<sup>8</sup> сени сўккан учун,  
Умр боринча дуо қилгайсен.



<sup>1</sup> **Г а й р** — ёт, бегона.

<sup>2</sup> **Б е х а т о** — адашмай, хато қилмай, нуқсонсиз.

<sup>3</sup> **Ғ а м з а** — кўз сузиш.

<sup>4</sup> **С а р в и р а в о н** — мажозан: ёр қомати.

<sup>5</sup> **Р а в и ш** — юриш, ҳаракат.

<sup>6</sup> **К о ш** — кошки.

<sup>7</sup> **Р а в о қ и л м о қ** — бажармоқ.

<sup>8</sup> **У м р** — севикли ёр.






سر بگمان پادشاه و سلطان بی شک و مناصب بگم و آفاق بی شک  
دیگر و خستگان سلطان و پادشاه بی شک و زانو سر بگمان  
سلطان حسین پیر از جمع شده سر بگمان از خستگان و پیر از پادشاه

۱۰۲۰

میان غرب و جنوب در حوض و در وی است لاله افشودم  
در قشای نارنجی است در قشای نارنجی است که در حوض تمام  
سبز که زار است جای عین مرغینت در وقت زرد شدن  
تا بنما بسیار خوب می نماید خلی مرغی طرح شده و در



در این حرکت نهانی چنانچه بعد از خواندن سلطان قمر از او در بره جنونی که



منزل خود بیکر انجام بود و در وقت شمشاد در کشیدند بعد از آن کشیدند بخانه



و درین شب جمعی بر آن غناب سماج بر چیده و کاکاکی استند



بچیده و کاکاکی استند و درین شب جمعی بر آن غناب سماج بر چیده و کاکاکی استند

Сендин нафасе<sup>1</sup> мурод топмон<sup>2</sup>,  
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

Ишқ аҳлиға<sup>3</sup> илтифот кўрмон,  
Хусн аҳлида эътикод топмон.

Қилсам санга ҳар неча тазаллум<sup>4</sup>,  
Фарёду фифонки, дод<sup>5</sup> топмон!

Фарёдки, дерга ишқ розин<sup>6</sup>,  
Бир кишини эътимод<sup>7</sup> топмон.

Қошинг ғами шарҳини ёзарға  
Кўз корасидек мидод<sup>8</sup> топмон.

Мен банда<sup>9</sup> жуз<sup>10</sup> инкиёд<sup>11</sup> билмон,  
Сен шохда жуз инод<sup>12</sup> топмон.

<sup>1</sup> **Нафасе** — бир лаҳза.

<sup>2</sup> **Топмон** — топмайман, тополмайман.

<sup>3</sup> **Ишқахли** — ошиқлар.

<sup>4</sup> **Тазаллум** — зулмдан шикоят.

<sup>5</sup> **Дод** — адолат.

<sup>6</sup> **Роз** — кўнгил сири.

<sup>7</sup> **Эътимод** — ишончли киши; ишонч.

<sup>8</sup> **Мидод** — сиёҳ.

<sup>9</sup> **Банда** — кул.

<sup>10</sup> **Жуз** — ... дан ўзга.

<sup>11</sup> **Инкиёд** — бўйсунмоқ; итоат.

<sup>12</sup> **Инод** — қайсарлик; итоатсиялик.



Хуш улки, ёна<sup>1</sup> муборак юзунгни кўргаймен,  
Юзум била қадаминг гардини супургаймен.

Демаки, жавр келур санга ёр кўрмактин,  
Мени не кўрқутасен, хар не келса кўргаймен.

Гаҳи жафою гаҳи жавр этиб, юз эвруласен<sup>2</sup>,  
Мен ул эмонки<sup>3</sup>, булар бирла юз эвургаймен<sup>4</sup>.

Неча фирок<sup>5</sup> хумори\* аро азоб чекай,  
Қачон висол майидин даме<sup>6</sup> усургаймен?<sup>7</sup>

Фирок ўтида овунсам чоғир<sup>8</sup> била, не ажаб,  
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

Деминсенки: иттим, хайр, гулшанда кўргумдур,  
Неча бу ваъда била, Бобуро, югургаймен.

<sup>1</sup> Ёна — яна.

<sup>2</sup> Эвруласан — товланасан.

<sup>3</sup> Эмон — эмасман.

<sup>4</sup> Эвургайман — ўгираман, бураман.

<sup>5</sup> Фирок — айрилик.

<sup>6</sup> Да ме — бирор лаҳза.

<sup>7</sup> Усургайман — маст бўламан, кайф қиламан.

<sup>8</sup> Чоғир — май.

\* **Фирок хумори** — айнан: айрилик хумори; айни бирикма хали кенг талқин этилмаган. (*Масъул муҳаррир*).



Келки, сенсиз табакай<sup>1</sup> мақтули<sup>2</sup> хижрон бўлмаен?  
Чорае қилким, сенинг оллингда курбон бўлмаен!

Эй хуш улким, турғасен келиб кўзум ўтрусида<sup>3</sup>,  
Мен тикиб икки кўзум юзунгга, хайрон бўлмаен.

Неча сенсиз дарду ғам бўлғай менинг кўнглумда  
жамъ<sup>4</sup>,  
Неча зулфунг иштиёқидин парипон<sup>5</sup> бўлмаен?

Кўюнг ичра гар сақар<sup>6</sup> бўлса, мақар<sup>7</sup> жаннатча бор,  
Жаннат ўлса гар макон, сенсиз не имкон  
бўлмаен?!\*

<sup>1</sup> **Т а б а к а й** — қачонгача?

<sup>2</sup> **М а қ т у л** — қатл этилган, қатл этиладиган.

<sup>3</sup> **Ў т р у** — рўпара.

<sup>4</sup> **Ж а м ъ** — йиғилмоқ.

<sup>5</sup> **П а р и ш о н** — тарқок; мунгли.

<sup>6</sup> **С а қ а р (р)** — дўзах.

<sup>7</sup> **М а қ а р (р)** — макон, манзил, қўналға.

\* **С е н с и з н е и м к о н б ў л м а е н** — иборани “сенсиз не имкон булмаен” деб ҳам ўқиш мумкин. “Булмоқ” — ўғиз туркчасида “топмоқ” бўлиб, Бобур озарбойжон, турк, туркман тилларига хос бу феълни бошқа ўғиз сўз ва иборалари каби қўллаши табиий ади. “Булмоқ” Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий томонидан ҳам қўлланилган феълдир. (*Масбул муҳаррир*).



Баякногох<sup>1</sup> кўзумга учраб ўтру<sup>2</sup>,  
Мени девона килдинг, эй пари рў<sup>3</sup>.

Жахонда ҳар кишига бор муроде<sup>4</sup>,  
Менинг йўктур муродим сендин айру.

Магар уйқуда юзунг кўргай эрдим,  
Вале<sup>5</sup>, хажрингда<sup>6</sup> кўздин учти уйқу.

Ики сочинг била юзунг қуёшин  
Кечалар ёд этармен тонга тегру<sup>\*</sup>.

Тараххум<sup>7</sup> айлаким, бечора Бобур  
Сенинг ишқингда бўлди зор асру<sup>8</sup>.

---

<sup>1</sup> **Б а я к н о г о х** — бирданига, ногахон, кўккисдан. Ушбу равиш кейинчалик “баногох”га шакл ўзгартирган. (*Масъул муҳаррир*).

<sup>2</sup> **Ў т р у** — юзма-юз, рўпара.

<sup>3</sup> **Р ў** — юз, чеҳра.

<sup>4</sup> **М у р о д** — мақсад, орзу.

<sup>5</sup> **В а л е** — биров.

<sup>6</sup> **Ҳ а ж р** — айрилиқ.

<sup>7</sup> **Т а р а х х у м** — раҳм, шафқат.

<sup>8</sup> **А с р у** — роса, жудаям.

<sup>\*</sup> **Т е г р у** — қадар, -гача.





Чархнинг\* мен кўрмаган жавру жафоси колдиму?!  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси колдиму?!

Мени хор этти-ю, қилди муддаийни<sup>1</sup> парвариш,  
Дахри<sup>2</sup> дунпарварнинг<sup>3</sup> ўзга муддаоси колдиму?

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш<sup>4</sup>,  
Эмди тиргузмак учун мехру вафоси колдиму?

Ошиқ ўлғач, кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафик\*\*,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси<sup>5</sup> колдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламини истар, қилма айб,  
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси колдиму?

<sup>1</sup> **Муддаий** — даъвогар; ошиқлик даъвогари.

<sup>2</sup> **Дахр** — дунё, жаҳон.

<sup>3</sup> **Дунпарвар** — ёмонларни тарбиялайдиган.

<sup>4</sup> **Қуёш** — мажозан: ёр.

<sup>5</sup> **Ҳарос** — қўрқув.

<sup>6</sup> **Сафо** — шодлик.

<sup>7</sup> **Чарх** — дунё; олам; Қаҳқашон; Борлик.

\*\* Кейинги байт шу тахлит ўқилишида маъно тўлиқ чиқмайди. Бизнингча, “Ошиқ ўлғач, кўрдум ўлумни ўзумга рафик”, ўқилиши мумкин. “Ошиқ бўлганимдан кейин ўлимни ўзимга дўст, ўртоқ ва йўлдош деб билдим” да маъно мавжуд. (*Масъул муҳаррир.*)



То олғали кўнглумни ул юз била ул гису<sup>1</sup>,  
Кундуз манга не ором, кеча менга не уйқу!

Хар ёнғаки азм<sup>2</sup> этсам, ёнимда борур меҳнат<sup>3</sup>,  
Хар сорига юзлансам, ўтрумға<sup>4</sup> келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,  
Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?!

Ул юзи қуёш ҳажри, бу саъб<sup>5</sup> бало дарди,  
Кўнглумга урубдур ўт, холимни қилибдур су(в).

Хар нечаки муҳликдур<sup>6</sup>, дардингни дема элга —  
Ким, йиғламоғинг, Бобур, бу элгадурур кулғу.



---

<sup>1</sup> Г и с у — соч ўрими.

<sup>2</sup> А з м — отланмоқ.

<sup>3</sup> М е х н а т — азоб, машаққат.

<sup>4</sup> Ў т р у — рўпара, юзма-юз.

<sup>5</sup> С а ъ б — қаттик.

<sup>6</sup> М у х л и к — ҳалок қилувчи.

Сочининг савдоси<sup>1</sup> тушти бошима бошдин<sup>2</sup> яна,  
Тийра<sup>3</sup> бўлди рўзгорим<sup>4</sup> ул қаро қондин яна.

Мен худ<sup>5</sup> ул тифли<sup>6</sup> паривашга<sup>7</sup> кўнгул бердим,  
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна. вале<sup>8</sup>,

Юз ямонлиғ кўруб ондин, телба бўлдунг,  
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна. эй кўнгул,

Тош урар атфол<sup>9</sup> мени, уйида фориг<sup>10</sup> ул пари,  
Телбалардек кичкирурмен ҳар замон тошдин<sup>11</sup> яна.

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,  
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

<sup>1</sup> **Савдо** — фикр, ташвиш, хаёл.

<sup>2</sup> **Бошдин** — қайта бошдан, қайтадан.

<sup>3</sup> **Тийра** — қоронғи.

<sup>4</sup> **Рўзгор** — ҳаёт.

<sup>5</sup> **Худ** — ўзим; ўз; ҳам.

<sup>6</sup> **Тифл** — ёш.

<sup>7</sup> **Париваш** — парисимон.

<sup>8</sup> **Вале** — аммо, лекин, бироқ.

<sup>9</sup> **Атфол** — болалар.

<sup>10</sup> **Фориг** — хотиржам, бамайлихотир.

<sup>11</sup> **Тош** — 1. Маълум қаттиқ жисм. 2. Ташқари.

Кўзумда муттасил<sup>1</sup> ул эгма қош керак бўлса,  
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш<sup>2</sup> керак бўлса.

Сужуд<sup>3</sup> вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз —  
Ки, бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб<sup>4</sup> ишқида бошдин кеч, эй қўнгул, йўқ эса\*,  
Бу йўлга қўйма оёқ, санга бош керак бўлса.

Қўюб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,  
Бошига туфроқу оғзига тош, керак бўлса!

Сенинг била бори эл нохуш<sup>6</sup> ўлса, эй Бобур,  
Не бўлғуси санга ул ёри хуш керак бўлса?

<sup>1</sup> **М у т т а с и л** — хамиша, доим.

<sup>2</sup> **Қ у ё ш** — мажозан: сулув, гўзал қиз.

<sup>3</sup> **С у ж у д** — сажда.

<sup>4</sup> **Ҳ а б и б** — дўст, суюкли киши.

<sup>5</sup> **Л аъ л** — мажозан: лаб.

<sup>6</sup> **Н о х у ш** — мурасасиз, ёқтирмаслик; шод эмас.

\* **Й ў қ э с а** — ҳозир ҳам ўзбек тилида фаол киритма: кўпроқ “йўқса”, “йўмаса” шаклида ишлатилади.

Ким кўрар хуршидни<sup>1</sup> — ул моҳ сиймо<sup>2</sup> бўлмаса?!  
Ким сўрар шакарни — ул лаъли шакархо<sup>3</sup>  
бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йирок,  
Сарв ўктур бағрима ул сарви боло<sup>4</sup> бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони<sup>5</sup>, эй зоҳид\*, нетай мен зорким,  
Истарам кўйидин<sup>6</sup> ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймағил девона кўнглумники, расво бўлма деб,  
Ошиқ ўлғайму эди ул телба, расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг,  
Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо<sup>7</sup> бўлмаса.

---

<sup>1</sup> **Хуршид** — куёш.

<sup>2</sup> **Моҳ** — ой.

<sup>3</sup> **Лаъли шакархо** — шакарчайнар лаб, ширинсўз лаб.

<sup>4</sup> **Боло** — баланд, юксак. **Сарви боло** — бўйчан сарв (сулудан киноя).

<sup>5</sup> **Маъво** — макон, манзил.

<sup>6</sup> **Кўй** — манзил, макон.

<sup>7</sup> **Қатъо** — мутлақо, қатъиян.

<sup>8</sup> **Жаннат ул-маъво** — беҳишт сифатларидан бири. **Зоҳид** — ҳар қандай динда узлуксиз ибодатда бўлгузчи диндор. Тасаввуф таълимоти “зуҳд” ва “зоҳидлик”дан бошланган.



Жонима ўт солди ул рухсораи<sup>1</sup> зебо<sup>2</sup> яна,  
Кўнглума ул зулф<sup>3</sup> бўлди мояи<sup>4</sup> савдо<sup>5</sup> яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул парипайкар<sup>6</sup> манга,  
Жону кўнглумни килибтур волаю<sup>7</sup> шайдо яна.

Ёр кўйиндаги том, сенсен менга пушту<sup>8</sup> паноҳ<sup>9</sup>,  
Соия лутфунгни сол, чун санга келдим тояна.

Шодлиғнию фароватни кўюб, ошик бўлуб,  
Мехнату ғамни килибмен ўзума пайдо яна.

Ёрга кулмен дегаҷ, Бобурни расво айлади,  
Тенгри мендек бандасини<sup>10</sup> килмасун расво яна.

---

<sup>1</sup> **Рухсора** — юз, чехра.

<sup>2</sup> **Зебо** — сулув, гўзал, чиройли.

<sup>3</sup> **Зулф** — гажак.

<sup>4</sup> **Моя** — манбаъ.

<sup>5</sup> **Савдо** — шайдолик.

<sup>6</sup> **Парипайкар** — пари сумбат, пари танли.

<sup>7</sup> **Вола** — ўта мафтун.

<sup>8</sup> **Пушт** — орқа.

<sup>9</sup> **Паноҳ** — химоя.

<sup>10</sup> **Банда** — кул.



Ўлум уйқусиға бориб, жаҳондин бўлдум осуда<sup>1</sup>,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ<sup>2</sup>, билгайсиз,  
Эрур жангу жадал<sup>3</sup>, ранжу<sup>4</sup> риёзат<sup>5</sup> — барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор —  
Ки, бир дам<sup>6</sup> ғам емакка арзимас дунёи фарсуда<sup>7</sup>.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилгайму  
Сенингдек дардпаймою<sup>8</sup> менингдек дардпаймуда?<sup>9</sup>

Улусдин<sup>10</sup> тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае<sup>11</sup>,  
Магар ўлсам, бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда. Бобур,

<sup>1</sup> **О с у д а** — тинчиган, хотиржам.

<sup>2</sup> **Т а ҳ қ и қ** — ҳақиқатни аниқлаш.

<sup>3</sup> **Ж а д а л** — 1. Жанжал. 2. Тезкорлик.

<sup>4</sup> **Р а н ж** — қийналиш, азоб.

<sup>5</sup> **Р и ё з а т** — машаққат.

<sup>6</sup> **Д а м** — лаҳза.

<sup>7</sup> **Ф а р с у д а** — чирик, эски.

<sup>8</sup> **Д а р д п а й м о** — дард чеккан.

<sup>9</sup> **Д а р д п а й м у д а** — азобларни бондан кечирган.

<sup>10</sup> **У л у с** — эл, халқ.

<sup>11</sup> **Л а ҳ з а е** — бирор лаҳза, бир лаҳза.

Хатинг<sup>1</sup> аро узоринг<sup>2</sup> сабза ичинда лола,  
Ул чашми<sup>1</sup> пурхуморинг<sup>4</sup> лоладаги ғазола<sup>5</sup>.

Барча парилар, эй жон, гирдингда<sup>6</sup> зору хайрон,  
Гўё эрур намоён<sup>7</sup> ой теграсида<sup>8</sup> ҳола<sup>9</sup>.

Меҳру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендин авёр<sup>10</sup>,  
Жавру жафони бисёр<sup>11</sup> қилдинг манга ҳавола<sup>12</sup>.

Ҳажрингда, эй парирў<sup>13</sup>, кўзумдин учти уйку,  
Ҳар кеча тонгға дегру<sup>14</sup> ишимдур оху нола.

Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки, ҳар тараф бор,  
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.

<sup>1</sup> **Х а т (т)** — лаб узра майин туклар.

<sup>2</sup> **У з о р** — юз, чехра.

<sup>3</sup> **Ч а ш м** — кўз.

<sup>4</sup> **П у р х у м о р** — хумор-хумор, шахло.

<sup>5</sup> **Ғ а з о л а** — лола гули ичидаги қорамтирлик.

<sup>6</sup> **Г и р д** — атроф.

<sup>7</sup> **Н а м о ё н** — кўриниб турган.

<sup>8</sup> **Т е г р а** — теварак, атроф.

<sup>9</sup> **Ҳ о л а** — Ой атрофидаги нурли гардиш; айлана.

<sup>10</sup> **А в ё р** — рақиблар, ётлар. “Ғайр”нинг кўплиги.

<sup>11</sup> **Б и с ё р** — кўп.

<sup>12</sup> **Ҳ а в о л а** — қилмоқ, ўтказмоқ.

<sup>13</sup> **П а р и р ў** — пари юзли.

<sup>14</sup> **Д е г р у (тегру)** — кадар, -гача.





Хажр<sup>1</sup> ўлтурди мени, англасам эрди мунча,  
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо<sup>2</sup>, дўзах ўтидин мени не кўрқутасен?  
Хажр ўти қошинда<sup>3</sup> кўрмасмен ани учқунча.

Ул куёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,  
Кавкаби<sup>4</sup> ашк тўкуб, бўлсам агар гардунча<sup>5</sup>.

Хуснда ортук агар бўлса юзи Лайлидин,  
Мен тақи<sup>6</sup> бормен анинг ишқида юз Мажнунча!<sup>\*</sup>

Риндлар<sup>7</sup> оллида ҳайвон суйини<sup>8</sup> кўп ўкасен<sup>\*</sup>,  
Эй Хизр<sup>\*</sup>, борму экин ул сув майи гулгунча?<sup>9</sup>

Бобуро, шеърингга гар солса кулок ул шоҳинг,  
Бўлғусидур сўзунга кадр дурри макнунча!<sup>10</sup>

<sup>1</sup> **Хажр** — айрилик.

<sup>2</sup> **Зоҳидо** — эй зоҳид!

<sup>3</sup> **Қошинда** — нисбатан, киёсан.

<sup>4</sup> **Кавкаб** — юлдуз.

<sup>5</sup> **Гардун** — фалак, осмон.

<sup>6</sup> **Тақи** — ҳам.

<sup>7</sup> **Ринд** — хушвақт, май ичувчи доно киши.

<sup>8</sup> **Ҳайвон суйи** — обихаёт, тириклик суви.

<sup>9</sup> **Гулгун** — гулранг, алвон тусли.

<sup>10</sup> **Дурри макнун** — энг кимматбаҳо гавҳар.

<sup>\*</sup> **Лайли ва Мажнун** — таниқли бадийий образлар. **Хизр** — Куръонда билвосита зикр этилган пайғамбар. **Ўкасен** — тўғрироғи “ўгасен”, яъни “мақтайсан, мақтаб таърифлайсан”. Ўғиз туркларига хос феъл номи. (*Масъул муҳаррир*).



Қошию қаддию оғзин ул мох<sup>1</sup>  
Кўрсатмаса манга, найлайн<sup>2</sup>, ох!

Тутгум сочини юзун кўрай деб,  
Тун узуну мен ғариб гумрох<sup>3</sup>.

Қадди била икки зулфу овзи  
Жонимға бало бўлубтур, Оллоҳ!

Хоҳ иста кўнгулни, хоҳ қавла<sup>\*</sup>,  
Чун сенсен бу кўнгулга дилхоҳ<sup>4</sup>.

Эл билмаса холатим, билур ёр,  
Ҳолимдин эрур Худой огоҳ.

Кобул<sup>\*</sup> сори гар азимат<sup>5</sup> этсанг,  
Қурбон қилай ўзни санга, эй шох!

Бобур, яна ўтлуқ оҳ чектинг,  
Куйдурмасун элни охи ногоҳ!<sup>6</sup>

<sup>1</sup> **М о х** — ой. Мажозан: севикли ёр.

<sup>2</sup> **Н а й л а й н** — нима қилай?

<sup>3</sup> **Г у м р о х** — йўлини йўқотган, адашган йўловчи.

<sup>4</sup> **Д и л х о х** — сеvimли, кўнгил тилагани.

<sup>5</sup> **А з и м а т** — йўлга тушмоқ.

<sup>6</sup> **О х и н о г о х** — беихтиёр оҳ тортиш.

\* **Қ а в л а м о қ** — қувламоқ, қувиб солмоқ, хайдаб юбормоқ. Зарафшон водийси лаҳжасида ҳозир ҳам шу шаклда ишлатилади. **К о б у л** — Захириддин Мухаммад Бобур тақдиридаги муҳим шаҳар. Афғонистон пойтахти. Таржимаи ҳолга оид мисрадан Бобур айнан кимга мурожаат этаётгани бирданга англашилмайди. **Ш о х** — аёл ҳам, эркак ҳам бўлиши мумкин. (*Масъул муҳаррир*).



Хатинг<sup>1</sup> парвона\* келтургач, тирилди ушбу девона,  
Ани тиргузмак учун гўйе келтурди парвона\*.

Куёптек юзунгу дурдек тишингнинг хажрида<sup>2</sup>,  
Кўзумнинг ёшидур юз қатраю ҳар қатра — эй жон,  
Дурдона<sup>3</sup>.

Қадинг кўрсатмадинг, бир тори<sup>4</sup> сочингдин юбор  
Иноят<sup>5</sup> тўғри гар йўқтур, не бўлди бўлса тўлғона?  
пинҳон,

Анинг усрук<sup>6</sup> кўзидин борди чун диним уйи  
Барбод<sup>7</sup>,  
Мену, эй дўстлар, мундин нари май бирла  
майхона\*.

Жамолинг шамъи\* хижронида Бобур ўртаниб  
Қачон бошингдин эврулгай<sup>8</sup> келиб  
борди,  
парвонадек\* ёна?

<sup>1</sup> **Х а т** — мактуб.

<sup>2</sup> **Ҳ а ж р и д а** — айрилигида.

<sup>3</sup> **Д у р д о н а** — гавҳар.

<sup>4</sup> **Т о р и** — толаси.

<sup>5</sup> **И н о я т** — лутф-марҳамат, илтифот.

<sup>6</sup> **У с р у к** — маст, хумор, шахло.

<sup>7</sup> **Б а р б о д** — елга кетди.

<sup>8</sup> **Э в р у л г а й** — айланиб ўргилади.

\* **П а р в о н а** — 1. "Парвоначи"нинг қисқарган шакли; сарой амалдори. 2. Фармон. 3. Зимистонда чироқ ёздуси теварагида айланувчи хашаротлар. **М а й х о н а** — ўз маъносида. **Ж а м о л и н г ш а м ъ и** — форс-тожикча "шамъи жамол"-нинг туркона шакли.



Бўлмадим умрумда бир дам хотири<sup>1</sup> хуррам<sup>2</sup> била,  
Гар иликтин<sup>3</sup> келса, бир дамни<sup>4</sup> кечурманг  
гам била.

Неча бўлғай ёр хижронию<sup>5</sup> даврон<sup>6</sup> меҳнати<sup>7</sup>,  
Нақди умрум, охким, ўтти ғаму мотам била.

Зохир<sup>8</sup> ўлғай ҳар нафас бир тун сочингнинг  
хажрида  
Ўтлук охим дуд<sup>9</sup> янглиғ чикса печу хам<sup>10</sup> била.

Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,  
Ихтилот<sup>11</sup> этмак манга ёқмас бани Одам<sup>12</sup> била.

Қатъ<sup>13</sup> этиб Бобур боридин чун санга келтурди юз,  
Бок эмас<sup>14</sup> якрўй<sup>15</sup> бўлса жумлаи олам била.

<sup>1</sup> **Хотир** — кўнгил, таъб.

<sup>2</sup> **Хуррам** — шод.

<sup>3</sup> **Илик** — қўл.

<sup>4</sup> **Дам** — лаҳза, нафас.

<sup>5</sup> **Хижрон** — айрилик.

<sup>6</sup> **Даврон** — замон.

<sup>7</sup> **Меҳнат** — азоб, машаққат.

<sup>8</sup> **Зохир** — кўриниш.

<sup>9</sup> **Дуд** — тутун.

<sup>10</sup> **Печу хам** — буралиб-буралиб.

<sup>11</sup> **Ихтилот** — муомала, аралашув.

<sup>12</sup> **Бани Одам** — инсон фарзанди. Одам Ато насли.

<sup>13</sup> **Қатъ** — узоқ, чекмоқ.

<sup>14</sup> **Бок эмас** — ҳечқиси йўқ.

<sup>15</sup> **Якрўй** — узил-кесил, бирёқлик.

Неча расво бўлмаен ишк ичра шайдолиғ била?  
Ҳеч киши кўрмайдурур ошик бу расволиғ била.

Ҳар нечаким туттум ўзни порсолиғ<sup>1</sup> таврида<sup>2</sup>,  
Бўлдум охир шухраи<sup>3</sup> офок<sup>4</sup> шайдолиғ била.

Менки ҳижронингда қон ютмоқ била муътодмен<sup>5</sup>,  
Манга йўқтур ҳеч нисбат айшу саҳболиғ<sup>6</sup> била.

Шайх шеърим манъ этар етмай баловат<sup>7</sup> лутфиға,  
Найлагай, ё Раб<sup>8</sup>, киши бу пири<sup>9</sup> ноболиғ<sup>10</sup> била?!<sup>1</sup>

Бобури бедилни<sup>11</sup> ишқи телбаратса, не ажаб,  
Чунки ҳаргиз рост<sup>12</sup> келмас ишк донолиғ била.

<sup>1</sup> **Порсолиғ** — пархезгорлик, такводорлик.

<sup>2</sup> **Тавр** — йўсин, одат, расм.

<sup>3</sup> **Шухра(т)** — машхур.

<sup>4</sup> **Офок** — дунё, жаҳон.

<sup>5</sup> **Муътод** — одатланган.

<sup>6</sup> **Саҳбо** — қизил май.

<sup>7</sup> **Баловат** — маҳорат.

<sup>8</sup> **Раб(б)** — Оллоҳ.

<sup>9</sup> **Пир** — кекса.

<sup>10</sup> **Ноболиғ** — камолга етмаган.

<sup>11</sup> **Бедил** — ошик, шайдо.

<sup>12</sup> **Рост** — тўғри.

Качон бўлгай мушарраф<sup>1</sup> бўлмаен, жоно,  
жамолингга?  
Кутулгаймен фирокингдин<sup>2</sup>, етишгаймен  
висолингга!

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор  
ул кўздин,  
Лаб очқил сўргаликим, ташна<sup>3</sup> бўлмишмен  
зулолингга .

Ул ойнинг юзи бирла тўш<sup>4</sup> бўлуб,  
даъвойи хусн эттинг,  
Яқин<sup>5</sup> бўлди бу кунким, эй қуёш,  
еттинг заволингга<sup>6</sup>.

Кабутар, элтасен хаттим, не бўлгай гар  
кабул этсанг,  
Кўнгулни бовласам ул нома<sup>7</sup> янглиғ парру  
болингга<sup>8</sup>.

Белингдинким, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,  
Умидим борки Бобурдин етишгаймен хаёлингга.

<sup>1</sup> **Мушарраф** — муяссар, эришмоқ.

<sup>2</sup> **Фирок** — жудолик, айрилик.

<sup>3</sup> **Ташна** — чанқоқ.

<sup>4</sup> **Тўш** — юзлашмоқ.

<sup>5</sup> **Яқин** — аниқ, мукаррар.

<sup>6</sup> **Завол** — ҳалокат.

<sup>7</sup> **Нома** — мактуб.

<sup>8</sup> **Бол** — қанот.

\* **Зулол** — тиниқ салқин сув. Севикли ёр жамолидан киноя.

Сокий, эрур ишрат<sup>1</sup> чоги, афсурда<sup>2</sup> бўлма дай<sup>3</sup>била,  
Ўттек чоғир<sup>4</sup> келтур, доғи<sup>5</sup> сухбат тутошур  
май била.

Келтур шароби нобни<sup>6</sup>, омода қил асбобни,  
Хуш тут шаби<sup>8</sup> махтобни<sup>9</sup>, чун бордур ул ой била<sup>10</sup>.

Даврон ғамин барбод қил<sup>11</sup>, ишрат уйин обод қил,  
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Мажлисда<sup>12</sup> бордур сар-басар<sup>13</sup> май нашъасидин  
шўру шар<sup>14</sup>,  
Борини масту беҳабар қил жоми пайдарпай<sup>15</sup> била.

Ҳамдард ёре қониким<sup>16</sup>, бир ғамгусоре<sup>17</sup> қониким,  
Абри баҳори<sup>18</sup> қониким, Бобур киби йиғлай била.

<sup>1</sup> И ш р а т — кайф-сафо.

<sup>2</sup> А ф с у р д а — эзилган, сўлғин.

<sup>3</sup> Д а й — қишнинг қаҳратон ойи.

<sup>4</sup> Ч о ғ и р — май, мусаллас.

<sup>5</sup> Д о ғ и — ҳамда, ва, ҳам.

<sup>6</sup> Н о б — тоза.

<sup>7</sup> О м о д а — тайёрламок, хозирламок.

<sup>8</sup> Ш а б — кеча, тун.

<sup>9</sup> М а х т о б — ойдин.

<sup>10</sup> Б и л а — бирга, биргаликда.

<sup>11</sup> Б а р б о д қ и л — совур, елга бер.

<sup>12</sup> М а ж л и с — базм.

<sup>13</sup> С а р - б а с а р — буткул, бошдан-оёқ.

<sup>14</sup> Ш ў р у ш а р (р) — ғавво, тўполон; фитнес-фасод.

<sup>15</sup> П а й д а р п а й — узлуксиз.

<sup>16</sup> Қ о н и — қани?

<sup>17</sup> Ғ а м г у с о р — ғамхўр.

<sup>18</sup> А б р и б а ҳ о р — баҳорги булут.



Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,  
Шоду хуррам бўлмағай Наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг<sup>1</sup> аёғидин<sup>2</sup> дамодам қон ютар,  
Нашъа<sup>3</sup> топмас, гар ичар ҳар давр жоми  
Жам<sup>4</sup> била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг  
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал<sup>5</sup> олам била.

Сендин айру<sup>6</sup> найлагаймен ийд ила Наврўзни,  
Ою йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била<sup>7</sup>.

Тортиб афғон<sup>8</sup>, ох уруб хижронда<sup>9</sup>,  
Бобур, йиғласанг,  
Навха<sup>10</sup> тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам<sup>11</sup> била.

<sup>1</sup> Д а в р о н — замон.

<sup>2</sup> А ё р — қадах.

<sup>3</sup> Н а ш ъ а — кайф.

<sup>4</sup> Ж о м и Ж а м — Жамшид жоми.

<sup>5</sup> Б а л — балки.

<sup>6</sup> А й р у — айриликда.

<sup>7</sup> Б и л а — бирга.

<sup>8</sup> А ф ў н — фиғон, фарёд.

<sup>9</sup> Х и ж р о н — айрилик.

<sup>10</sup> Н а в х а — йиғи.

<sup>11</sup> З е р у б а м — мусикадаги паст ва баланд товуш.





Гурбатка<sup>1</sup> солди чарх<sup>2</sup> мени юз жафо била,  
Ёд айла мен ғарибни гохи дуо била.

Бехад<sup>3</sup> вафою мехр санга кўрсатиб эдим,  
Сен хам соғинғасен<sup>4</sup> мени мехру вафо била.

Чун қилди мени ул бути<sup>5</sup> Чин<sup>6</sup> зору мубтало,  
Ишим менинг қолибтурур эмди Худо била.

Кўрмон фарахни<sup>7</sup> бир дам агар андин айрумен,  
Билмон аламини, бормен анинг бирла то била.

Ул сарвға<sup>8</sup> карам қилибон еткур, эй сабо<sup>9</sup>,  
Бобур ниёзини<sup>10</sup> ер ўпуб хўб адо<sup>11</sup> била.

<sup>1</sup> **Гурбат** — ғариблик, бошқа юрда яшаш.

<sup>2</sup> **Чарх** — фалак.

<sup>3</sup> **Бехад** — кўп, чексиз.

<sup>4</sup> **Соғинғасен** — эслагин.

<sup>5</sup> **Бут** — санам.

<sup>6</sup> **Чин** — Хитой.

<sup>7</sup> **Фарах** — шодлик.

<sup>8</sup> **Сарв** — мажозан: сарвбўйлик қиз.

<sup>9</sup> **Сабо** — тонг ели.

<sup>10</sup> **Ниёз** — ўтинч, ялиниш.

<sup>11</sup> **Адо** — ифода, талаффуз.



Хуш улким, ёрдин катъ<sup>1</sup> айлабон тарки диёр этса,  
Жахон кезмак ила бекайдлиғни<sup>2</sup> ихтиёр этса.

Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо:  
Агар бу дахри дун<sup>3</sup> хор айласа, гар эътибор<sup>4</sup> этса!

Жафодур жонға бўлмоғлиғ муқайяд<sup>5</sup> олам аҳлиға,  
Хуш ул озодаким<sup>6</sup>, элнинг аросидин канор<sup>7</sup> этса!

Кишининг жониға душман, балодур бошиға бу эл,  
Агар бошин туфайл<sup>8</sup> айлаб ва гар жонин  
нисор<sup>9</sup> этса!

Диёру ёрдин Бобур жафою жавр кўп кўрди,  
Хуш улким, ёрдин катъ айлабон тарки диёр этса\*.

<sup>1</sup> **К а т ь** — кечмоқ, воз кечмоқ.

<sup>2</sup> **Б е к а й д л и ғ** — бошвоксизлик.

<sup>3</sup> **Д а х р и д у н** — тубан дунё.

<sup>4</sup> **Э ь т и б о р** — азиз, мухтарам.

<sup>5</sup> **М у қ а й я д** — боғланиб қолиш.

<sup>6</sup> **О з о д а** — эркин.

<sup>7</sup> **К а н о р** — чет, чекка.

<sup>8</sup> **Т у ф а й л** — восита.

<sup>9</sup> **Н и с о р** — сочмоқ, чочмоқ.

\* Ҳазал матлаъси биринчи ва мактаъси охирги мисраси айнан бир хил бўлиши Бобур шеърятада камдан-кам учрайдиган радди матлаъ (матлани такрорлаш) санъатидир. (*Масъул муҳаррир*).



Улки, манга ёри дилнавоз<sup>1</sup> кўрунди,  
Жаврни кўрсатти: кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида<sup>2</sup> охир,  
Гарчи бурун асру<sup>3</sup> сарафроз<sup>4</sup> кўрунди.

Сенинг учун улки, бош ўйнамади<sup>5</sup> ҳеч,  
Санга ажойибки, ишқбоз<sup>6</sup> кўрунди.

Ишқ борида салоҳу<sup>7</sup> тавбаю тақво —  
Борчаси, таҳқиқ<sup>8</sup> бил, мажоз кўрунди.

Душмани жон ўлди, не қилай, санга, Бобур,  
Улки, манга ёри дилнавоз кўрунди\*.



<sup>1</sup> Д и л н а в о з — кўнгил овловчи, ёкимли.

<sup>2</sup> П о й б ў с — айнан: оёқ ўпиш; таъзим

<sup>3</sup> А с р у — жуда.

<sup>4</sup> С а р а ф р о з — улуғвор.

<sup>5</sup> Б о ш ў й н а м о қ — йўлида жон фидо қилмоқ.

<sup>6</sup> И ш қ и б о з — ошиқ.

<sup>7</sup> С а л о ҳ — тўғрилиқ.

<sup>8</sup> Т а ҳ қ и қ — хақиқатан.

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби,  
Не гулистон ичра гул бор ул рухи<sup>1</sup> зебо<sup>2</sup> киби.

Не жафо таврида<sup>3</sup> бор дунёда ул бемехрдек<sup>4</sup>,  
Не вафо бобида<sup>5</sup> бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи Масихосо<sup>6</sup> лабининг устида,  
Нотавон<sup>7</sup> жонимга бўлди мояи<sup>8</sup> савдо<sup>9</sup> киби.

Айласам кўйида маъво<sup>10</sup>, найлайн жаннатником,  
Бор манга ул ҳур кўйи жаннат ул-маъво\* киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, кон ичмакдурур,  
Сокие, гар бўлмаса ул шўхи базморо<sup>11</sup> киби.

Минса абраш<sup>12</sup> ул қуёш, куймай нетайким, Бобуро,  
Мени куйдурмакка едур маркаб<sup>13</sup>, ўтдур рокиби<sup>14</sup>.

<sup>1</sup> **Р у х** — юз, чехра.

<sup>2</sup> **З е б о** — сулув, гўзал.

<sup>3</sup> **Т а в р** — йўсин.

<sup>4</sup> **Б е м е х р** — меҳрсиз.

<sup>5</sup> **Б о б и д а** — хусусида, соҳасида.

<sup>6</sup> **М а с и х о с о** — Исо Масих каби.

<sup>7</sup> **Н о т а в о н** — мадорсиз.

<sup>8</sup> **М о я** — манбаъ.

<sup>9</sup> **С а в д о** — телбалик, иштиёқ.

<sup>10</sup> **М аъ в о** — мақол, маскан.





<sup>11</sup> **Б а з м о р о** — базм кўрки.

<sup>12</sup> **А б р а ш** — от (ҳайвон).

<sup>13</sup> **М а р к а б** — улов.

<sup>14</sup> **Р о к и б** — сувори.

\* **Ж а н н а т** ул-маъво — беҳишт.

Қади шохи<sup>1</sup> гулдек нигорим қани?  
Лаби ғунчадек гулъузорим<sup>2</sup> қани?

Не тонг<sup>3</sup>, юз нигор<sup>4</sup> ўлса қон ёш била —  
Ки, ул юзи гул ёш нигорим қани?

Қаро кечаларда кўзум ёрутур,  
Ўшал шамъи шабҳои<sup>5</sup> торим<sup>6</sup> қани?

Ярим кечалар келур эрди бурун,  
Бу тун келмади, ох, ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,  
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Фироқингда<sup>7</sup> қўнглумни қон айласанг,  
Санга бўлғай ул бекарорим қани?

---

<sup>1</sup> **Ш о х** — тул, ниҳол.

<sup>2</sup> **Г у л ъ у з о р** — гул юзли.

<sup>3</sup> **Т о н г** — ажаб; **н е т о н г** — не ажаб, ажаб эмас.

<sup>4</sup> **Н и г о р** — бўёк; **н и г о р ў л с а** — бўялса.

<sup>5</sup> **Ш а б ҳ о** — кечалари.

<sup>6</sup> **Т о р** — қоронғи.

<sup>7</sup> **Ф и р о қ** — айрилик.

Шоми ҳижронин<sup>1</sup> манга ул бевафо кўрсатмагай,  
Ҳажр<sup>2</sup> шоми асру<sup>3</sup> мухликтур<sup>4</sup>, Худо кўрсатмагай!

Ваъда айлаб васл<sup>5</sup>, кўрсатгай неча жонимға хажр,  
Неча кўнглумға жафо килғай, вафо кўрсатмагай.

Ул каро кўз хажрида тундек қарорди<sup>6</sup> кундузум,  
Ё Раб<sup>7</sup>, андоқ кунни ул кўзи каро кўрсатмагай!

Очмағай кўзини то сўкмакка оғзин очмағай,  
Юзини кўрсатмагай то юз жафо кўрсатмагай.

Ишк истар бўлса, Мажнун\* айлағай пайравлиғим<sup>8</sup>,  
Йўлни не билгай киши то раҳнамо<sup>9</sup> кўрсатмагай.

Учқудекдур жон куши ҳижронда Бобур оҳидин,  
Кел, пари, таъжил<sup>10</sup> ила жоним ҳаво кўрсатмагай\*.

<sup>1</sup> **Ҳ и ж р о н** – айрилик.

<sup>2</sup> **Ҳ а ж р** – айрилик.

<sup>3</sup> **А с р у** – жуда, роса.

<sup>4</sup> **М у х л и к** – ҳалок этувчи.

<sup>5</sup> **В а с л** – учрашув.

<sup>6</sup> **Қ а р о р д и** – қорайди.

<sup>7</sup> **Р а б (б)** – Оллоҳ.

<sup>8</sup> **П а й р а в** – издош.

<sup>9</sup> **Р а ҳ н а м о** – йўл кўрсатувчи, йўлбошчи.

<sup>10</sup> **Т а ъ ж и л** – тез, шошилиш.

\* **М а ж н у н** – ўрта асрларга ҳос бадиий образ. **Ҳ а в о кўрсатмагай** – мисрадан “жон кушим учиб кетмагай” маъноси англашилади.

Юз кўрсатиб, ўлтурурсен, эй ой,  
Йўк сен киби худнамою<sup>1</sup> худрой<sup>2</sup>.

Каддинг “алиф”у, қошинг эрур “ё”,  
Десам, не ажаб, агар сени ой?

Хам лола юзунг қошида беранг<sup>3</sup>,  
Хам сарв қадинг борида бепой<sup>4</sup>.

Ўқунг юрагимда жо килибтур<sup>5</sup>,  
Тортиб яна, ўқни қилма бежой.

Сендин манга юз хазор<sup>6</sup> ҳасрат,  
Сендин манга борму ҳеч парвой?

Ул ёр агар ёшурса юз, оҳ,  
Авёрга<sup>7</sup> гар кўрунса — юз вой!

Кулмас манга субҳи<sup>8</sup> васл, Бобур,  
Хар нечаки шоми ҳажр<sup>9</sup> йиғлой.

<sup>1</sup> **Х у д н а м о** — шухратпараст.

<sup>2</sup> **Х у д р о й** — ўжар, кайсар.

<sup>3</sup> **Б е р а н г** — туссия.

<sup>4</sup> **Б е п о й** — оёқсиз; юра олмайдиган.

<sup>5</sup> **Ж о к и л и б д у р** — жойлашган.

<sup>6</sup> **Х а з о р** — минг.

<sup>7</sup> **А в ё р** — рақиб, ёт.

<sup>8</sup> **С у б ҳ** — тонг, эрталаб.

<sup>9</sup> **Х а ж р** — айрилик.



Гунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,  
Ғам била бутган<sup>1</sup> кўнгул гулгашт<sup>2</sup> ила очилмағай.

Ранга-ранга<sup>3</sup> гулларингни, боғбон, арз<sup>4</sup> этмаким,  
Тах-батах<sup>5</sup> қонлиғ кўнгул гул орузсин қилмағай.

Йўқтур улким, гул юзунгдин айру боқсам гул сари,  
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори<sup>6</sup> ғам санчилмағай.

Оразу<sup>7</sup> қаддингни таъриф<sup>8</sup> этсалар юз йил, ҳануз,  
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса, бўлди насибим хори ғам,  
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон<sup>9</sup> айрилмағай.



<sup>1</sup> **Б у т г а н** — униб-ўсган.

<sup>2</sup> **Г у л г а ш т** — гул сайри.

<sup>3</sup> **Р а н г а-р а н г а** — ранг-баранг, ҳар хил рангдаги.

<sup>4</sup> **А р з** — кўрсатмоқ.

<sup>5</sup> **Т а х-б а т а х** — қатма-қат, қаватма-қават.





<sup>6</sup> **Х о р** — тикан.

<sup>7</sup> **О р а з** — юз, чехра.

<sup>8</sup> **Т а ъ р и ф** — мактамоқ.

<sup>9</sup> **З а м о н** — лаҳза.





Гахи софин<sup>1</sup>, не бўлди, зорларни,  
Унутмағил бурунғи ёрларни.

Сени кўрмай, йироқдин зор бўлдим,  
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор<sup>2</sup>, эй азизим,  
Киши гулдин айирмас хорларни<sup>3</sup>.

Кўзунг беморимен, мендин юмуб кўз.  
Яна оғритмағил беморларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,  
Унутма бир йўли афгорларни<sup>4</sup>.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда  
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Сиҳи<sup>5</sup> қадларға, Бобур, ошиқ ўлсанг,  
Бурунрок кўзлагайсен дорларни.

---

<sup>1</sup> **С о ф и н** — эсла, эслаб кўй.

<sup>2</sup> **Х о р** — хўрланган.

<sup>3</sup> **Х о р** — тикан.

<sup>4</sup> **А ф г о р** — эзилган.

<sup>5</sup> **С и х и** — тик, адл.

Зухд<sup>1</sup> кетти эса, карам<sup>2</sup> қилди,  
Ишк келди-ю, мухтарам<sup>3</sup> қилди.

Ул алиф бўйлуқ ойнинг ишки  
Мени олам аро алам<sup>4</sup> қилди.

Кўзию зулфу оғзи фурқатида<sup>5</sup>  
Фалак охир мени адам<sup>6</sup> қилди.

Кўнглум ўртанди ҳар дам охимдин,  
Магар ул ел бу ўтни дам қилди?<sup>7</sup>

Қоши ёлар жафосидин бу чарх  
Менинг отимға ўк рақам қилди<sup>8</sup>.

Чанги вамдин қутулмади Бобур,  
Нечаким, нола зеру<sup>9</sup> бам<sup>10</sup> қилди.

<sup>1</sup> **Зухд** — тоат-ибодат, парhezгорлик.

<sup>2</sup> **Карам** — яхшилик.

<sup>3</sup> **Мухтарам** — азиз, ҳурматли.

<sup>4</sup> **Алам** — байроқ; машхур.

<sup>5</sup> **Фурқат** — айрилиқ.

<sup>6</sup> **Адам** — йўқ, йўқлик.

<sup>7</sup> **Дам қилди** — пуфлади.

<sup>8</sup> **Рақам қилди** — ёзди.

<sup>9</sup> **Зер** — мусиқийда паст товуш (оҳанг)

<sup>10</sup> **Бам** — мусиқийда баланд товуш (оҳанг).



Ё<sup>1</sup> қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?

Ё<sup>2</sup> сочингдек тийра<sup>3</sup> бўлгон рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоён<sup>4</sup> ғамим,  
Кеча бўлса, тонгға дегру<sup>5</sup> холи зоримниму дей?

Хажри котил бирла кўнглум холатинму шарҳ этай,  
Дарди мухлик<sup>6</sup> ичра жони беқароримниму дей?

Телбаю мадхушу<sup>7</sup> бехуд, дема, ким қилди сени,  
Лаъли<sup>8</sup> майгун<sup>9</sup>, сўзи мул<sup>10</sup>,

қўзи хуморимниму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази хижронид<sup>11</sup>  
Тонгға дегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

---

<sup>1</sup> Ё – 1. Камон. 2. Эски ёзувдаги ўрдаксимон “ё” харфи.

<sup>2</sup> Ё – ёки.

<sup>3</sup> Тийра – қоронғи.

<sup>4</sup> Бепоён – поёнсиз, сўнгсиз.

<sup>5</sup> Дегру (тегру) – қадар.

<sup>6</sup> Мухлик – ҳалокатли.

<sup>7</sup> Мадхуш – беҳуш, хушсиз.

<sup>8</sup> Лаъл – мажозан: лаб.

<sup>9</sup> Майгун – майранг, алвон.

<sup>10</sup> Мул – май.

<sup>11</sup> Хижрон – айрилик.

Кўрмагай эрдим жамоли оламоро<sup>1</sup>, кошки,  
Бўлмагай эрдим бори<sup>2</sup> оламға расво, кошки.

Ишқ боғининг ниҳоли — вам, бари<sup>3</sup> —  
хирмон<sup>4</sup> эмиш,  
Қилмагай эрдим бу гулшанни тамошо, кошки.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал<sup>5</sup>, тилга ҳам  
Кечмагай эрди анингдек лафз<sup>6</sup> асло, кошки.

Қоши ёлар кўйида<sup>7</sup> умри шариф<sup>8</sup> этгунча сарф,  
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо<sup>9</sup>, кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай  
Ишқу васлу айш ила ишратгин илло<sup>10</sup>, кошки.

<sup>1</sup> О л а м о р о — олам безаги.

<sup>2</sup> Б о р и — барча, ҳамма.

<sup>3</sup> Б а р — ҳосил, самара.

<sup>4</sup> Ҳ и р м о н — маҳрумлик, бенасиблик.

<sup>5</sup> Б а л — балки.

<sup>6</sup> Л а ф з — сўз.

<sup>7</sup> К ў й — манзил.

<sup>8</sup> Ш а р и ф — азиз.

<sup>9</sup> Ж о — ўрин, манзил.

<sup>10</sup> И л л о — ўзга, бошқа.

Ёз<sup>1</sup> бўлди-ю, бўлди яна жаннат киби ёзи<sup>2</sup>,  
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай кишу ёзи.

Дутора<sup>3</sup> уни айшу фароғатни берур ёд,  
Мутрибқа<sup>4</sup> кулок тутки, не дер нағмада<sup>5</sup> сози?

Чун қиблам эрур ёр — қилай қошида сажда,  
Носих<sup>6</sup> сўзини найлай, эмас сўзи намози.

Бу телбаю мадхуш<sup>7</sup> дилу жонға не хуштур,  
Гаҳ қахру итоби<sup>8</sup> била, гаҳ ишваю нози.

Тут муғтанам<sup>9</sup> ул ёрни, Бобурки, жаҳонда  
Маҳмуд<sup>10</sup> ким эрди, не киши эрди Аёзи?<sup>11</sup>

---

<sup>1</sup> Ё з — баҳор.

<sup>2</sup> Ё з и — дашт, чўл.

<sup>3</sup> Д у т о р а — дутор.

<sup>4</sup> М у т р и б — чолғучи.

<sup>5</sup> Н а г м а — куй, оҳанг.

<sup>6</sup> Н о с и х — насиҳатчи.

<sup>7</sup> М а д х у ш — беҳуш.

<sup>8</sup> И т о б — ғазаб.

<sup>9</sup> М у г т а н а м — ғанимат.

<sup>10</sup> М а х м у д — Султон Маҳмуд Ғазнавий, машхур подшоҳ.

<sup>11</sup> А ё з — Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг вазири.

Деманг ўқини танимға балои жон келди,  
Хаётсиз баданимға ўқи равон<sup>1</sup> келди.

Хаёт суйини қўйким, лабидин олдим ком<sup>2</sup>,  
Бор, эй Хизрки, манга умри жовидон<sup>3</sup> келди.

Сипехри<sup>4</sup> қўйини<sup>5</sup> қўк эврулур<sup>6</sup> келиб ҳар кун,  
Не ердурур буки, рифъаттин<sup>7</sup> осмон келди.

Хуш улки, бир киши кўзум йўлида эрканда,  
“Севинчи!” — деб югуруб етсаким: “Фалон<sup>8</sup> келди!”

Фирок<sup>9</sup> аро ўларимда етишти ул жонон,  
Худоға шукр қилайким, ўлар замон келди.

Адам<sup>10</sup> йўлиға қўнгул кирди ишқ доғи била,  
Бу йўлдин ўтмади ҳар кимки, бенишон<sup>11</sup> келди.

Фароғат<sup>12</sup> истар эсанг, бўл жарида<sup>13</sup>, эй Бобур —  
Ки, жону танға ғаму ғусса хонумон<sup>14</sup> келди.

<sup>1</sup> **Равон** — жон; қон.

<sup>2</sup> **Ком** — исталган нарса.

<sup>3</sup> **Жовидон** — мангулик, абадий.

<sup>4</sup> **Сипехр** — осмон.

<sup>5</sup> **Қўй** — манзил.

<sup>6</sup> **Эврулур** — айланади.

<sup>7</sup> **Рифъат** — юксаклик.

<sup>8</sup> **Фалон** — фалончи.

<sup>9</sup> **Фирок** — айрилик.

<sup>10</sup> **Адам** — йўқлик.

<sup>11</sup> **Бенишон** — белгисиз, нишонсиз.

<sup>12</sup> **Фароғат** — эмин-эркинлик.

<sup>13</sup> **Жарида** — бўйдоқ.

<sup>14</sup> **Хонумон** — оила.

Бошда гар йўктур жалолат<sup>1</sup> гавҳаридин афсар<sup>2</sup>,  
Ёнима басдур<sup>1</sup> мазаллат<sup>4</sup> туфроғидин бистаре<sup>3</sup>.

Киргали кўксум аро кўнглум иши куймакдурур,  
Мен нечук куймайки, кўксум ичра бордур ахгаре<sup>6</sup>.

Сабру хушу ақлу динимни олибтур, найлайин,  
Сарвқадде, гулрухе<sup>7</sup>, райхонхате<sup>8</sup>, насринбаре<sup>9</sup>.

Кирпикидек ханжарин эл кўксига кўрган замон,  
Кўзума ҳар киприкин, ё Рабки, қилғил ханжаре!

Абрашини<sup>10</sup> елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,  
Оҳким, умрум дарахтини йиқитти сарсаре<sup>11</sup>.

Ганжи ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин<sup>12</sup>,  
Гўйе ўт солди ҳар ён ганж<sup>13</sup> узра аждаре.

<sup>1</sup> **Жалолат** — буюклик, улуғлик.

<sup>2</sup> **Афсар** — тож.

<sup>3</sup> **Бас** — кифоя, етарли.

<sup>4</sup> **Мазаллат** — хорлик, хўрлик.

<sup>5</sup> **Бистар** — тўшак.

<sup>6</sup> **Ахгар** — чўғ, лаққа чўғ.

<sup>7</sup> **Гулрух** — гул юзли.

<sup>8</sup> **Хат(т)** — устки лабдаги майин туклар.

<sup>9</sup> **Насринбар** — оқбадан.

<sup>10</sup> **Абраш** — от (хайвон).

<sup>11</sup> **Сарсар** — қаттиқ шамол.

<sup>12</sup> **Ганж** — ҳазина.

<sup>13</sup> **Гулгуна** — элик.



Ҳажр шомидин менинг кон ютмоғимни ёд этинг,  
Чексангиз<sup>14</sup> ул нозанин бирла сабуҳий<sup>15</sup> соғаре<sup>16</sup>.

Ҳар нечуктур умрни, Бобур, хуш ўткармак керак —  
Ким, бу беш кун умр ғамгин бўлғали килмас гари<sup>17</sup>.



---

<sup>14</sup> **Чексангиз** — ичсангиз.

<sup>15</sup> **Сабуҳий** — тонги майхўрлик.

<sup>16</sup> **Соғар** — қадах.

<sup>17</sup> **Килмас гари** — кираси эмас, арзимайди.



Бихамдиллахки<sup>1</sup>, ул гулда<sup>2</sup> вафодин бор эмиш бўе<sup>3</sup>,  
Жафо таркин қилур эрмиш яна турки жафожўе<sup>4</sup>.

Қадам ранжа қилиб, бошимға келгайму  
дебон ул ой<sup>5</sup>,  
Тутубмен пойи деворе, қилиб маскан сари кўе<sup>6</sup>.

Сочинг белингча-ю, белинг доғи сочинг  
киби борик<sup>7</sup>,  
Латофат ичра йўк фарки бу иккининг сари мўйе<sup>8</sup>.

Муяссар бўлса, билгилким, бори оламдин ортуқдур  
Кабобею майи нобею<sup>9</sup> махтобею<sup>10</sup> махрўе<sup>11</sup>.

Эшиттим, илтифот айлаб демишсен:  
“Кимдурур Бобур?”  
Фақире, номуроде<sup>12</sup>, бесарупое<sup>13</sup>, дуогўе<sup>14</sup>.

<sup>1</sup> **Бихамдиллах** — Оллоҳга мактовлар бўлсин.

<sup>2</sup> **Гул** — бунда севимли ёр назарда тугилади.

<sup>3</sup> **Бўй** — хид, ис; заррача.

<sup>4</sup> **Турки жафожў** — жафокор гўзал.

<sup>5</sup> **Ой** — махбуба.

<sup>6</sup> **Сарикўй** — манзил боши.

<sup>7</sup> **Борик** — ингичка.

<sup>8</sup> **Саримўё** — қил учича.

<sup>9</sup> **Ноб** — тоза, тиниқ.

<sup>10</sup> **Махтоб** — ойдин.

<sup>11</sup> **Махрўй** — ой юзли.

<sup>12</sup> **Номурод** — бахтсиз.

<sup>13</sup> **Бесарупое** — бир бечора, бир бояқиш.

<sup>14</sup> **Дуогўе** — бир дуо қилувчи.

Туно кун бирла бу тун мажлиси<sup>1</sup> асру<sup>2</sup> хуш эди,  
Мажлис аҳли бори дилхоҳу<sup>3</sup> бори дилкаш эди.

Борининг сўзи эди хўбу<sup>4</sup> латифу рангин<sup>5</sup>,  
Не паришону<sup>6</sup> не бемаънию не чирмаш<sup>7</sup> эди.

Яхши май йўк эди-ю, нашъаи<sup>8</sup> май яхши эди,  
Нохуш<sup>9</sup> эл йўк эди-ю, асру хавои хуш эди.

Бори аҳбоб<sup>10</sup> эди хозир, бори асбоб эди жамъ<sup>11</sup>,  
Созу хонанда<sup>12</sup> била нуқлу<sup>13</sup> майи беғаш<sup>14</sup> эди.

Гоҳ пурханда<sup>15</sup> эди эл, баса<sup>16</sup> сархушлуктин,  
Мастлиғдин яна гоҳ эл кўзи тўла ёш эди.

<sup>1</sup> **Мажлис** — базм.

<sup>2</sup> **Асру** — жуда.

<sup>3</sup> **Дилхоҳ** — кўнгил тортадиган.

<sup>4</sup> **Хўб** — яхши.

<sup>5</sup> **Рангин** — ажойиб.

<sup>6</sup> **Паришон** — хавойи.

<sup>7</sup> **Чирмаш** — аччиқ-тизиқ.

<sup>8</sup> **Нашъа** — кайф.

<sup>9</sup> **Нохуш** — ёқимсиз.

<sup>10</sup> **Аҳбоб** — дўстлар.

<sup>11</sup> **Жамъ** — тайёр, хозирланган.

<sup>12</sup> **Хонанда** — хофиз.


<sup>13</sup> **Нуқл** — газак.

<sup>14</sup> **Беғаш** — куйкасиэ.

<sup>15</sup> **Пурханда** — кўп куладиган.

<sup>16</sup> **Баса** — жуда.





Ёз<sup>1</sup> фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишк дарди, боданинг<sup>2</sup> кайфияти.

Ёз фаслида чоғир<sup>3</sup> ичмакнинг ўзга холи бор,  
Кимга бу напъа<sup>4</sup> муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишк дардини чекиб, ҳар кимки топса васли ёр,  
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон<sup>5</sup> шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,  
То билинғай ҳар кишининг табъи<sup>6</sup> бирла ҳолати.

Ғар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,  
Мундин ортук бўлмағай, Бобур,  
жаҳоннинг ишрати<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Ё з — баҳор.

<sup>2</sup> Б о д а — май.


<sup>3</sup> Ч о ғ и р — май, мусаллас.

<sup>4</sup> Н а п ъ а — кайф.

<sup>5</sup> Ҳ и ж р о н — айрилик.

<sup>6</sup> Т а б ъ и — истеъдоди.

<sup>7</sup> И ш р а т — роҳат-фароғат.



Ул ахд ила паймон<sup>1</sup> қани, эй ёр, не бўлди?  
Ул лутф<sup>2</sup> ила эхсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени хайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:  
Ул телбаи хайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,  
Ул лутфи намоён<sup>3</sup> қани, эй ёр, не бўлди?

Сенинг сари борди кўнгул истаб топаолмон<sup>4</sup>,  
Сенинг сари борғон қани, эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,  
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳдки, Бобурни унуттунг,  
Ул ахд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?



<sup>1</sup> П а й м о н — ваъда.

<sup>2</sup> Л у т ф — мурувват.

<sup>3</sup> Н а м о ё н — очикчаси, намоийшкорона.

<sup>4</sup> Т о п а о л м о н — тополмайман.



Шукриллллах<sup>1</sup>, айш<sup>2</sup> юзланди-ю, мехнат<sup>3</sup> қолмади,  
Етти айёми висолу, шоми фурқат қолмади.

Юзланиб амну<sup>4</sup> фароват, гуссаю ғам бўлди дафъ,  
Айшу ишрат келди-ю, ранжу<sup>5</sup> машаккат қолмади.

Мехнати хижронки<sup>6</sup>, ондин чок-чок<sup>7</sup> эрди кўнгул,  
Бўлди роҳатқа мубаддал<sup>8</sup>, ул жароҳат қолмади.

Муртафеъ<sup>9</sup> бўлғонда хижрон, кел, тавакқуф<sup>10</sup>  
қилмаким,  
Интизорингни чекарга ўзга тоқат қолмади.

Васлингга еткурди даврон оқибат Бобурни, шукр,  
Эмди\* даврондин манга асло шикоят қолмади.

---

<sup>1</sup> Ш у к р и л л л а х — Оллоҳга шукур.

<sup>2</sup> А й ш — роҳат-фароват.

<sup>3</sup> М е х н а т — машаккат.

<sup>4</sup> А м н — дориломонлик.

<sup>5</sup> Р а н ж — азоб.

<sup>6</sup> Х и ж р о н — жудолик.



<sup>7</sup> Ч о к - ч о к — парча-парча.

<sup>8</sup> М у б а д д а л — алмашинган.

<sup>9</sup> М у р т а ф е ъ — бартараф.

<sup>10</sup> Т а в а қ қ у ф — тўхташ.

\* Э м д и — энди.



Яна бир кўз гамидин<sup>1</sup> хаста кўрармен ўзни,  
Яна бир зулфга вобаста<sup>2</sup> кўрармен ўзни.

Лабининг ҳасратида зор топармен жонни,  
Кўзининг фуркатида<sup>3</sup> хаста кўрармен ўзни.

Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йироқ,  
Лек<sup>4</sup>, ул ой<sup>5</sup> қошида пайваста<sup>6</sup> кўрармен ўзни.

Зулфи занжирига то бўлди кўнгул вобаста,  
Шукр, Бобур киби вораста<sup>7</sup> кўрармен ўзни.



---

<sup>1</sup> **Г а м** — иштиёк.

<sup>2</sup> **В о б а с т а** — боғлиқ, боғланган.

<sup>3</sup> **Ф у р қ а т** — айрилик.

<sup>4</sup> **Л е к** — лекин.

<sup>5</sup> **О й** — маҳбуба.

<sup>6</sup> **П а й в а с т а** — доим, ҳамisha.

<sup>7</sup> **В о р а с т а** — қутулган.



Чаманда сарвни ўлтурғузубтурур юруши,  
Қиёмате кўпорибтур от узра ўлтуруши.

Мени шикастани<sup>1</sup> қистаб, кўнгулни ғунча килур,  
Кошини четмоғи<sup>2</sup> бирла тор оғзини буруши.

Сўруб ғамимни, таажжуб килиб, лабин тишлар<sup>3</sup>,  
Не хуштурур менга ирнини<sup>4</sup> тишлабон сўруши.

Турар рақиб чиройин турш килиб<sup>5</sup> доим,  
Тили чучук санамим, яхшидурму бу туруши?

Кўрар рақибни доим, хаёл этар<sup>6</sup> мени ғайр,  
Не айлагай анга Бобурки, ғайрдур кўруши.



<sup>1</sup> Ш и к а с т — синик, синикқан.

<sup>2</sup> Ч е т м о қ — чимирмоқ.

<sup>3</sup> Л а б т и ш л а м о қ — хайронлик, таажжуб.

<sup>4</sup> И р н — лаб.

<sup>5</sup> Т у р ш к и л и б — бужмайтириб; ковок уюб.

<sup>6</sup> Х а ё л э т а р — гумон килади.





*Рубоийлар*

Жоно<sup>1</sup>, битигингки<sup>2</sup>, бўлди марқум<sup>3</sup> манга,  
Меҳнат<sup>4</sup> била ғамни қилди маъдум<sup>5</sup> манга.  
Кўргач ани гарчи шод беҳад бўлдум,  
Мазмуни, вале<sup>6</sup>, бўлмади маълум манга.

Не ишрату айш<sup>7</sup> учун майи ноб<sup>8</sup> манга,  
Не тоат учун гўшаи<sup>9</sup> меҳроб манга,  
Не фиск<sup>10</sup> килурға бордур асбоб\* манга,  
Не зоҳид ўлурға<sup>11</sup> тоқату тоб\* манга.

То бўлғали дилдор ўшал ой манга,  
Ҳолимни билиб, қилмади парвой манга.  
Мен асру\* харобу ёр кўп мустағний<sup>12</sup>,  
Эй, вой манга, вой манга, вой манга!

<sup>1</sup> **Жоно** — эй жонгинам!

<sup>2</sup> **Битик** — мактуб, хат.

<sup>3</sup> **Марқум** — ёзилган.

<sup>4</sup> **Меҳнат** — машаққат.

<sup>5</sup> **Маъдум** — махв, йўқотилган.

<sup>6</sup> **Вале** — лекин.

<sup>7</sup> **Ишрату айш** — кайфу сафо.

<sup>8</sup> **Ноб** — тоза, тиниқ.



<sup>9</sup> **Гўша** — жой, бурчак.

<sup>10</sup> **Фиск** — бузукчилик.


<sup>11</sup> **Ўлурға** — бўлишга.

<sup>12</sup> **Мустағний** — бепарво.


\* **Асбоб** — “сабаб” сўзининг кўплик шакли: сабаблар, баҳоналар. **Тоқату тоб** — бардош ва чидам. **Асру** — жуда, роса.



Хуш улки, кўзум тушги сенинг кўзунга,  
Бевосита ҳолимни десам ўзунга,  
Бермай сўзума жавоб ачигланасен,  
Қилдинг мени муҳтож чучук сўзунга.



Асру<sup>1</sup> кўп эмиш журъату химмат сизга,  
Рўзий<sup>2</sup> қилвай Худой нусрат<sup>3</sup> сизга.  
Мардоналиғингизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, ҳазор<sup>4</sup> раҳмат сизга!



То қилди мени фирок<sup>5</sup> аро ёд ҳабиб<sup>6</sup>,  
Маҳжур<sup>7</sup> кўнгулни айлади шод ҳабиб.  
Гар васл муяссар ўлмаса, нетай, эй Бобур,  
Фарёд ҳабибу, оху фарёд ҳабиб!

---

<sup>1</sup> А с р у — жуда.

<sup>2</sup> Р ў з и й — насиб.

<sup>3</sup> Н у с р а т — зафар.

<sup>4</sup> Ҳ а з о р — минг.

<sup>5</sup> Ф и р о к — айрилик.

<sup>6</sup> Ҳ а б и б — дўст.

<sup>7</sup> М а х ж у р — айрилик азобидаги.

Эй қомати сарву лаблари обихаёт,  
Будур тилагимки, — еткамен васлингга бот!<sup>1</sup>  
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот<sup>2</sup>,  
Ё кел бу сориға, ё мени ўзунгга қот!<sup>3</sup>

Келди рамазону мен тақи<sup>4</sup> бодапараст<sup>5</sup>,  
Ийд ўлди-ю, зикри, май қилурмен пайваст<sup>6</sup>  
Не рўзаю не намоз йиллар, ойлар;  
Тун-кун маю маъжун<sup>7</sup> била девоная маст.

Бўлдум мени ошуфтаи<sup>8</sup> хайрон мардуд<sup>9</sup>,  
Қилғил мададеки, бўлди имкон нобуд<sup>17</sup>  
Дунё била укбода<sup>10</sup> ружуъум<sup>11</sup> сангадур,  
Эй икки жаҳонни шаҳи Султон Махмуд!<sup>\*</sup>

<sup>1</sup> **Бот** — тез, дархол.

<sup>2</sup> **Сабот** — чидам.

<sup>3</sup> **Қот** — ёндоштир, қўшгин.

<sup>4</sup> **Тақи** — яна, ҳамон.

<sup>5</sup> **Бодапараст** — майга ўч.

<sup>6</sup> **Пайваст** — доим.

<sup>7</sup> **Маъжун** — кайф берувчи модда.

<sup>8</sup> **Ошуфта** — паришон.

<sup>9</sup> **Мардуд** — рад этилган.

<sup>10</sup> **Нобуд** — йўқолган.

<sup>11</sup> **Укбо** — боқий дунё; охират.

<sup>12</sup> **Ружуъ** — интилиш, суяниш.

\* Бобурнинг қариндоши.

Мутрибки<sup>1</sup>, унини хар киши гўш қилур<sup>2</sup>,  
Жон бирла кўнгулни зору мадхуш<sup>3</sup> қилур.  
Максуд недурки, элни ёд этганда,  
Ул доирада бизни фаромуш<sup>4</sup> қилур?

Душманники, бу дахр<sup>5</sup> забардаст<sup>6</sup> қилур,  
Нахват<sup>7</sup> майидин бир неча кун маст қилур.  
Фам емаки, еткурса бошини кўкка,  
Охир яна ер киби они паст қилур.

Кўзунг бори соғларни<sup>8</sup> маст этгусидур,  
Фамзанг<sup>9</sup> бори мастларни паст этгусидур.  
Кўп зоҳиду<sup>10</sup> порсони<sup>11</sup> Бобур янгли  
Лаълинг<sup>12</sup> ҳаваси бодапараст<sup>13</sup> этгусидур.

<sup>1</sup> **М у т р и б** — муסיқачи, чолручи.

<sup>2</sup> **Г ў ш қ и л у р** — тинглайди.

<sup>3</sup> **М а д х у ш** — бехуш.

<sup>4</sup> **Ф а р о м у ш** — унутмоқ.

<sup>5</sup> **Д а х р** — дунё.

<sup>6</sup> **З а б а р д а с т** — кучли, қудратли.

<sup>7</sup> **Н а х в а т** — кибр, ғурур.

<sup>8</sup> **С оғ** — ҳушёр (маст эмас).



<sup>9</sup> **Ф а м з а** — кўз сузиш.

<sup>10</sup> **З о ҳ и д** — доимий тоат-ибодат қилувчи киши.


<sup>11</sup> **П о р с о** — парҳезкор, художўй.

<sup>12</sup> **Л аъ л и н г** — лабинг.


<sup>13</sup> **Б о д а п а р а с т** — майга ўч.

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлғусидур!  
Инъому вазифа<sup>1</sup> — бори буйрулғусидур!  
Ул ғаллаю маҳмалки<sup>2</sup>, деб эрдинг, бердим,  
Маҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидур!



Хар кимки вафо қилса, вафо топкусидур!  
Хар кимки жафо қилса, жафо топкусидур!  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,  
Хар кимки ёмон бўлса, жазо топкусидур!



Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур<sup>3</sup>,  
Аҳбобнинг<sup>4</sup> ихтилот<sup>5</sup> мақсудидур.  
Ҳижрон<sup>6</sup> чекиб, аҳбобни ҳар кимки кўрар,  
Уш давлатию толеи масъудидур<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> **В а з и ф а** — ойлик маош.

<sup>2</sup> **М а х м а л** — нарсалар, матолар.

<sup>3</sup> **С у д** — фойда, наф.

<sup>4</sup> **А ҳ б о б** — дўстлар.

<sup>5</sup> **И х т и л о т** — аралашмоқ, мулокотда бўлмоқ.

<sup>6</sup> **Ҳ и ж р о н** — айрилик.

<sup>7</sup> **М а с ъ у д** — саодатли, бахтиёр.

Хижрон қафасида жон куши дам<sup>1</sup> қиладур,  
Фурбат<sup>2</sup> бу азиз умрни кам қиладур.  
Не навъ<sup>3</sup> битай фи року<sup>4</sup> гурбат шархин —  
Ким, кўз ёши номанинг<sup>5</sup> юзин нам қиладур.

Жисмимда иситма кунда маҳкам<sup>6</sup> бўладур,  
Кўздин учадур уйку чу ахшам<sup>7</sup> бўладур.  
Хар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Борғон сори<sup>8</sup> бу ортадур, ул кам бўладур.

Ё Раб<sup>9</sup>, менда не яхши толеъ бордур —  
Ким, бахти мутиёю<sup>10</sup> ёри тобеъ бордур.  
Маъзур<sup>11</sup> тут ар васлингга кечрок етсам,  
Не чора қилай, озғина монё<sup>12</sup> бордур.

<sup>1</sup> Д а м — сиқилмоқ.

<sup>2</sup> Ф у р б а т — ғариблик.

<sup>3</sup> Н е н а в ъ — қандай?

<sup>4</sup> Ф и р о қ — жудалик.

<sup>5</sup> Н о м а — мактуб.

<sup>6</sup> М а ҳ к а м — қаттик.

<sup>7</sup> А х ш а м — окшом.



<sup>8</sup> С о р и — сайин.

<sup>9</sup> Р а б ( б ) — Оллоҳ.


<sup>10</sup> М у т и ъ — карашли, бўйсунувчи.

<sup>11</sup> М а ъ з у р — узрли, кечирилган.


<sup>12</sup> М о н ё — тўсик.



Хотирни баҳор фаслида ғашт<sup>1</sup> оладур,  
Кўз нурина ранги лолаю дашт оладур.  
Хуш улки, толаларда<sup>2</sup> юруб сайр этса,  
Бу фаслдаким, латифу дилкаш толадур!



Эйким, куёш ул юзунг, ҳилол<sup>3</sup> ул коштур!  
Пўлоддурур кўнглунгу, бағринг тоштур!  
Номамга<sup>4</sup> агар яхши жавобинг йўқтур,  
Сўкмак била ёд айласанг хам хуштур!



Ҳажри<sup>5</sup> аро орому қарорим йўқтур,  
Васлиға етарга ихтиёрим йўқтур.  
Кимга очайин розки<sup>6</sup>, йўқ махрами роз<sup>7</sup>,  
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим<sup>8</sup> йўқтур.

---

<sup>1</sup> **Ғашт** — сайр.

<sup>2</sup> **Тола** — дала.

<sup>3</sup> **Ҳилол** — янги чиққан ой.

<sup>4</sup> **Нома** — мактуб.



<sup>5</sup> **Ҳажр** — айрилик.

<sup>6</sup> **Роз** — сир.


<sup>7</sup> **Махрами роз** — сирдош.

<sup>8</sup> **Ғамгусор** — ғамхўр.






Улким, анга илм ичра ғолиб йўқтур,  
Дерларки, бери келурға роғиб<sup>1</sup> йўқтур.  
Дедимки, бу сўз рост эмастур, негаким,  
Толибни тилар андаки, толиб йўқтур.



Туз, ох, Захириддин Муҳаммад Бобур,  
Юз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур!  
Сарриштаи<sup>2</sup> айлидин кўнгулни зинҳор  
Уз, ох, Захириддин Муҳаммад Бобур!



Қайғунгни чека-чека қорибтур Бобур,  
Раҳм айлаки, ўзидин борибтур Бобур.  
Норанж<sup>3</sup> йиборди сенгаки, билгайсен,  
Яъники, бу навъ<sup>4</sup> сорғорибтур Бобур.

---

<sup>1</sup> **Р о г и б** — мойил.

<sup>2</sup> **С а р р и ш т а** — калаванинг учи.

<sup>3</sup> **Н о р а н ж** — апельсин.

<sup>4</sup> **Б у н а в ь** — шундай.

Бобур, неча бу даҳр<sup>1</sup> мени зор айлар,  
Сабримни каму, ғамимни бисёр<sup>2</sup> айлар.  
То даҳрдурур, будур анинг расмиким,  
Ойриб кишини азизидин хор айлар<sup>3</sup>

Қиш бўлди-ю, бўлди борча тому тош<sup>4</sup> қор,  
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.  
Бу қишда ёмон йўлу, паршон ҳолим,  
Ё Раб<sup>5</sup>, мени яхшилиғ сори<sup>6</sup> бошқор!

Арбоби ҳасад<sup>7</sup> сўзига буттунг<sup>8</sup> ўхшар,  
Бегоналиғ атворини<sup>9</sup> туттунг ўхшар.  
Бир доғи<sup>10</sup> соғинмадинг<sup>11</sup> бу фурсатта мени,  
Мен хастанни, эй ёр, унуттунг ўхшар<sup>12</sup>

<sup>1</sup> **Даҳр** — дунё.

<sup>2</sup> **Бисёр** — кўп.

<sup>3</sup> **Хор айлар** — хўрлайди.

<sup>4</sup> **Тош** — ташқари.

<sup>5</sup> **Раб(б)** — Оллоҳ.

<sup>6</sup> **Сори** — томон.

<sup>7</sup> **Арбоби ҳасад** — ҳасадчилар.



<sup>8</sup> **Буттунг** — ишондинг.

<sup>9</sup> **Атвор** — феъл-хўй.


<sup>10</sup> **Бир доғи** — бирор марта ҳам.

<sup>11</sup> **Соғинмадинг** — эсламадинг.


<sup>12</sup> **Ўхшар** — ўхшайсан.



Васлингга кўнгул киёссиз толибтур<sup>1</sup>,  
Хажринг<sup>2</sup> аро ихтиёрсиз қолибтур.  
Муштоқлиғим шарҳини дей олмасмен,  
Дийдоринга иштиёк кўп қолибтур.



Эй боди сабо<sup>3</sup>, айла Хуросонга\* гузар,  
Мендин дегил ул ёри паришонга<sup>4</sup> хабар.  
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилгайсен,  
Эмди бизинг учун айла бу ёнга сафар.



Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин борушимда ихтиёрим йўқтур.

---

<sup>1</sup> **Т о л и б** — талабгор, хоҳловчи.

<sup>2</sup> **Х а ж р** — жудолик.

<sup>3</sup> **Б о д и сабо** — гонг ели.

<sup>4</sup> **П а р и ш о н** — хардамхаёл.

\* **Х у р о с о н** — Амударёдан жақубдаги ўлка.

Қиш гарчи замони манкалу оташтур<sup>1</sup>,  
Лекин бу шито<sup>2</sup> Ҳиндта кўп дилкаштур.  
Ҳангоми<sup>3</sup> нишоту<sup>4</sup> бодаи<sup>5</sup> беғаштур<sup>6</sup>,  
Май бўлмаса, маъжун<sup>7</sup> дови<sup>8</sup> бўлса хуштур.

Аҳбобки, базмида гулистон хастур,  
Йўқ лек алар базмида бизга дастур<sup>9</sup>  
Гар сизда хузур бирла жамъият бор,  
Юз шукр, бу жамъ беҳузур<sup>10</sup> армастур.

Юз шукр де, Бобурки, Карими Фаффор<sup>10</sup>,  
Берди санга Синду Ҳинду\* мулки бисёр<sup>11</sup>  
Иссиқлиғиға гар сенга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг, Фазни\* бор<sup>12</sup>.

<sup>1</sup> **О т а ш** — олов.

<sup>2</sup> **Ш и т о** — киш.

<sup>3</sup> **Ҳ а н г о м** — пайт.

<sup>4</sup> **Н и ш о т** — шодлик.

<sup>5</sup> **Б о д а** — май.

<sup>6</sup> **Б е ғ а ш** — қуйқасиз.

<sup>7</sup> **М а ъ ж у н** — кайф берадиган модда.

<sup>8</sup> **Д о в и** — ҳам.

<sup>9</sup> **Д а с т у р** — руҳсат, изн.


<sup>10</sup> **Б е ҳ у з у р** — хузур-халоватсиз.

<sup>11</sup> **К а р и м и Ф а ф ф о р** — сахий кечирувчи (Оллоҳ).


<sup>12</sup> **Б и с ё р** — кўп.

<sup>13</sup> **Б о р** — 1 Боргин. 2 Мавжуд.


\* **Синд, Ҳинд, Фазни** — Бобур тақдиридаги юртлар.



Кўнглумда ўту икки кўзумда судур,  
Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.  
Ғам кундузию фирок<sup>1</sup> шоми янглиғ,  
Тун-кун менга не қарору не уйқудур.



Бу ёғлиғким<sup>2</sup>, “Боғи жаҳон”<sup>\*</sup> чорлиқдур,  
Жон риштаси<sup>3</sup> ҳар риштасиға боғлиқдур.  
Тан тори юзум олтунидектур сенсиз,  
Кўр ул иккидин намуна бу ёғлиқдур.



Жисмимда иситма тобидин оташдур<sup>4</sup>,  
Жонимға балою ғусса бебаркашдур<sup>5</sup>  
Кўп дард ила ғамдин манга нохушлуқ эди,  
Сен сўрғали, эй хабиб<sup>6</sup>, кўнглум хушдур.

---

<sup>1</sup> **Фирок** — айрилиқ.

<sup>2</sup> **Ёғлиғ** — рўмол, дурра.

<sup>3</sup> **Ришта** — ип, чилвир.

<sup>4</sup> **Оташ** — ўт-олов.

<sup>5</sup> **Бебаркаш** — ўлчовсиз.

<sup>6</sup> **Хабиб** — дўст.



Девонима не рабту<sup>1</sup> не тартибдурур,  
Не жадвалу<sup>2</sup> не лавху<sup>3</sup> не тазхибдурур<sup>4</sup>  
Гар санга йибордим ани, айб айламаким,  
Девонингни тиларга такрибдурур<sup>5</sup>

Ахбоб<sup>6</sup>, йиғилмокни фароғат тутунгиз!  
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!  
Чун гардиши<sup>7</sup> чарх будурур, Тенгри учун,  
Бир-бирни неча куни ганимат тутунгиз!

Хажринг<sup>8</sup> гамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,  
Юз ғуссаю андух<sup>9</sup> ила боргум<sup>10</sup>, қаро кўз.  
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,  
Мушкилки, фироқингда<sup>11</sup> тирилгум, қаро кўз.

<sup>1</sup> **Р а б т** — боғланиш, изчиллик.

<sup>2</sup> **Ж а д в а л** — саҳифада матн учун тўртбурчак жой ажратиш.

<sup>3</sup> **Л а в х** — саҳифа атрофини безаш.

<sup>4</sup> **Т а з х и б** — зарҳалламоқ.

<sup>5</sup> **Т а қ р и б** — баҳона, восита.

<sup>6</sup> **А х б о б** — дўстлар.



<sup>7</sup> **Г а р д и ш** — айланиш.

<sup>8</sup> **Х а ж р** — айрилик.


<sup>9</sup> **А н д у х** — ғам, хафалик.

<sup>10</sup> **Б о р г у м** — кетаман.


<sup>11</sup> **Ф и р о к** — айрилик.



Озор ила неча гуфтугў<sup>1</sup> қилғайсиз?  
Озурда<sup>2</sup> бўлурни жустужў<sup>3</sup> қилғайсиз.  
Мунчаки, кўнгулларга етишти озор,  
Май бирла магарки шустушў<sup>4</sup> қилғайсиз?



Ҳаммомки, то маскани жонона эмиш,  
Анда парилар ҳусниға девона эмиш.  
Ул худ паридур, борча мулозимлари ҳам,  
Алқиссаки<sup>5</sup>, ҳаммом парихона эмиш!



Ҳусн аҳлиға зору мубтало кўз эрмиш,  
Жоним бида кўнглумга бало кўз эрмиш.  
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра  
Кўзумни корортқон<sup>6</sup> қаро кўз эрмиш.

---

<sup>1</sup> **Г у ф т у г ў** — сўзлашмоқ, гаплашмоқ.



<sup>2</sup> **О з у р д а** — озор чеккан.

<sup>3</sup> **Ж у с т у ж ў** — изламоқ, кидирмоқ.


<sup>4</sup> **Ш у с т у ш ў** — ювмоқ.

<sup>5</sup> **А л қ и с с а** — ровийликдаги якунловчи киритма.


<sup>6</sup> **К о р о р т қ о н** — қорайтирмоқ.



Хар ҳазки<sup>1</sup>, халойиқ андин айрилмас эмиш,  
Ул ҳам мазасию кадрини билмас эмиш.  
Маъжуну<sup>2</sup> баситу<sup>3</sup> бўзаю<sup>4</sup> лутики<sup>5</sup>,  
Бир журъа<sup>6</sup> чоғир<sup>7</sup> дурди<sup>8</sup> ишин қилмас эмиш.



Бу хаста кўнгул эрди висолинг била хуш,  
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.  
Ҳижрон<sup>9</sup> ғами гарчи асру<sup>10</sup> нохуштур, лек,  
Фикринг била шодмен, хаёлинг била — хуш.



Чун борди Худой раҳматиға ул ёш,  
Не фойда тўкмак ғами хижронида ёш.  
Ул ёш ғами хижронида кўп ёш тўктунг,  
Бир ёшинг учун Худой берсун юз ёш!

---

<sup>1</sup> **Х а з(з)** — хузур-халоват.

<sup>2</sup> **М а ъ ж у н** — кайф берувчи модда.

<sup>3</sup> **Б а с и т** — кайф берувчи бир хил ичимлик.

<sup>4</sup> **Б ў з а** — дон-дундан қилинадиган пивосимон ичимлик.

<sup>5</sup> **Л у т** — ширин овқат.

<sup>6</sup> **Ж у р ъ а** — қултум, ютум.



<sup>7</sup> **Ч о ғ и р** — май.

<sup>8</sup> **Д у р д** — қуйка, қолдиқ.


<sup>9</sup> **Ҳ и ж р о н** — жудолик.

<sup>10</sup> **А с р у** — жуда.






Ғар водийи хажринг<sup>1</sup> аро бўлдум ноқис<sup>2</sup>,  
Айб айламаким, ходисаедур ходис<sup>3</sup>.  
Қавми ажабе чоғирға<sup>4</sup> қилди тарғиб,  
Амри<sup>5</sup> ажабе хажрға бўлди боис.



Эйким, бори шеър аҳлиға сен хон янглиғ!  
Шеъринг бори шеърларга султон янглиғ!  
Мазмуни анинг хатти саводи<sup>6</sup> ичра,  
Зулмат<sup>7</sup> аросида оби хайвон<sup>8</sup> янглиғ!



Не ёр вафо қилғуси охир, не ҳариф<sup>9</sup>,  
Не сайфу<sup>10</sup> шито<sup>11</sup> қолғуси боқий, не ҳариф<sup>12</sup>  
Юз хайфки, зоеъ ўтадур умри азий,  
Афсуски, ботил<sup>13</sup> борадур умри шариф.

---

<sup>1</sup> **Хажр** — айрилик.

<sup>2</sup> **Ноқис** — нуқсонли.

<sup>3</sup> **Ходис** — содир бўлган.

<sup>4</sup> **Чоғир** — май.

<sup>5</sup> **Амр** — иш.

<sup>6</sup> **Савод** — қора (“аснад”дан). **Хатти саводи** — ёзув сиёҳи.

<sup>7</sup> **Зулмат** — қоронғилик.

<sup>8</sup> **Оби хайвон** — обиҳаёт.



<sup>9</sup> **Ҳариф** — улфат.

<sup>10</sup> **Сайф** — ёз мавсуми.


<sup>11</sup> **Шито** — қиш.

<sup>12</sup> **Ҳариф** — қарз.


<sup>13</sup> **Ботил** — бекор, беҳуда.



Андин бериким, қасдим учун турди фирок<sup>1</sup>,  
Юз дарду аламни манга еткурди фирок.  
Мени эшикингдин, нетайин, сурди фирок,  
Қил чора, йўқ эрса, мени ўлтурди фирок.



Май таркини қилғали эрурмен ғамлиқ,  
Бор тийра<sup>2</sup> кўнгулга ҳар замон дархамлиқ<sup>3</sup>  
Ғам бирла фасурдалиқ<sup>4</sup> ҳалок этти мени,  
Май бирла эмиш шодлиғу хуррамлиқ<sup>5</sup>



Олудаи<sup>6</sup> юз туман маосий<sup>7</sup> бўлмоқ,  
Юз ранжу туман<sup>8</sup> азоб хоси<sup>9</sup> бўлмоқ.  
Қўп яхши экин аҳли хираднинг<sup>10</sup> қошида —  
Ким, офритибон атони осий<sup>11</sup> бўлмоқ.

---

<sup>1</sup> **Фирок** — жудалик.

<sup>2</sup> **Тийра** — қоронғи.

<sup>3</sup> **Дархамлиқ** — паршонлиқ.

<sup>4</sup> **Фасурдалиқ** — хорғинлиқ, эзилганлиқ.

<sup>5</sup> **Хуррамлиқ** — хушвақтлик.

<sup>6</sup> **Олуда** — булғанган.


<sup>7</sup> **Маосий** — гуноҳлар.

<sup>8</sup> **Туман** — ўн минг, беҳисоб.


<sup>9</sup> **Хос** — мансублик.

<sup>10</sup> **Аҳли хирад** — ақллилар, оқиллар.


<sup>11</sup> **Осий** — гуноҳкор.



Ким ёр анга илм, толиби илм<sup>1</sup> керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак!  
Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
Мен бормен илм толиби — илм керак.



Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек<sup>2</sup>,  
Балким, юзунг оллида<sup>3</sup> эрур гул қулдек.  
Бобур киби ишқдин дам урмайдур<sup>4</sup> эдим,  
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.



Бобурни бурун махрами асрор<sup>5</sup> эттинг,  
Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг,  
Охир бординг<sup>6</sup>, доғи<sup>7</sup> они зор эттинг,  
Хижрон<sup>8</sup> алами бирла гирифтор<sup>9</sup> эттинг.

---

<sup>1</sup> Толиби илм — илм талабгори.

<sup>2</sup> Мул — май.

<sup>3</sup> Оллида — ёнида, олдида.

<sup>4</sup> Дам урмоқ — гапирмоқ, изҳор қилмоқ.

<sup>5</sup> Мархамии асрор — сирдош.

<sup>6</sup> Бординг — кетдинг.

<sup>7</sup> Доғи — ҳамда.

<sup>8</sup> Хижрон — айрилик.

<sup>9</sup> Гирифтор — мубтало.



Лутф эттинг-у, кўнгул била жон ўргаттинг,  
Васлинг била, эй жону жаҳон, ўргаттинг.  
Бу котла<sup>1</sup> ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз,  
Айб айламагайсенки, ёмон ўргаттинг.



Хатинг<sup>2</sup> била кўнглакингки, ирсол<sup>3</sup> эттинг,  
Қайғу била меҳнатимни<sup>4</sup> помол<sup>5</sup> эттинг.  
Ул хат била хотиримни<sup>6</sup> хурсанд айлаб,  
Бу кўнглак ила кўнгулни хушҳол эттинг.



Кўз шамъини ёрутқали маҳваш<sup>7</sup> келдинг,  
Сабр уйини куйдурғали оташ<sup>8</sup> келдинг,  
Қилдинг мени келганинг била миннатдор,  
Раҳмат сенга, яхши келдингу хуш келдинг!

---

<sup>1</sup> **Котла** — дафъа.

<sup>2</sup> **Хат** — мактуб.

<sup>3</sup> **Ирсол** — юбормоқ.



<sup>4</sup> **Меҳнат** — машаққат.

<sup>5</sup> **Помол** — оёқости, топталган.


<sup>6</sup> **Хотирим** — таъбим.

<sup>7</sup> **Маҳваш** — ойдай.


<sup>8</sup> **Оташ** — олов.



Сенсиз неча ғам бирла малоле кўралинг,  
Ҳажринг<sup>1</sup> неча бўлғуси, висоле кўралинг.  
Ҳажрингда неча хаёл ила ўтқаралинг,  
Лутф айла-ю, келгилки, жамоле кўралинг!



Эйким, ясабон юзунгни хуршид<sup>2</sup> эттинг,  
Фурқат<sup>3</sup> аламини жонга жовид<sup>4</sup> эттинг.  
Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,  
Навмид<sup>5</sup> ўлғил<sup>6</sup>, чун мени навмид эттинг.



Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,  
Хар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг.  
Навмид бўлур борча вафодорларинг,  
Гар شوҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг.

---

<sup>1</sup> **Ҳ а ж р** — айрилик.


<sup>2</sup> **Х у р ш и д** — куёш.

<sup>3</sup> **Ф у р қ а т** — жудолик.


<sup>4</sup> **Ж о в и д** — абадий.

<sup>5</sup> **Н а в м и д** — ноумид, умидсиз.


<sup>6</sup> **Ў л ғ и л** — бўлгин.



Хижрон<sup>1</sup> аро ёд этиб, мени шод эттинг,  
Махжур<sup>2</sup> кўнгулни ғамдин озод эттинг.  
Не лутф эди, дей, хури паризод эттинг,  
Гўёки бузуқ Каъбани обод эттинг!



Хар ердаки гул бўлса, тикон бўлса, не тонг?<sup>3</sup>  
Хар қандаки май дурди<sup>4</sup> дон бўлса, не тонг?!  
Шеъримда агар ҳазл, агар жид,<sup>5</sup> кечурунг,  
Яхши борида агар ёмон бўлса, не тонг?!



Хижрон ғамидин неча шикоят қилолинг,  
Келгилки, висолдин ҳикоят қилолинг.  
Тенгри ҳақи, бизни деб агар сен келсанг,  
Кўнглунгдагидек лутфу иноят қилолинг.

---



<sup>1</sup> **Х и ж р о н** – айрилик.

<sup>2</sup> **М а х ж у р** – жудолик.


<sup>3</sup> **Н е т о н г** – не ажаб?

<sup>4</sup> **Д у р д** – қолдик, қуйқа.


<sup>5</sup> **Ж и д (д)** – жиддий.



Келгилки, даме<sup>1</sup> ўлтурубон май ичолинг,  
Дунё ғаму ранжидин замоне кечолинг.  
Чун айшу нашот<sup>2</sup> лашкари саф тузди,  
Эй меҳнату русса хайли<sup>3</sup>, сизлар, сижолинг!<sup>4</sup>



Кўрдунг, доғи кўзунгга гирифтор<sup>5</sup> эттинг,  
Сўрдунг, доғи сўзунгга гирифтор эттинг.  
Бу табъу камолинг била ўз бошинг учун,  
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.



Эй ёр, хазин кўнглумни ёд айламадинг,  
Меҳрингни кам айладинг — зиёд айламадинг.  
Ё менда гунаҳ бордур, унуттунг ё сен.  
Оё, не жихатдурурки<sup>6</sup>, ёд айламадинг?

---

<sup>1</sup> Д а м е — бир лаҳза.

<sup>2</sup> Н а ш о т — хурсандчилик.

<sup>3</sup> Х а й л и — тўдаси.

<sup>4</sup> С и ж о л и н г — жўнанг.

<sup>5</sup> Г и р и ф т о р — мубтало.

<sup>6</sup> Ж и х а т — боис.



Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил!  
Ё баҳри<sup>1</sup> иноятингда<sup>2</sup> мустағрак<sup>1</sup> қил!  
Ё Раб<sup>4</sup>, сенгадур юзум — қаро, гар оқ қил,  
Ҳар навъ сенинг ризонг<sup>5</sup> эрур, андоқ қил!



Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил!<sup>6</sup>  
Гулдек кулуб, эй ғунчадаҳан<sup>7</sup>, очилғил!  
Кўнглумни иликкладинг<sup>8</sup> чолиб чанг<sup>9</sup>, эй ёр,  
Чангингдадурур кўнгул — навозиш<sup>10</sup> қилғил!



Доим соғиниб, кўнгулни ол, хуш қолғил!  
Раҳмат назарини менга сол, хуш қолғил!  
Нохуш эди буки, мен ёмон бордим, лек,  
Сен лолаъузор<sup>11</sup>, яхши қол, хуш қолғил!

<sup>1</sup> Баҳр — денгиз.

<sup>2</sup> Иноят — лутф-марҳамат.

<sup>3</sup> Мустағрак — фарқ.

<sup>4</sup> Раб(б) — Оллоҳ.

<sup>5</sup> Ризонг — розилигинг, истагин.

<sup>6</sup> Ойилғил — уйғонгин.

<sup>7</sup> Даҳан — ориз.



<sup>8</sup> Иликкладинг — асир этдинг.

<sup>9</sup> Чанг — 1 Муסיкий асбоб. 2 Қўл.


<sup>10</sup> Навозиш — 1 Чалмоқ. 2 Алқамок.

<sup>11</sup> Лолаъузор — лола юзли.




Эй ел, бориб ахбобка<sup>1</sup> номимни дегил!  
Хар ким мени билса, бу паёмимни<sup>2</sup> дегил!  
Мендин демагил гар унутулгон бўлсам,  
Хар кимки мени сўрса, саломимни дегил!



Наққош, менинг ҳолима тадбир этгил,  
Бир ёғлиғ<sup>3</sup> аро кашида<sup>4</sup> тахрир<sup>5</sup> этгил.  
Ул сафхада мен хаёл қилгон янглиғ,  
Ул ёрға мушкилимни тақрир<sup>6</sup> қилғил.



То қилғали зикр табъ<sup>7</sup> номини кўнгул,  
Вирд<sup>8</sup> айлади табъ аҳли каломини<sup>9</sup> кўнгул.  
То хажр ғаму меҳнати таскин топқай,  
Истайдурур ахбоб паёмини кўнгул.

---

<sup>1</sup> **А х б о б** — дўстлар.

<sup>2</sup> **П а ё м** — дарак, хабар.

<sup>3</sup> **Ё г л и ғ** — рўмол, дурра.

<sup>4</sup> **К а ш и д а** — рўмолга нақш солиш.

<sup>5</sup> **Т а х р и р** — чизмоқ.

<sup>6</sup> **Т а қ р и р** — айтмоқ, ифодаламоқ.

<sup>7</sup> **Т а б ъ** — қобилият, истеъдод.

<sup>8</sup> **В и р д** — муттасил такрорламоқ.

<sup>9</sup> **К а л о м** — сўз, гап.



Ғавғода май иртикоб<sup>1</sup> қилмоқ мушкил,  
Жонға куч ила азоб қилмоқ мушкил,  
Бўлмай доғи маст хоб<sup>2</sup> қилмоқ мушкил,  
Аҳбобдин ижтиноб<sup>3</sup> қилмоқ мушкил.



Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкил,  
Фархунда<sup>4</sup> ҳадисингни<sup>5</sup> эшитмак мушкил,  
Ишқингни доғи бир тараф<sup>6</sup> этмак мушкил,  
Бошни олибон бир сори кетмак мушкил.



То водийи ҳажрингда<sup>7</sup> қилибмен манзил,  
Сурат била гарчи айрумен мен бедил<sup>8</sup>,  
Валлахки<sup>9</sup>, эй ёр, сенинг ёдингдин  
Бир лаҳзаю бир замон эмасмен гофил.

---

<sup>1</sup> **И р т и к о б** – бирор нарса билан машғул бўлиш.

<sup>2</sup> **Х о б** – уйқу.

<sup>3</sup> **И ж т и н о б** – ўзини йироқ тутмоқ.

<sup>4</sup> **Ф а р х у н д а** – қутлуғ, табаррук.

<sup>5</sup> **Ҳ а д и с** – сўз, гап.

<sup>6</sup> **Б и р т а р а ф** – бир ёқли, узил-кесил.

<sup>7</sup> **Ҳ а ж р** – айрилиқ.

<sup>8</sup> **Б е д и л** – ошиқ, мафтун.

<sup>9</sup> **В а л л а х к и** – Худо ҳақи.



Жониға етишти тузу<sup>1</sup> тоғ бирла кўнгул,  
Дардини тугатмас иситмоғ бирла кўнгул.  
Фурбатда<sup>2</sup> оёқ бирла бадан етмасдек,  
Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла кўнгул.



Яксон<sup>3</sup> караминг қошида мудбиру<sup>4</sup> муқбил<sup>5</sup>,  
Осон сенинг оллингда жамиъи мушкил.  
Ё лутфу иноят онча қилким, кўтарай,  
Ё қахру ғазабни тоқатим борича қил.



Юз ҳамд<sup>6</sup> ангаким, ҳамдин анинг аҳли мақол<sup>7</sup>  
Юз йил десалар тугатмаги амри<sup>8</sup> маҳол.  
Васфида хирад<sup>9</sup> ожиз эрур, нотиқа<sup>10</sup> — лол,  
Не навъ сифат қилай они — “жалла Жалол”<sup>11</sup>

<sup>1</sup> Тузу — дашт.

<sup>2</sup> Фурбатда — ғарибликда.

<sup>3</sup> Яксон — бир хил, бирдай.

<sup>4</sup> Мудбир — бадбахт.

<sup>5</sup> Муқбил — бахтли.

<sup>6</sup> Ҳамд — мактов.

<sup>7</sup> Аҳли мақол — адиблар, олимлар, суҳандонлар.

<sup>8</sup> Амр — иш.

<sup>9</sup> Хирад — ақл.

<sup>10</sup> Нотиқа — нутқ.

<sup>11</sup> Жалла Жалол — қудрати улғу.



Аъзою жаворихингни<sup>1</sup> ҳозир қилғил,  
Жон бирла кўнгул ҳозиру нозир<sup>2</sup> қилғил.  
Хар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,  
Андишаю фикрингни борин бир қилғил.





Кўзунгдин эрур, назора қил, хасталиғим,  
Қошингдин эрур ғам била пайвасталиғим<sup>3</sup>  
Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла<sup>4</sup>,  
Бўлмаса эди сочингға дилбасталиғим<sup>5</sup>




Сенинг била менки, ошнолиғ қилдим,  
Ишқингни ҳазин<sup>6</sup> жонға балолиғ қилдим.  
Кўрмай-билмай мени вафосиз дебсен,  
Мен сента не навъ<sup>7</sup> бевафолиғ қилдим?

---


<sup>1</sup> **Жаворих** — бадан аъзолари.  
<sup>2</sup> **Нозир** — қараб турган.  
<sup>3</sup> **Пайваста** — муттасил.  
<sup>4</sup> **Қотла** — маротаба.  
<sup>5</sup> **Дилбаста** — қўнгли бовлик.  
<sup>6</sup> **Хазин** — мунгли.  
<sup>7</sup> **Не навъ** — қандай?

Кўнглум тилаги висол эмиштук<sup>1</sup>, билдим,  
Ул васл доғи<sup>2</sup> маҳол эмиштук, билдим.  
Ҳар қандаки бўлса меҳрибондур, дер эдим,  
Ул доғи валат<sup>3</sup> хаёл эмиштук, билдим.



Зулфиға кўнгул кўюб, паришон бўлдум,  
Кўз олдурубон юзига, ҳайрон бўлдум.  
Чин дей сенга, Бобуроки, ошиқлиғда,  
Ҳар неки қилиб эдим, пушаймон бўлдум.



Ҳуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум,  
Кўрмай сени ишқингга гирифтор<sup>4</sup> ўлдум.  
Сўрғилки, фаминг фироқи<sup>5</sup> беҳол этти,  
Кўргилки, кўзунг ҳажрида<sup>6</sup> бемор ўлдум.

---

<sup>1</sup> Эмиштук — экан.



<sup>2</sup> Доғи — ҳам.

<sup>3</sup> Валат — хато.


<sup>4</sup> Гирифтор — мубтало.

<sup>5</sup> Фирок — айрилик.


<sup>6</sup> Хажр — жудолик.



Хижронда<sup>1</sup>, сабо, етти фалакка охим,  
Гар ул сори борсанг, будурур дилхоҳим<sup>2</sup>.  
Ким, арзи дуо ниёз<sup>3</sup> ила қилгайсен,  
Гар сўрса мен хастани Гулрух<sup>4</sup>, Мохим<sup>5</sup>.



Йиллар тилаб, ишни қобу<sup>6</sup> сахлаб турдум,  
Юз жаҳд<sup>7</sup> била ишни мунга еткурдум.  
Мардона бўл, эмди яхшидур иш келиши,  
Тенгрига сени, элни сенга топшурдум.



Гар Рухдам<sup>8</sup> этса эрди оҳанги нағам<sup>9</sup>,  
Мажлисда<sup>10</sup> не ҳузн<sup>11</sup> колур эрди, не ғам.  
То борғали Рухдам бизинг мажлисдин,  
Мажлис элига не рух колди-ю не дам.

---

<sup>1</sup> **Х и ж р о н** — айрилик.

<sup>2</sup> **Д и л х о х** — қўнгли тилаган.

<sup>3</sup> **Н и ё з** — ёлбормоқ.

<sup>4</sup> **Г у л р у х, М о х и м** — Бобурнинг завжалари.

<sup>5</sup> **Қ о б у** — қўзламоқ; нишон.



<sup>6</sup> **Ж а ҳ д** — тирн.

<sup>7</sup> **Р у х д а м** — Бобур саройи ҳофизи.


<sup>8</sup> **О х а н г и н а ғ а м** — ашула айтиш.

<sup>9</sup> **М а ж л и с** — базм.


<sup>10</sup> **Ҳ у з н** — мунг, хафалик, ғамгинлик.

Ўт солди кўнгулга ранжу бетоблиғим,  
Сув қилди бу хаста жонни беоблиғим<sup>1</sup>  
Бу иккаласи агарчи бор муҳлику<sup>2</sup> саъб<sup>3</sup>,  
Лек ўлтурадур тонггача бехоблиғим<sup>4</sup>.



Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум?  
Юз мехнату<sup>5</sup> андух<sup>6</sup> била ёр ўлдум!  
Васлинг била бисёр<sup>7</sup> севиндум аввал,  
Ҳажринг<sup>8</sup> била оқибат гирифтор<sup>9</sup> ўлдум.



Юз номаи<sup>10</sup> иштиёқ таҳрир<sup>11</sup> эттим,  
Юз навъ била васлингга тадбир эттим.  
Маъзур тут, эй қуёшки, толеъ йўқидин  
Васлингга етар маҳалда тақсир<sup>12</sup> эттим.

---

<sup>1</sup> **Б е о б л и ғ** — 1 Куруклик. 2 Чанқоклик.

<sup>2</sup> **М у ҳ л и к** — ҳалокатли.

<sup>3</sup> **С а ъ б** — ўта мушкил.

<sup>4</sup> **Б е х о б л и ғ** — уйқусизлик.

<sup>5</sup> **М е х н а т** — машаққат.

<sup>6</sup> **А н д у х** — ғам.

<sup>7</sup> **Б и с ё р** — кўп.

<sup>8</sup> **Ҳ а ж р** — жудолик.

<sup>9</sup> **Г и р и ф т о р** — мубтало.

<sup>10</sup> **Н о м а** — мактуб.

<sup>11</sup> **Т а ҳ р и р** — ёзмоқ.

<sup>12</sup> **Т а қ с и р** — хато, нуқсон.

Ёр ёғлиғидин<sup>1</sup> кўнгулни хурсанд эттим,  
Рухум қушини тори<sup>2</sup> била банд эттим,  
Кўнглумни не навъ<sup>3</sup> узай ўшал ёғлиғдин,  
Жон риптасини<sup>4</sup> ториға пайванд эттим.

Бемехр<sup>5</sup> деса эл сени, мен бутмас эдим<sup>6</sup>,  
Ҳаргиз бу сифатни сенга ёвутмас<sup>7</sup> эдим.  
Ноҳақ оғриб, мени унуттунг охир,  
Валлоҳки<sup>8</sup>, сендин бу тамаъ<sup>9</sup> тутмас эдим.

Ислом учун овораи ёзи<sup>10</sup> бўлдум,  
Куффору<sup>11</sup> хунуд<sup>12</sup> харбсози<sup>13</sup> бўлдум.  
Жазм<sup>14</sup> айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмокка,  
Алминнатулиллоҳки,<sup>15</sup> ғозий<sup>16</sup> бўлдум.

<sup>1</sup> Ёғлиғ — рўмол, дурра.

<sup>2</sup> Тори — толаси, ипи.

<sup>3</sup> Не навъ — қандай?

<sup>4</sup> Рипта — ип.

<sup>5</sup> Бемехр — меҳрсиз.

<sup>6</sup> Бутмас эдим — ишонмасдим.

<sup>7</sup> Ёвутмок — яқинлаштирмак.

<sup>8</sup> Валлоҳки — Худо хақи!

<sup>9</sup> Тамаъ — умид.

<sup>10</sup> Ёзи — дашт, чўл.

<sup>11</sup> Куффор — кофирлар.

<sup>12</sup> Хунуд — хиндлар.

<sup>13</sup> Харбсоз — жанг қилувчи.

<sup>14</sup> Ал-миннатулиллоҳ — Оллоҳга шукурки.

<sup>15</sup> Ғозий — дин йўлидаги жанг музаффари, ғолиби.



Хар кунда юзунгни кўрмак эрур хавасим,  
Хар кеча сочинг хаёлидур ҳамнафасим.  
Исо дамидин руҳ берур жисмимга,  
Сенинг соридин паём<sup>1</sup> келтурса насим<sup>2</sup>

Қотингда<sup>3</sup> агар гуноҳ гоҳе қилдим,  
Юз қотла<sup>4</sup> надомат<sup>5</sup> била оҳе қилдим,  
Қилдим ёмону асру<sup>6</sup> табоҳе<sup>7</sup> қилдим,  
Лутфунг била сен кечур — гуноҳе қилдим.

Аҳбоб<sup>8</sup> унутмаса керак аҳди қадим<sup>9</sup>,  
Еткурса керак хабар гаҳи пайки<sup>10</sup> насим.  
Бобур, чу умид ила қилур арзи ниёз<sup>11</sup>,  
Шоядки, қабул айлагай табъи салим<sup>12</sup>

<sup>1</sup> **Паём** — дарак, хабар.

<sup>2</sup> **Насим** — шабада, ел.

<sup>3</sup> **Қотингда** — ҳузурингда, ёнингда.

<sup>4</sup> **Қотла** — маротаба.

<sup>5</sup> **Надомат** — пушаймон.

<sup>6</sup> **Асру** — жуда.

<sup>7</sup> **Табоҳ** — хароб, бузук.

<sup>8</sup> **Аҳбоб** — дўстлар.

<sup>9</sup> **Қадим** — аввалги, илк.

<sup>10</sup> **Пайк** — хабарчи, элчи.

<sup>11</sup> **Ниёз** — илтижо.

<sup>12</sup> **Салим** — соғлом.



Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,  
Хар ким бу “Вакоеъ”ни<sup>1</sup> ўкур, билгайким,  
Не ранжу<sup>2</sup> не мехнату<sup>3</sup> не ғамлар кўрдум.



Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,  
Оламға бўлуб фасона<sup>4</sup>, ошиқ бўлдум.  
Яхши сўзунгу васфи жамолинг эшитиб,  
Кўрмай сени ғойибона ошиқ бўлдум.



Ҳаммомки, қилдим, кўрунгизким, айём,  
Ўхшатти анинг бори иши манга тамом.  
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин  
Гулчехралар истабон юруйдур ҳаммом.

---

<sup>1</sup> “В а к о е ъ” — воқеалар. “Бобурнома”нинг асл номи.

<sup>2</sup> Р а н ж — азоб.

<sup>3</sup> М е х н а т — машаққат.

<sup>4</sup> А ф з у н — ортик.



Ул юзи куёшки, бордур ойдин афзун<sup>1</sup>,  
Хусн ичра ул ой оллида хуршид забун<sup>2</sup>  
То бир кун ул ойдин навозиш топкай,  
Кўк доира бўлди-ю, жаложил<sup>3</sup> ою кун.



Ишқинг йўлида фироқ<sup>4</sup> ила нетгаймен?  
Бир йўл кўрсатки, васлинга етгаймен!  
Васлинг манга гар муяссар ўлмас бўлса,  
Бошимни олиб бир сориға кетгаймен!



Васфингни неча улусдин<sup>5</sup> эшитгаймен,  
Не навъ<sup>6</sup> қилиб висолинга етгаймен?  
Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен?  
Бошимни олиб қай сориға кетгаймен?

---

<sup>1</sup> **З а б у н** — бечораҳол.



<sup>2</sup> **Н а в о з и ш** — алқамоқ.

<sup>3</sup> **Ж а л о ж и л** — дойра шилдироқлари.


<sup>4</sup> **Ф и р о қ** — айрилик.

<sup>5</sup> **У л у с** — халқ.


<sup>6</sup> **Н е н а в ъ** — қандай?

Ул хатки, мен анда сени ёд этгаймен,  
Кўз оқида, кошки, савод<sup>1</sup> этгаймен.  
Кирпиклардин анга калам<sup>2</sup> рост қилиб,  
Кўз қорасидин анга мидод<sup>3</sup> этгаймен.



Бир гўшаи боғ ўлса-ю, сен бўлсанг-у мен,  
Май қуйсоқ икимиз қадах ичра бир хен<sup>4</sup>.  
Ондин сўнгра аёқ<sup>4</sup> иликка<sup>5</sup> олибон,  
Сен тутсанг-у мен ичсам, мен тутсам-у сен.



Бекайдмену<sup>6</sup> хароби сийм<sup>7</sup> эрмасмен,  
Хам мол йиғиштирур лаим<sup>8</sup> эрмасмен.  
Кобулда иқомат<sup>9</sup> этти Бобур дерсиз,  
Андок демангизларки, муқим<sup>10</sup> эрмасмен.

---

<sup>1</sup> **С а в о д** этмоқ — ёзмоқ.

<sup>2</sup> **М и д о д** — сиёҳ.

<sup>3</sup> **Х е н** — муддат.

<sup>4</sup> **А ё қ** — қадах.

<sup>5</sup> **И л и к** — қўл.



<sup>6</sup> **Б е к а й д** — бошвоқсиз; эркин.

<sup>7</sup> **Х а р о б и с и й м** — кумуш учун ўлиб-тириладиган.


<sup>8</sup> **Л а и м** — очофат, очкўз.

<sup>9</sup> **И қ о м а т** — яшамок, бирор жойда яшаш.


<sup>10</sup> **М у қ и м** — турғун.



Мехринг недурур — бурун чу бор, жавр — кейин,  
Бефоида ишқинг гамини неча ейин?  
Ҳолимни неча десам, демассен мени ёр,  
Сен демасанг “Эй ёр!” мени, мен не дейин?!



Хажрингда<sup>1</sup> не қон қолдики, ютмайдурмен?  
Кўз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен.  
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қуёш,  
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.



Сен гулсену мен ҳақир<sup>2</sup> булбулдурмен,  
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен.  
Нисбат йўқтур, деб ижтиноб<sup>3</sup> айламаким,  
Шаҳмен элга, вале<sup>4</sup> сенга кулдурмен!



---

<sup>1</sup> **Хажр** — айрилик.


<sup>2</sup> **Ҳақир** — шўрлик, бечора.

<sup>3</sup> **Ижтиноб** — тортинмоқ.


<sup>4</sup> **Вале** — биров.



Хатимни кўруб, сўзумни чун билгайсен,  
Келмакта бизга ел киби елгайсен.  
Ихлосингни билиб йибордим қосид<sup>1</sup>,  
Раҳмат сенга, зинҳорки, бот<sup>2</sup> келгайсен!



Ул бордики<sup>3</sup>, ишрат орзу қилгайсен,  
Ишрат тиламакликта фулу<sup>4</sup> қилгайсен.  
Чун айшу фароғ мумкин эрмас зинҳор,  
Бобур, гаму меҳнат била хў<sup>5</sup> қилгайсен.



Аҳбобга<sup>6</sup> ҳар хатки, савод этгайсен<sup>7</sup>,  
Бизни доғи<sup>8</sup> ул битикда<sup>9</sup> ёд этгайсен.  
Мақсудки, қосиди агар келса бу ён,  
Бир нома<sup>10</sup> била кўнгулни шод этгайсен.

---

<sup>1</sup> **Қосид** — хабар элтувчи, даракчи.

<sup>2</sup> **Бот** — дарҳол, тез.

<sup>3</sup> **Борди** — кетди.

<sup>4</sup> **Фулу** — ғалва.

<sup>5</sup> **Хў** — одатланмоқ.



<sup>6</sup> **Аҳбоб** — дўстлар.

<sup>7</sup> **Савод этмоқ** — ёзмоқ.


<sup>8</sup> **Доғи** — ҳам.

<sup>9</sup> **Битик** — мактуб.


<sup>10</sup> **Нома** — мактуб.



Хижронда<sup>1</sup> соғиниб, мени шод этгайсен,  
Мен хастани мухлис эътиқод этгайсен.  
Бу хатни анинг учун битидим мунда,  
Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.



Неча менга жавр муттасил<sup>2</sup> қилгайсен?  
Меҳринг йўқу неча мунфаил<sup>3</sup> қилгайсен?  
Жаврингни кўруб, меҳрни кўрмай кеттим,  
Гар кўрсаму кўрмасам бихил<sup>4</sup> қилгайсен.



Раҳмингни кўнгул тилар — анго қилгайсен,  
Заҳмингни кўнгулга бехато қилгайсен.  
Тил ики алиф кўксума, наъл<sup>5</sup> ўртадаким,  
Кўнгулум тиларин ҳаққин адо қилгайсен.

---



<sup>1</sup> **Х и ж р о н** — айрилик.

<sup>2</sup> **М у т т а с и л** — узлуксиз.


<sup>3</sup> **М у н ф а и л** — хижолат.

<sup>4</sup> **Б и ҳ и л** — кечирмоқ.


<sup>5</sup> **Н а ъ л** — янги ойсимон тамға.



Хуш улки, келиб ёнимда ўлтургайсен,  
Ё бир нафас оллимда келиб тургайсен.  
Оғзингга ўпар сўзин битий олмасмен<sup>1</sup>,  
Борғон кишидин оғиз сўзин сўрғойсен.



Давлат била шоду шодмон бўлғойсен,  
Шавкат била машҳури жаҳон бўлғойсен.  
Кўнглунгдагидек дахр<sup>2</sup> аро ком суруб<sup>3</sup>,  
Бу дахр боринча Комрон<sup>4</sup> бўлғойсен.



Эйки, олам шахлари шоҳи сенсен!  
Бевосита манзури Илоҳи сенсен!  
Сен борсен, кимга элтай, эй шоҳ, паноҳ,  
Чун борча жаҳон эли паноҳи сенсен!

---



<sup>1</sup> **Б и т и й олмасмен** — ёзолмайман.

<sup>2</sup> **Дахр** — дунё.


<sup>3</sup> **К о м суриб** — бахтли бўлиб.

<sup>4</sup> **К о м р о н** — 1 Бобур ўрдининг исми. 2 Бахтиёр.






Зинҳорки, дўстлукни унутмағойсен,  
Тукқонлиғдин<sup>1</sup> кўнгулни совутмағойсен.  
Ётлар била душман тарафин гар тутсанг,  
Тукқонлиғу дўстлуғ тамаъ<sup>2</sup> тутмағойсен!



Эйки, ёролиғ<sup>3</sup> жисмима мархам<sup>4</sup> сенсен,  
Мажруҳ<sup>5</sup> кўнгулға ништар ҳам сенсен.  
Ғаҳ шоду ғаҳи ғамгин<sup>6</sup> эсам, айб этма —  
Ким, боиси шодмонлиғу ғам сенсен.



Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,  
Жисмимда менинг руҳи равоним<sup>7</sup> сенсен.  
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,  
Алқиссаки<sup>8</sup>, умри жовидоним<sup>9</sup> сенсен.

---

<sup>1</sup> **Тукқонлиғ** — туғишганлик, қариндошлик.

<sup>2</sup> **Тамаъ** — умид.

<sup>3</sup> **Ёролиғ** — яралик, жароҳатли.

<sup>4</sup> **Мархам** — малҳам, дори.

<sup>5</sup> **Мажруҳ** — жароҳатли.

<sup>6</sup> **Ғамгин** — ғамли.

<sup>7</sup> **Руҳи равон** — жон.

<sup>8</sup> **Алқисса** — хуллас.

<sup>9</sup> **Жовидон** — мангулик.

Эйким, манга мужда<sup>1</sup> бердинг ул жонондин,  
Қилдинг мени озод фами хижрондин<sup>2</sup>  
Бу муждани не навъ<sup>3</sup> сифат қилгаймен,  
Гўёки, хабар бердинг ўлукка жондин.

Даврон<sup>4</sup> мени ўткарди<sup>5</sup> сару сомондин<sup>6</sup>,  
Ойирди мени бир йўли хонумондин<sup>7</sup>  
Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки, бошимга келмади даврондин?!

Сўз сўргали лаъли<sup>8</sup> нуктадонинг<sup>9</sup> топмон<sup>10</sup>,  
Юз суртгали ул остонинг топмон.  
Беному нишонлиғ истасам, не тонгким<sup>11</sup>,  
Номингни эшитдим-у, нишонинг топмон.

<sup>1</sup> Мужда — хушхабар.

<sup>2</sup> Хижрон — айрилик.

<sup>3</sup> Не навъ — қандай?

<sup>4</sup> Даврон — замон.

<sup>5</sup> Уткарди — бу ерда: махрум қилди.

<sup>6</sup> Сару сомон — давлатмандлик ва саломатлик.



<sup>7</sup> Хонумон — уй-жой (жихоз, оила аъзолари билан).

<sup>8</sup> Лаъл — лаб маъносида.


<sup>9</sup> Нуктадон — маъноли сўзлар айтувчи.

<sup>10</sup> Топмон — тополмайман.


<sup>11</sup> Не тонг — не ажаб?



Ахбоб<sup>1</sup> йигинидин неча қолғоймен,  
Ўзумни нетиб ул ароға солғоймен?<sup>2</sup>  
Борсам дағи анда мехмон қасратидин<sup>3</sup>,  
Маълум эмаски, ер топа олғоймен.



Эл суҳбатиники, орзу қилмишмен,  
Не хушлуғ ила бу гуфтуғ<sup>4</sup> қилмишмен.  
Ишрат била айшни не иш қилғоймен,  
Менким, ғаму мехнат била хў<sup>5</sup> қилмишмен.



То тарки маноҳию<sup>6</sup> шароб этмишмен,  
Нафсимға Худой учун азоб этмишмен.  
Тавба эшиги ҳануз очук эрди,  
Бу тавбада бир нима<sup>6</sup> шитоб этмишмен.

---

<sup>1</sup> **А х б о б** — дўстлар.


<sup>2</sup> **К а с р а т** — кўп, кўпчилик.

<sup>3</sup> **Г у ф т у г ў** — сўзлашув.


<sup>4</sup> **Х ў** — одат.

<sup>5</sup> **М а н о ҳ и** — манъ қилинган нарсалар.


<sup>6</sup> **Б и р н и м а** — бироз.



Май таркини қилғали паришондурмен,  
Билмон<sup>1</sup> килур ишимнию хайрондурмен.  
Эл барча пушаймон бўлур-у, тавба килур,  
Мен тавба қилибмен-у, пушаймондурмен.



Ишқинг мени қилди асру<sup>2</sup> шайдо, нетайин?  
Олам элига айлади расво, нетайин?  
Жонимни фидо қилиб санга, андин сўнг,  
Дерменки, сени жон этай, аммо, нетайин?



Васлингни тилаб неча, сабодин<sup>3</sup> билайин,  
Келгилки, қуюндек бошингга эврулайин<sup>4</sup>  
Гар келмасанг, истасанг мени хидматингга<sup>5</sup>,  
Бошимни қадам қилиб, қадамга келайин.

---



<sup>1</sup> **Билмон** – билмайман.

<sup>2</sup> **Асру** – жуда.


<sup>3</sup> **Сабо** – тонг ели.

<sup>4</sup> **Эврулайин** – айланай.


<sup>5</sup> **Хидмат** – хизмат.



Ишқ ишини боштин яна бунёд этайин,  
Ишқинг вами бирла хотирим шод этайин.  
Дебсенки, унутма мени хижрон<sup>1</sup> аро, вой,  
Сени унутуб, не кишини ёд этайин?!



Ёринг сенинг илоҳий “Таборақ”<sup>\*</sup> бўлсун!  
Душманларингга туъма<sup>2</sup> палорақ<sup>3</sup> бўлсун!  
Мулкунгда фароғат била хонликлар қил,  
Мулкунг била хонлигинг муборақ бўлсун!



Бесабрмену бесару сомондурмен<sup>4</sup>,  
Бир ғамзададурмену<sup>5</sup> паришондурмен.  
Не диннинг ишин қилдим-у, не дунёнинг,  
Ё Раб<sup>6</sup>, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.

---

<sup>1</sup> **Х и ж р о н** – айрилик.

<sup>2</sup> **Т у ъ м а** – овқат.

<sup>3</sup> **П а л о р а қ** – қилич.

<sup>4</sup> **Б е с а р у с о м о н** – бечорахол.

<sup>5</sup> **Ғ а м з а д а** – ғам адойи тамом қилган.

<sup>6</sup> **Р а б (б)** – Оллоҳ.

<sup>\*</sup> **Т а б о р а қ** – Қуръон сураси номи.



Ул шўхки, билдурди вафодорлигин,  
Тарк айлади гўёки ситамкорлигин<sup>1</sup>  
Лутф айлади — ёрликқа фармон берди,  
Аъдо<sup>2</sup> била ёрдур, нетай ёрлигин?!



Сенинг била сўз муқаррар андоқ қилайин,  
Оламда сени мўътабар<sup>3</sup> андоқ қилайин.  
Тенгри ҳақи, бу хидмат агар сен қилсанг,  
Хар навъки, кўнглунг тилар — андоқ қилайин.



Нисён<sup>4</sup> қаламин неча менга сургайсан,  
Вақт ўлдики, ҳажр номасин<sup>5</sup> бургайсен.  
Будур тилагим — хатимни чун кўргайсен,  
Албатта, ўзунгни манга еткургайсен!

---

<sup>1</sup> **С и т а м к о р л и г** — золимлик.

<sup>2</sup> **Аъдо** — ёв.

<sup>3</sup> **М ўъ т а б а р** — обрўли.

<sup>4</sup> **Н и с ё н** — унутмоқ.

<sup>5</sup> **Н о м а** — мактуб.

Ё Раб<sup>1</sup>, манга тунд бўлди шоҳим, билмон,  
Кўз ёшидин ўзга узрхоҳим<sup>2</sup> билмон.  
Бир ҳам назар этмас, зътиқодимни билур,  
Хар лаҳза итоб<sup>3</sup> этар, гуноҳим билмон.

Кечрак келасен, бу хастадин тўйдунгму?  
Дил сафҳасидин харфи вафо йуйдунгму?<sup>5</sup>  
Номусу уёт керак, уй<sup>6</sup>, от сахлдурур<sup>7</sup>,  
Юз қўй учун ул эшикка юз қўйдунгму?

Фам хонаси сори гузар<sup>8</sup>, эй жон, қилма!  
Ишрат уйини кулбаи аҳзон<sup>10</sup> қилма!  
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,  
Лаълинг<sup>11</sup> киби бағримни тўла қон қилма!

<sup>1</sup> Р а б (б) — Оллоҳ.

<sup>2</sup> У з р х о ҳ — узр сўраш.

<sup>3</sup> И т о б — ғазаб.

<sup>4</sup> Б и л м о н — билмайман.

<sup>5</sup> Й у й д у н г м у — ювдингми?

<sup>6</sup> У й — қорамол.

<sup>7</sup> С а х л — осон топилади.

<sup>8</sup> Г у з а р — ўтмоқ, бормоқ.

<sup>9</sup> И ш р а т — шодлик.

<sup>10</sup> К у л б а и а ҳ з о н — ғамхона.

<sup>11</sup> Л а ъ л — лаб.

Хар зулфтин, эй кўнгул, паришон бўлма,  
Хар юзга ҳам асру<sup>1</sup> зору ҳайрон бўлма.  
Мен сенга демонки, тарки ишк эт, лекин,  
Андок килким, сўнгра пушаймон бўлма!

Мунча мени зор, эй юзи хуршид<sup>2</sup>, этма,  
Фуркат<sup>3</sup> аламини менга жовид<sup>4</sup> этма.  
Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,  
Тенгри учун, эй ой, мени навмид<sup>5</sup> этма.

Давлатка етиб, меҳнат элин унутма!  
Бу беш кун учун ўзунгни асру<sup>6</sup> тутма!  
Борғонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,  
Бориш-келишингни лутф<sup>7</sup> этиб, ўксутма!<sup>8</sup>

<sup>1</sup> А с р у – роса, жудаям.

<sup>2</sup> Х у р ш и д – куёш.

<sup>3</sup> Ф у р к а т – жудолик, айрилик.

<sup>4</sup> Ж о в и д – абадий, доимий.


<sup>5</sup> Н а в м и д – ноумид, умидсиз.

<sup>6</sup> А с р у – жуда мағрур.


<sup>7</sup> Л у т ф – илтифот.

<sup>8</sup> Ў к с у т м а – камайтирма, озайтирма.






Хижрон<sup>1</sup> аро ёд этиб мени шод айла,  
Махжур<sup>2</sup> кўнглумни ғамдин озод айла<sup>3</sup>  
Бу хатни анинг учун битидим мунда,  
Кўрган сойи<sup>4</sup> хатимни мени ёд айла!



Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,  
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла.  
Бас<sup>5</sup> тийраю<sup>6</sup> нохуш этти ҳажринг бизни,  
Энди қилалинг хў<sup>7</sup> хаёлинг бирла.



Рухум яратиб эдинг латофат<sup>8</sup> бирла,  
Қилдинг анга танни ҳамрах офат бирла.  
Рухумни чу тан уйига келтурдунг пок,  
Мундин нори элтма касофат<sup>9</sup> бирла.

---

<sup>1</sup> **Х и ж р о н** — айрилик, жудолик.

<sup>2</sup> **М а х ж у р** — айриликда қолган.

<sup>3</sup> **О з о д а й л а** — кутқаргин.

<sup>4</sup> **С о й и** — сайин.



<sup>5</sup> **Б а с** — жуда, воят.

<sup>6</sup> **Т и й р а** — ғамли.


<sup>7</sup> **Х ў** — одатланмоқ, кўникмоқ.

<sup>8</sup> **Л а т о ф а т** — латифлик.


<sup>9</sup> **К а с о ф а т** — гуноҳкорлик, осийлик.



Сен анда фароғу<sup>1</sup> айшу ишрат бирла,  
Мен мунда хароб<sup>2</sup> ранжу<sup>3</sup> мехнат<sup>4</sup> бирла.  
Асрармен ўзум бирла сени накш қилиб,  
Хурсанд бўлурмен ушбу сурат бирла.



Нетгай киши бу фалак нифоқи<sup>5</sup> бирла,  
Этгай бу фалак оту сўроқи бирла.  
Гаҳ тиргузадур висол айёмидин,  
Гаҳ ўлтурадур шоми фироқи<sup>6</sup> бирла.



Рафторию<sup>7</sup> каддиға равоним<sup>8</sup> садқа,  
Бир боқишиға икки жаҳоним садқа.  
Оғзию белиға буду нобудум<sup>9</sup> сарф,  
Кўзию лабиға жисму жоним садқа.

---

<sup>1</sup> **Ф а р о ғ а т** — хотиржамлик, роҳат-фароғат.

<sup>2</sup> **Х а р о б** — зор; озғин.

<sup>3</sup> **Р а н ж** — қийналиш, азоб.

<sup>4</sup> **М е х н а т** — азоб-машаққат.

<sup>5</sup> **Н и ф о қ** — макр, келишмовчилик.

<sup>6</sup> **Ф и р о қ** — айрилик, жудолик.

<sup>7</sup> **Р а ф т о р** — юриш.

<sup>8</sup> **Р а в о н** — жон; қон.

<sup>9</sup> **Б у д у н о б у д** — бору йўқ.

Бобур мутаважжих<sup>1</sup> ўлса Лангар<sup>\*</sup> сорига,  
Килмас назаре бихишту<sup>2</sup> кавсар<sup>3</sup> сорига.  
Сендин тилагумдур мадад, эй шох Ғиёс<sup>\*</sup>,  
Ҳар вақтки, азм<sup>4</sup> айласам ҳар сорига.

Азм<sup>5</sup> айла, сабо<sup>6</sup>, ет гули хандонимға,  
Не гулки, қуёшдек мохи<sup>7</sup> тобонимға<sup>8</sup>.  
Етгил доғи иштиёқ ила Бобурдин,  
Зинҳор дегил салом тукқонимға!<sup>9</sup>

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,  
Лекин, бордим юзунгни кўрмай, юз оҳ,  
Ҳамсуҳбату ҳамрахни нетай бу йўлда?  
Дардинг менга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ!<sup>10</sup>

<sup>1</sup> **М у т а в а ж ж и х** — жўнамоқ, йўлга тушмоқ.

<sup>2</sup> **Б и х и ш т** — жаннат.

<sup>3</sup> **К а в с а р** — жаннатдаги ҳовуз.

<sup>4</sup> **А з м** — йўл олмоқ, жўнамоқ.

<sup>5</sup> **А з м** — жўнамоқ, бормоқ.

<sup>6</sup> **С а б о** — тонгги ел, сарин ел.

<sup>7</sup> **М о х** — ой.

<sup>8</sup> **Т о б о н** — порлоқ.

<sup>9</sup> **Т у қ қ о н** — туғишган, қариндош.

<sup>10</sup> **Ҳ а м р о ҳ** — йўлдош.

\* **Л а н г а р** — Хуросондан Ҳиндистонга борадиган йўлдаги “Лангари Мир Ғиёс” васф этилган. **Ш о х Ғиёс** — Афғонистондаги Ғурийлар сулоласи вакили Султон Ғиёсиддин Ғурий. (*Масъул муҳаррир*).

Не хеш<sup>1</sup> мени хушлар-у, не бегона,  
Не ғайр<sup>2</sup> ризо мендину, не жонона.  
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун<sup>3</sup>,  
Халқ ичра ёмонлиғ била мен афсона<sup>4</sup>

Бу даҳр<sup>5</sup> аро гар эхтимоли бўлса,  
Мендек сенга ёри лоуболи<sup>6</sup> бўлса.  
Ул ёр бaсе<sup>7</sup> нозику, йўқ менда адаб,  
Мендин, не ажаб, агар малoли бўлса.

Ёр улдурким, шеърға майли бўлса,  
Нетгай киши шеър ғайр<sup>8</sup> хайли<sup>9</sup> бўлса?!  
Ағёрнинг<sup>10</sup> озорини ҳар ҳол била  
Чеккаймен, агар ёр туфайли бўлса.

<sup>1</sup> **Хеш** — қариндош.

<sup>2</sup> **Ғайр** — ўзга, бегона, ёт.

<sup>3</sup> **Афсун** — сўз, гап, панд-насихат.

<sup>4</sup> **Афсона** — гап-сўз; машхур, таниғлик.

<sup>5</sup> **Даҳр** — олам, дунё.

<sup>6</sup> **Лоубол** — бепарво, лоқайд.

<sup>7</sup> **Бaсе** — жуда, ўта.

<sup>8</sup> **Ғайр** — ёт, бегона.

<sup>9</sup> **Хайл** — гуруҳ, давра.

<sup>10</sup> **Ағёр** — бегона, ёт.

Дунё бориси манга мусаххар<sup>1</sup> бўлса,  
Уқбода<sup>2</sup> доғи<sup>3</sup> Худой ёвар<sup>4</sup> бўлса.  
Будур тилагим икки жаҳонда Хақдин,  
Хар не тиласам, бори муяссар бўлса!

Бобур била Мир\* иттифоки бўлса,  
Йўқтур ғам агар жаҳон нифоқи<sup>5</sup> бўлса.  
Будур тилагимки, шоҳ даргохида  
Мен банда<sup>6</sup> учун хамиша боқий бўлса!

Кўнглунгга нечаки, сайр матлуб<sup>7</sup> ўлса,  
Аҳбобни<sup>8</sup> сўрмоқ доғи марғуб<sup>9</sup> ўлса.  
Гар ҳажринг имтидоди<sup>10</sup> мундин ортар,  
Қолмас манга сабр — сабри Айюб\* ўлса.

<sup>1</sup> **М у с а х х а р** — эгалланган.

<sup>2</sup> **У қ б о** — у дунё, боқий дунё.

<sup>3</sup> **Д о в и** — ҳам.

<sup>4</sup> **Ё в а р** — мададкор, хомий.

<sup>5</sup> **Н и ф о қ** — келишмовчилик.

<sup>6</sup> **Б а н д а** — қул.



<sup>7</sup> **М а т л у б** — исталган, талаб этилган.

<sup>8</sup> **А х б о б** — дўстлар, кадрдонлар.


<sup>9</sup> **М а р ғ у б** — ёқимли, дилкаш.

<sup>10</sup> **И м т и д о д** — муддат, узайиш.


\* **М и р** — Бобурнинг сафдоши Хожа Калон. **А й ю б** — Қуръонда бевосита зикр этилган, Шарқ мумтоз адабиётида сабрбардош тимсолига айланган пайғамбар. (*Масъул муҳаррир*).

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа<sup>1</sup> мени,  
Ҳар лаҳза тугонгусиз машаққатқа мени.  
Не чора қилай, нетайки, Тенгри гўё,  
Мехнатни<sup>2</sup> менга яратти, мехнатқа — мени.



Бедард хабиб<sup>3</sup> билмади дардимни,  
Туфрокча кўрмади рухи<sup>4</sup> зардимни<sup>5</sup>  
Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,  
Кеттим муна<sup>6</sup>, эмди топмағай гардимни.



Кўнгли тилаган муродиға етса киши,  
Ё борча муродларни тарк этса киши.  
Бу икки муяссар ўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

---

<sup>1</sup> **Ғ у р б а т** — ғариблик, ватандан йироқларда яшаш.



<sup>2</sup> **М е х н а т** — азоб-машаққат.

<sup>3</sup> **Ҳ а б и б** — дўст, кадрдон.


<sup>4</sup> **Р у х** — юз, чеҳра, бет.

<sup>5</sup> **З а р д** — сариқ, заҳил.


<sup>6</sup> **М у н а** — мана.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.  
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, ох,  
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.



Хуш улки, баҳор фасли бу дунёда,  
Бўлғай тараб<sup>1</sup> асбоби бори омода<sup>2</sup>.  
Ғар бўлмаса асбоб, этолинг дангона<sup>3</sup>,  
Мендин газаку таом, сендин — бода<sup>4</sup>.



Аҳбобқа қилсанг гузар<sup>5</sup>, эй ел, ногоҳ,  
Ул жамъни<sup>6</sup> бу сўзумдин этгил огоҳ.  
Сиз кўргандек эсон-саломаттурмиз,  
Сиз доғи<sup>7</sup> эсон бўлғосиз, иншооллоҳ!<sup>8</sup>

---

<sup>1</sup> **Т а р а б** — шодлик, хурсандчилик.

<sup>2</sup> **О м о д а** — тайёр, тайёрланган.

<sup>3</sup> **Д а н г о н а** — халфана.

<sup>4</sup> **Б о д а** — май.

<sup>5</sup> **Г у з а р** — ўтмоқ, бормоқ.

<sup>6</sup> **Ж а м ъ** — гуруҳ, давра.

<sup>7</sup> **Д оғ и** — ҳам.

<sup>8</sup> **И н ш о о л л о ҳ** — Худо хоҳласа.

Жон вола<sup>1</sup> эрур лаъли<sup>2</sup> шакарборингга<sup>3</sup>,  
Кўнглум ҳам эрур хароб<sup>4</sup> рухсорингга<sup>5</sup>  
Гуфторинг<sup>6</sup> эрур бошдин-аёқ борчаси хўб<sup>7</sup>,  
Мен банда<sup>8</sup> бўлай боштин-аёқ борингга.

Эй, ой юзунг оллида қуёш шарманда,  
Ширин сўзу яхши хулқунгга мен банда,  
Ҳижронда неча нома<sup>9</sup> била сўзлашалинг,  
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

Оворалиф<sup>10</sup> асру хонумондин яхши,  
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.  
Овора бўлурни яхши эрмас демагил,  
Бўлсам агар овора, не ондин яхши?!

<sup>1</sup> **Вола** — мафтун, махлиё.

<sup>2</sup> **Лаъл** — лаб.

<sup>3</sup> **Шакарбор** — шакарсочар, ширинсўз.

<sup>4</sup> **Хароб** — зор, интиқ.

<sup>5</sup> **Рухсор** — юз, чехра, бет.

<sup>6</sup> **Гуфтор** — сўз, нутқ.



<sup>7</sup> **Хўб** — яхши, нафис.

<sup>8</sup> **Банда** — қул.


<sup>9</sup> **Нома** — хат, мактуб.

<sup>10</sup> **Оворалиф** — дайдилиқ, сайёҳлик.




Ҳар сўзники дермен санга, лоф ўлмағуси,  
Бемаънию харзаю<sup>1</sup> газоф<sup>2</sup> ўлмағуси.  
Ул ишта агар мухолафат<sup>3</sup> айларсен,  
Тенгри хақи, бу сўзда хилоф ўлмағуси.



Эй ёр, жафо расми чикормок не эди?!  
Ё меҳр гиёҳини кўнғормок<sup>4</sup> не эди?  
Бир меҳр, яна лутф, яна жавр недур?  
Бир бординг-у, келдинг, яна бормок<sup>5</sup> не эди?



Гар меҳр била бу чарх<sup>6</sup> зврулса<sup>7</sup> эди,  
Жонлардин анинг жавфи<sup>8</sup> керак тўлса эди.  
Бобур киби жонға меҳр боғлар эрдим,  
Гар ушбу жаҳонда Меҳржон<sup>9</sup> бўлса эди.

---

<sup>1</sup> **Харза** — бемаъни.

<sup>2</sup> **Газоф** — бехуда.

<sup>3</sup> **Мухолафат** — мухолифлик.

<sup>4</sup> **Кўнғормок** — юлиб ташламоқ.

<sup>5</sup> **Бормок** — кетмоқ.

<sup>6</sup> **Чарх** — фалак, олам.

<sup>7</sup> **Зврулса** — айланса.

<sup>8</sup> **Жавф** — бағир, қўйин.

<sup>9</sup> **Меҳржон** — Бобурнинг кизи.



Холимға, керак, хабиб<sup>1</sup> эврулса<sup>2</sup> эди,  
Ишрат қадахи хабибдин тўлса эди.  
Хуш вақттурур ёз, вале<sup>3</sup> нохушмен,  
Хушвақт бўлур эдим, чоғир<sup>4</sup> бўлса эди.



Жон аҳди бор, эй нигор, етмасму эди?  
Ул аҳд била қарор етмасму эди?  
Эмди доғи<sup>5</sup> васл интизорин берасан,  
Мунча маҳал<sup>6</sup> интизор етмасму эди?



Гурбат<sup>7</sup> тузи<sup>8</sup> ёпқон рухи<sup>9</sup> зардимниму<sup>10</sup> дей?  
Ё хажр чиқарғон охи сардимниму<sup>11</sup> дей?  
Холинг недурур? Билурмусен дардимни?  
Холингни сўрайму, йўкса, дардимниму дей?!

<sup>1</sup> **Х а б и б** — дўст.

<sup>2</sup> **Э в р у л с а** — айланиб-ўргилса.

<sup>3</sup> **В а л е** — лекин.

<sup>4</sup> **Ч оғ и р** — май.

<sup>5</sup> **Д оғ и** — хам.

<sup>6</sup> **М а ҳ а л** — вақт, пайт.

<sup>7</sup> **Г у р б а т** — ғариблик, ёт юрда яшаш.

<sup>8</sup> **Т у з** — чанг, гард.

<sup>9</sup> **Р у х** — юз, чехра.

<sup>10</sup> **З а р д** — сариқ.

<sup>11</sup> **С а р д** — совук.

Ишванг била гамзангнию<sup>1</sup> нозингниму дей?  
Жаврунг била сўзунгу гудозингниму<sup>2</sup> дей?  
Сўзунг, килифинг, навозишингму<sup>3</sup> айтай?  
Овозу усулингнию созингниму дей?

Кўзум уйи юзидин мусаввар<sup>4</sup> бўлди,  
Бу важх<sup>5</sup> била кўнгул мунаввар<sup>6</sup> бўлди.  
Юз шукрки, Бобур киби ошикликда,  
Хар неки тилаб эдим — муяссар бўлди.

Хаттингни кўруб, кўнгулга хайрат бўлди,  
Шеъринг эшитиб, жонға масаррат<sup>7</sup> бўлди.  
Бу неча маҳал тавофул<sup>8</sup> эттинг, демагил,  
Толеъ йўк эдики, мунча рафлат бўлди.

<sup>1</sup> **Г а м з а** — кўз сузиш.

<sup>2</sup> **Г у д о з** — куйдириш.

<sup>3</sup> **Н а в о з и ш** — эркалаш.

<sup>4</sup> **М у с а в в а р** — расм солинган.

<sup>5</sup> **В а ж х** — сабаб, боис.

<sup>6</sup> **М у н а в в а р** — ёруғ.

<sup>7</sup> **М а с а р р а т** — шодлик.

<sup>8</sup> **Т а в о ф у л** — рафлатда қолиш.

Эй пайк<sup>1</sup>, бориб сано<sup>2</sup> била куллук, де!  
Ер ўп, доғи<sup>3</sup> кўп<sup>4</sup>, адо била куллук, де!  
Гар ёр мени хастани сўрса зинҳор,  
Мендин юкунуб<sup>5</sup>, дуо била куллук, де!

Номанги<sup>6</sup>, тириклигим нишони<sup>7</sup> эрди,  
Хар сатри ҳаёти жовидони<sup>8</sup> эрди.  
Хар лафзида<sup>9</sup> ошкор юз харфи вафо,  
Хар харфда юз меҳр ниҳони<sup>10</sup> эрди.

Ишқингда кўнгул харобдур<sup>11</sup>, мен не қилай?  
Ҳажрингда<sup>12</sup> кўзум пуробдур<sup>13</sup>, мен не қилай?  
Жисмим аро печу тобдур<sup>14</sup>, мен не қилай?  
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

<sup>1</sup> П а й к — элчи, хабар элтувчи.

<sup>2</sup> С а н о — мадх, мактов.

<sup>3</sup> Д о ғ и — ҳамда.

<sup>4</sup> К ў п — тургин.

<sup>5</sup> Ю к у н м о қ — эгилиб таъзим қилмоқ.

<sup>6</sup> Н о м а — мактуб.

<sup>7</sup> Н и ш о н — белги.

<sup>8</sup> Ж о в и д о н — абадий.

<sup>9</sup> Л а ф з — сўз.


<sup>10</sup> Н и ҳ о н — яширин.

<sup>11</sup> Х а р о б — адои тамом бўлган.


<sup>12</sup> Ҳ а ж р — айрилик.

<sup>13</sup> П у р о б — сурсув.


<sup>14</sup> П е ч у т о б — тўлғаниш.



Шоҳим, санга маълум эмастур, не қилай?  
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?  
Мен юзу кошинг дермен-у, сен — бадру<sup>1</sup> хилол<sup>2</sup>,  
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?



Бошимни туфайл<sup>3</sup> ул саромадка<sup>4</sup> қилай,  
Жонимни фидо ўшал сихи<sup>5</sup> кадка қилай.  
Бу хаста кўнгул била хамида<sup>6</sup> кадни  
Кўзи била зулфиға анинг садка қилай.



Етсам санга, қулдугумни чўк<sup>7</sup> арз қилай,  
Сен етсанг-у, мен десамки, йўқ, арз қилай.  
Кўптур сўзуму маҳрам<sup>8</sup> эмас ҳеч киши,  
Рухсат эса, тобуғунгда-ўқ<sup>9</sup> арз қилай.

---

<sup>1</sup> Б а д р — тўлин ой.

<sup>2</sup> Х и л о л — янги ой.

<sup>3</sup> Т у ф а й л — садка, баришламек.

<sup>4</sup> С а р о м а д — мумтоз.

<sup>5</sup> С и х и — тик, адил.

<sup>6</sup> Х а м и д а — букик.

<sup>7</sup> Ч ў к — кўп.

<sup>8</sup> М а х р а м — сирдош.

<sup>9</sup> Т о б у г у н д а - ў қ — қаршингдаёк, олдингдаёк.



Ҳажрингда<sup>1</sup> бу тун кўнгулда қайғу эрди,  
Васлингға етишмадим — жиҳат<sup>2</sup> бу эрди:  
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин  
Йўл балчик эди, кеча қаронғу эрди!



Ҳажрингда, агарчи жонға бедод<sup>3</sup> эрди,  
Сенсиз манга юз фиғону фарёд эрди.  
Фикрингдин эрди, валек<sup>4</sup>, хурсандлиғим,  
Зикринг била бу хаста кўнгул шод эрди.



Хотирға хутур<sup>5</sup> этти бу сўз ёнгла<sup>6</sup>, ахи<sup>7</sup>,  
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахи.  
Умрунгни бу кун хуш кечир аҳбоб<sup>8</sup> илаким,  
Топилмагусидур ушбу кун тонгла<sup>9</sup>, ахи.

---

<sup>1</sup> **Ҳ а ж р** — айрилик.

<sup>2</sup> **Ж и х а т** — сабаб.

<sup>3</sup> **Б е д о д** — зулм.

<sup>4</sup> **В а л е к** — лекин.



<sup>5</sup> **Х у т у р** — дахл, келиш.

<sup>6</sup> **Ё н г л а** — яқиндагина.


<sup>7</sup> **А х и** — ахир.

<sup>8</sup> **А х б о б** — дўстлар.


<sup>9</sup> **Т о н г л а** — эрта, эрта эрталаб.

Эшитса киши бу шўру шеван<sup>1</sup>, не дегай?  
Доим бу тарийк<sup>2</sup> ичкуни<sup>3</sup> кўрган не дегай?  
Душман сўзига кирма, эпит дўст сўзин,  
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?



Хижрон<sup>4</sup> аро неча нома<sup>5</sup> тахрир<sup>6</sup> қилай,  
Хома<sup>7</sup> тили бирла ҳол тақрир<sup>8</sup> қилай.  
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,  
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?



Менинг тилагим будурки, то зинда<sup>9</sup> бўлай,  
Ҳар қанда эсанг, банда<sup>10</sup> доғи<sup>11</sup> анда бўлай.  
Не хулқ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,  
Ширин сўзу яхши хулқунгга банда бўлай!

---

<sup>1</sup> Ш ў р у ш е в а н — ғавро-тўполон.

<sup>2</sup> Т а р и й к — йўсин.

<sup>3</sup> И ч к у — ичимлик.

<sup>4</sup> Ҳ и ж р о н — айрилиқ.

<sup>5</sup> Н о м а — хат, мактуб.

<sup>6</sup> Т а х р и р — ёзмақ.

<sup>7</sup> Х о м а — қалам, ёзғич.

<sup>8</sup> Т а қ р и р — баён этмоқ.

<sup>9</sup> З и н д а — тирик.

<sup>10</sup> Б а н д а — қул, мен.

<sup>11</sup> Д о ғ и — ҳам.

Хуснунгни сенинг кимки таақкул<sup>1</sup> қилғай,  
Сендин бошқа нечук тажаммул<sup>2</sup> қилғай?  
Бу табъу<sup>3</sup>, бу ихтилотким<sup>4</sup>, сендадурур,  
Не менки, бори олам элин кул қилғай.

Ашъорингким<sup>5</sup>, шеър оти то бўлғай,  
Табъ аҳли<sup>6</sup> анга волау<sup>7</sup> шайдо бўлғай.  
Хар лафзи<sup>8</sup> дурру<sup>9</sup> баҳри маоний<sup>10</sup> анда,  
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай.

Арбоби ҳасадки<sup>11</sup>, дунёдин дур<sup>12</sup> ўлғай,  
Истар севаридин киши маҳжур<sup>13</sup> ўлғай.  
Доим кўрайин юзунг ало<sup>14</sup> рағми<sup>15</sup> ҳасуд<sup>16</sup>,  
Хар ким кўра олмаса, кўзи кўр ўлғай.

<sup>1</sup> **Та а қ ку л** — ақлни ишлатмок.

<sup>2</sup> **Та ж а м му л** — безаниш, пардозланиш; дабдаба.

<sup>3</sup> **Та б ъ** — қобилият, истеъдод.

<sup>4</sup> **И х т и л о т** — муносабат.

<sup>5</sup> **А ш ъ о р** — шеърлар.

<sup>6</sup> **Та б ъ а ҳ л и** — шоирлар.

<sup>7</sup> **Во ла** — мафтун.

<sup>8</sup> **Ла ф з** — сўз.

<sup>9</sup> **Д у р р** — гавхар.

<sup>10</sup> **Ба ҳ р и ма о н и й** — маънолар денгизи.

<sup>11</sup> **А р б о б и ҳ а с а д** — ҳасадчилар.

<sup>12</sup> **Д у р** — йирок.



<sup>13</sup> **Ма ҳ ж у р** — жудо, йирок.

<sup>15</sup> **Рағ м** — қасдига, ақсига.


<sup>14</sup> **А ло** — эй.

<sup>16</sup> **Ха с у д** — ҳасадчи.




Носих<sup>1</sup> сўзи санга неча мардуд<sup>2</sup> ўлгай.  
Яхшию ямон кошингда нобуд<sup>3</sup> ўлгай.  
Бор, эмди маош<sup>4</sup> бир навъ этким,  
Ҳақ розию олам эли хушнуд<sup>5</sup> ўлгай.



Юз жаҳд<sup>6</sup> ила етмай санга, эй ой, нетай?  
Ҳажринг<sup>7</sup> аламида неча йиғлой, нетай?  
Йўқ санга вафою раҳму парвой<sup>8</sup>, нетай?  
Эй вой, нетай? Вой, нетай? Вой, нетай?



Мен неча жафою жаврунга сабр этай?  
Бир зарра вафою меҳр йўқ сенда, нетай?  
Чун бошим аёғингга қўярға ярамас,  
Бошимни олиб аёқ етганча кетай!

---

<sup>1</sup> Н о с и х — насихатчи.

<sup>2</sup> М а р д у д — рад этилган, номаъқул.

<sup>3</sup> Н о б у д — мавжуд эмас.

<sup>4</sup> М а о ш — тирикчилик.

<sup>5</sup> Х у ш н у д — шод.

<sup>6</sup> Ж а ҳ д — тиришмоқ.

<sup>7</sup> Ҳ а ж р — айрилик.

<sup>8</sup> П а р в о й — парво, эътибор.



Ахбоб<sup>1</sup>, фироқингиз<sup>2</sup> била эл нетгай?  
Сизларга киши не чора айлаб етгай?  
Жамъиятингизни жамъ тутқай Тенгри,  
Бобурни доғи<sup>3</sup> бу жамъда жамъ этгай.



Қосидки<sup>4</sup> йибординг, айлади шод мени,  
Доим бу йўсунлук айлагил ёд мени.  
Озодингга кул бўлайки, хатинг кетуруб,  
Ҳажринг ғамидин айлади озод мени.



Ҳар ким деса бурно<sup>5</sup> ё агар ёнгла<sup>6</sup> мени,  
Ўзунгга мусоҳибу<sup>7</sup> муҳиб<sup>8</sup> англа мени.  
Бу кун мени ёд этиб, унутма тонгла<sup>9</sup>,  
Зинҳорки, кўз тут ушбу кун тонгла мени.

---

<sup>1</sup> А х б о б — дўстлар.

<sup>2</sup> Ф и р о қ — айрилик.

<sup>3</sup> Д о ғ и — ҳам.

<sup>4</sup> Қ о с и д — элчи, хабарчи.



<sup>5</sup> Б у р н о — бурун, илгари.

<sup>6</sup> Ё н г л а — янгигина, хозиргина.


<sup>7</sup> М у с о ҳ и б — суҳбатдош.

<sup>8</sup> М у ҳ и б ( б ) — сеvimли.


<sup>9</sup> Т о н г л а — эртага.



Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,  
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.  
Кўзини ёруқ айлади саводи<sup>1</sup> бирла,  
Мазмуни била кулоқни пурдур<sup>2</sup> қилди.



Ҳижрон<sup>3</sup> ғамидин заиф жоним сўлди,  
Фурбат<sup>4</sup> алами бирла ичим қон бўлди.  
Юз шукрки, мунча йилғи ғам бирла алам  
Роҳат била ишратка<sup>5</sup> мубаддал<sup>6</sup> ўлди.



Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники, айладим — хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни кўйиб, Ҳинд<sup>7</sup> сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!

---

<sup>1</sup> С а в о д — ёзув қораси, сиёҳи.

<sup>2</sup> П у р д у р — гавҳарга тўла.

<sup>3</sup> Ҳ и ж р о н — айрилиқ.

<sup>4</sup> Ф у р б а т — ғариблиқ.

<sup>5</sup> И ш р а т — кайф-сафо.

<sup>6</sup> М у б а д д а л — бир нарсени иккинчи нарсага айланиб қолиши.

<sup>7</sup> Ҳ и н д — Ҳиндистон.



Хуснунги сенинг шухраи<sup>1</sup> офок<sup>2</sup> ўлди,  
Жон бирла кўнгул васлингга мушток<sup>3</sup> ўлди.  
Ҳажринг<sup>4</sup> аро интизор ҳадин ошти,  
Кел ё мени иста — тоқатим тоқ ўлди.



Идрокинггу табъу<sup>5</sup> ҳушунга банда<sup>6</sup> бўлай,  
Овозу усулу жўшунга банда бўлай.  
Таксим<sup>7</sup> килурда нақшларга абёт<sup>8</sup>,  
Таъриб<sup>9</sup> била ўқушунга банда бўлай.



Бу чехраи зардимдин<sup>10</sup> уёлсанг, нетгай?  
Раҳмат<sup>11</sup> назарини манга солсанг, нетгай?  
Бир ишва<sup>12</sup> била кўнгул бериб Бобурга,  
Бир бўса била кўнгулни олсанг, нетгай?

<sup>1</sup> **Ш у х р а (т)** — машхур.

<sup>2</sup> **О ф о к** — олам.

<sup>3</sup> **М у ш т о к** — зориқмоқ.

<sup>4</sup> **Ҳ а ж р** — айрилик.

<sup>5</sup> **Т а б ъ** — қобилият, истеъдод.

<sup>6</sup> **Б а н д а** — қул.

<sup>7</sup> **Т а к с и м** — бўлиш.



<sup>8</sup> **А б ё т** — байтлар.

<sup>9</sup> **Т а ъ р и б** — арабча ифода билан (ўқиш).


<sup>10</sup> **З а р д** — сарик.

<sup>11</sup> **Р а ҳ м а т** — шафқат.


<sup>12</sup> **И ш в а** — аёлнинг мафтун этувчи хатти-харакат.

Гар сидк<sup>1</sup> била бировки, ошик бўлгай,  
Маъшук висоли анга лойиқ бўлгай.  
Пир оллида топқуси муродин бешак<sup>2</sup>,  
Хар кимки, агар муриди содик<sup>3</sup> бўлгай.



Ишқинг, нетай, ихтиёрсиз қилди мени,  
Сабримни олиб, қарорсиз қилди мени.  
Олам эли ичра орсиз қилди мени,  
Зухд<sup>4</sup> аҳлиға эътиборсиз қилди мени.



Хар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб, соғинғасен ўзумни.  
Васлинг била кўнглумни Худой айлаб шод,  
Хуршиддек<sup>5</sup> ёрутти юзунг била кўзумни.

---



<sup>1</sup> Сидк — чинакам.

<sup>2</sup> Бешак — шубҳасиз.


<sup>3</sup> Содик — ҳақиқий.

<sup>4</sup> Зухд — такводорлик.


<sup>5</sup> Хуршид — қуёш.



Ёр кўб бемехрдур, толеъ басе ноиътаמיד<sup>1</sup>,  
Ваҳки, кун-кундин бўлурмен ўз-ўзимдин ноумид.  
Васли<sup>2</sup> борғондек кўнгулдин, борди илгимдин<sup>3</sup> кўнгул,  
Не менга андин хабардур, не анга мундин навид<sup>4</sup>



Келки, бормай, сени кўрмай юз туман<sup>5</sup> армон била,  
Мақдамингда<sup>6</sup> нақди умрум сарф айлай жон била.  
Неча истарсен менинг дардимга дармон, эй табиб,  
Ишқ дарди яхши бўлвайму экин дармон била?



Неча меҳрсизликни ҳижрон<sup>7</sup> йўлига борғай?  
Ким бу йўлдин, эй кўнгул, ул қуёшни қайтарғай?  
Ҳеч эшитмайин сўзни, ғамга солдилар ўзни,  
Ё кўнгулдни, ё кўзни, — қайси бирисин қарғай?

---

<sup>1</sup> Ноиътаמיד — ишончсиз.

<sup>2</sup> Васл — висол.

<sup>3</sup> Илгим — қўлим.

<sup>4</sup> Навид — хушхабар.

<sup>5</sup> Туман — ўн минг.

<sup>6</sup> Мақдам — келиш, ташриф буюриш.

<sup>7</sup> Ҳижрон — айрилик.



*Маснавийлар*

Сабо<sup>1</sup>, ул гул харимиға<sup>2</sup> гузар қил,  
Менинг ҳолимдин ул гулга<sup>3</sup> хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,  
Яна мундоқ<sup>4</sup> дегил ул дилситонға:<sup>5</sup>

“Юзунгни кўрсатиб, кўнглумни олдинг,  
Олиб кўнглумни, кўздин мени солдинг<sup>6</sup>.”

Дегил дилдорлиғ мундоқ бўлурму?  
Тарийқи<sup>7</sup> ёрлиғ мундоқ бўлурму?

Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,  
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,  
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат<sup>8</sup>,  
Вале<sup>9</sup>, бордур сенга мендин фароғат<sup>10</sup>

<sup>1</sup> Сабо — тоғ ели.

<sup>2</sup> Харим — манзил, жой.

<sup>3</sup> Гул — мажозан: киз.

<sup>4</sup> Мундоқ — бундай.

<sup>5</sup> Дилситон — дилни махлиё этувчи.

<sup>6</sup> Солдинг — нари улоқтирдинг.

<sup>7</sup> Тарийқ — расм, одат, йўсин; йўл.

<sup>8</sup> Фароғат — ҳузур-халоват.

<sup>9</sup> Вале — бироқ.

<sup>10</sup> Фароғат — йироқлик, безорлик.





Мени аввал ўзунгга ҳамдам эттинг,  
Ёна<sup>1</sup> билмон нега номахрам<sup>2</sup> эттинг.

Сўзунгким, Хизр суйидин<sup>3</sup> нишондур,  
Вале, ул сув киби мендин нишондур<sup>4</sup>

Не, яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,  
Жафо ойинини хаддин ошурмоқ?

Бировнингким, бировдин кўнгли қолур,  
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

Ажабким, мендин, эй дилдор, тўйдунг,  
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни.  
Бу сўзлар бирла хор этма<sup>5</sup> ўзунгни.

Агарчи қўп сўзунг бор, мухтасар<sup>6</sup> қил,  
Ул ойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким, ёшурдунг, айтмассен,  
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

<sup>1</sup> Ёна — яна.

<sup>2</sup> Номахрам — ёт, бегона.

<sup>3</sup> Хизр суйи — обихаёт. Хизр — Қуръонда билвосита зикр этилган пайгамбар.

<sup>4</sup> Нишон — яширин.

<sup>5</sup> Ойин — расм, йўсин, одат; қонун-қоида.

<sup>6</sup> Хор этма — хўрлама.

<sup>7</sup> Мухтасар — қисқа.

Сенинг севмаслигингни жазм<sup>1</sup> этармен,  
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботрок<sup>2</sup> йибормассен жавобим,  
Бу хатдин ортук ўлур печу тобим<sup>3</sup>

Эй пайки сабо<sup>4</sup>, котимға<sup>5</sup> келгил!  
Эшит бу сўзумни, дови<sup>6</sup> билгил!

Елдек етиб ул қуёш<sup>7</sup> қошиға,  
Қуюн киби эврүлүб<sup>8</sup> бошиға,

Юз хасрату иштиёқ бирла,  
Юз минг алами фирок<sup>9</sup> бирла,

Мендин тобуғида<sup>10</sup> бўйла<sup>11</sup> арз эт,  
Бу хидматни ўзунгга фарз<sup>12</sup> эт:

“К-эй подшаҳи вилояти хусн!  
Шонингда<sup>13</sup> келибтур ояти хусн!

<sup>1</sup> **Ж а з м** — йўймок, сезмок.

<sup>2</sup> **Б о т р о к** — тезрок.

<sup>3</sup> **П е ч у т о б и м** — тўлганишим.

<sup>4</sup> **П а й к и с а б о** — тонг ели даракчиси.

<sup>5</sup> **К о т** — олди, ёни.

<sup>6</sup> **Д о в и** — ҳам, ҳамда.

<sup>7</sup> **Қ у ё ш** — мажозан: маҳбуба, ёр.

<sup>8</sup> **Э в р у л м о қ** — айланмок.

<sup>9</sup> **Ф и р о қ** — айрилиқ.

<sup>10</sup> **Т о б у ғ и** — олди, ёни.

<sup>11</sup> **Б ў й л а** — бундай.

<sup>12</sup> **Ф а р з** — парт, зарур.

<sup>13</sup> **Ш о н** — шаън.

Сен хусн сарири<sup>1</sup> подшоҳи!  
Мен ишқ фақири додхоҳи!<sup>2</sup>

Хажру<sup>3</sup> гаминг этти зулму бедод<sup>4</sup>,  
Эй жону жаҳон, фиғону фарёд!

Ойрилғали, эй нигор, сендин,  
Ойрилди хушу қарор мендин.

Кўзумда, агарчи, йўқ жамолинг,  
Кўнглумдадурур, вале<sup>5</sup>, хаёлинг.

Фикрим будурурки, сенга етсам!  
Зикрим будурур — сўзунг эшитсам!

Бормади<sup>6</sup> кўнгулдин ул сочу юз,  
Ёд эттим аларни кеча-кундуз.

Чун йўқ қошинга етарга хаддим<sup>7</sup>,  
Қошинг гамидан эгилди қаддим.

Зулфунг гириҳиға<sup>8</sup> бастадурмен<sup>9</sup>,  
Кўзунг хавасида хастадурмен.

<sup>1</sup> **С а р и р** — тахт.

<sup>2</sup> **Д о д х о х** — арз этувчи.

<sup>3</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>4</sup> **Б е д о д** — зулм, шафқатсизлик.

<sup>5</sup> **В а л е** — бироқ.

<sup>6</sup> **Б о р м а д и** — кетмади.

<sup>7</sup> **Х а д** — илож, чора.

<sup>8</sup> **Г и р и х** — жингалак.

<sup>9</sup> **Б а с т а** — борланган.

То оқ юзунг йирок тушти,  
Икки кўзум ичра оқ тушти.

Оғзинг ғамидинки, тангдилмен<sup>1</sup>,  
Ўлмай юрурам, не сангдилмен!<sup>2</sup>

Лутф этки, хароб бўлди холим,  
Раҳм айлаки, қолмади мажолим<sup>3</sup>

Хуш улки, юзунгни ёна<sup>4</sup> кўрсам,  
Хайрон бокибон юзунгга турсам.

Ўпсам аёнинг кўюб юзумни,  
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.

Бўйнунгга қўлум ҳамойил<sup>5</sup> этсам,  
Сарвингни<sup>6</sup> ўзумга мойил этсам.

Ғах илкима<sup>7</sup> ғабғабингни<sup>8</sup> олсам,  
Ғах оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,  
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

<sup>1</sup> **Тангдил** — юраги сикилган, зик.

<sup>2</sup> **Сангдил** — тошбағир.

<sup>3</sup> **Мажол** — мадор.

<sup>4</sup> **Ёна** — яна.

<sup>5</sup> **Ҳамойил** — қўлни бўйинга ҳалка қилиш.

<sup>6</sup> **Сарв** — ёр қомати маъносида.

<sup>7</sup> **Илким** — қўлим.

<sup>8</sup> **Ғабғаб** — бақбақа, ияк.

Гах өззимға тилингни олсам,  
Гах өззингға тилимни солсам.

Ҳосилки<sup>1</sup>, агар қошингға етсам,  
Кўнглум тилаганча ишрат этсам.

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,  
Ўлсам дағи<sup>2</sup> колмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,  
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,  
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур<sup>3</sup> кўнгулни шод қилмай,  
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Ёлғон сўз ила итоб<sup>4</sup> этарсен,  
Юз қаҳр била хитоб этарсен.

Гар ёлғони бўлса зоҳир<sup>5</sup>, эй дўст!  
Шарманда бўларсен охир, эй дўст!

Эй ёр, сен айлама тасаввур —  
Ким, кўнглини ўзга қилди Бобур.

<sup>1</sup> **Ҳ о с и л** — хуллас.

<sup>2</sup> **Д а ғ и (доғи)** — ҳам.

<sup>3</sup> **М а ҳ ж у р** — жудоликдаги.

<sup>4</sup> **И т о б** — вазаб.

<sup>5</sup> **З о х и р** — ошкора.

Юз хурсифат кошимға келса,  
Юз тиги<sup>1</sup> жафо бошимға келса.

Кўнглумда хануз ўшал вафодур!  
Бошимда дағи<sup>2</sup> ўшал хаводур!<sup>3</sup>

Фикрим ўшалу, хаёл ўшалдур!  
Дардим улу зор хол ўшалдур!

Гар мунда тараддуд этса ойим,  
Бу сўзда гувох эрур Худойим.

Хол ул эдиким, хикоят этгим,  
Гах шукру, гахи шикоят эттим.

Хар неки кўнгулда эрди — дедим,  
Эмди сендин будур умидим:

Хар ишта шитоб<sup>4</sup> қилмағайсен!  
Бу тавр<sup>5</sup> итоб<sup>6</sup> қилмағайсен!

Қолғон кўнглумни олғасен бот<sup>7</sup>,  
Олғон назарингни солғасен бот.

<sup>1</sup> **Т и г** — ханжар.

<sup>2</sup> **Д а г и** — хам.


<sup>3</sup> **Х а в о** — ҳавас.

<sup>4</sup> **Ш и т о б** — тезлик, шошқалоқлик.

<sup>5</sup> **Б у т а в р** — бундай.

<sup>6</sup> **И т о б** — ғазаб.


<sup>7</sup> **Б о т** — тез, дархол.



Гар яхшию гар ямон килурсен,  
Дедим санга, эмди сен билурсен.

То дахр<sup>1</sup> дурур, саломат ўлғил!  
Хушлук била то киёмат ўлғил!

Хушвақтлиғинг мудом бўлсун!  
Давлат санга мустадом<sup>2</sup> бўлсун!"



Хотиримни тилар эсанг, кел, қўп!  
Бу сўзумни эшитгил, эй ел, қўп!

Ул парининг ҳаримиға<sup>3</sup> гузар эт!<sup>4</sup>  
Мени девона ҳолидин хабар эт!

Дегил аввал анга саломимни,  
Яна арз айла бу паёмимни<sup>5</sup> —

Ким: “Санга номалар<sup>6</sup> равон қилдим<sup>7</sup>,  
Ҳолатимни борин баён қилдим.

Сени дедим умид ила, эй ёр —  
Ким, олиб қўнглум ўлғасен дилдор.

---

<sup>1</sup> Д а х р — дунё, жаҳон.

<sup>2</sup> М у с т а д о м — хамиша.

<sup>3</sup> Ҳ а р и м — хос маскан.

<sup>4</sup> Г у з а р э т — ўтгин, боргин.

<sup>5</sup> П а ё м — хабар, дарак.

<sup>6</sup> Н о м а — хат, мактуб.

<sup>7</sup> Р а в о н қ и л д и м — жўнатдим.

Йўқким, кўнглумга жавр қилғайсен,  
Ёрлиғни бу тавр қилғайсен!

Кам эмас эрди ёр оламда,  
Хар тараф ёр бор оламда.

Боридин сени ихтиёр эттим<sup>1</sup>,  
Жонни ишқингда беқарор эттим.

Гарчи, кўп фурқатингда<sup>2</sup> қон ютгум,  
Лек, доим висола кўз тутгум.

Билмадимким, фироқ<sup>3</sup> кўргаймен,  
Мехнати<sup>4</sup> иштиёк кўргаймен.

Номалар ёздим изтироб била,  
Сарфароз<sup>5</sup> этмадинг жавоб била.

Мунча чоғлиқ ниёз<sup>6</sup> зоҳир этиб,  
Мунча сўзу гудоз<sup>7</sup> зоҳир этиб.

Бўлмади, эй нигор, нозинг кам,  
Не қилай, элдин эхтирозинг<sup>8</sup> кам.

<sup>1</sup> **И х т и ё р** эттим — танладим.

<sup>2</sup> **Ф у р қ а т** — айрилик.

<sup>3</sup> **Ф и р о қ** — жудолик.

<sup>4</sup> **М е х н а т** — машаққат.

<sup>5</sup> **С а р ф а р о з** — сийлов; сийланган, бахтли.

<sup>6</sup> **Н и ё з** — ёлборит.

<sup>7</sup> **С ў з у г у д о з** — куйиб-ёниш.

<sup>8</sup> **Э х т и р о з** — тортинмок.



Ғаму дарду алам била тўлдум,  
Охир ул-амр<sup>1</sup> ноумид ўлдум.

Ноумид ўлуб, ўлтуруб эрдим,  
Мутахайир<sup>2</sup> бўлуб, туруб эрдим —

Ким, яна нома<sup>3</sup> бирла ёд эттинг,  
Қайғулуқ хотиримни шод эттинг!

Қўюбон бошқа, бекарор ўлдум,  
Яна боштин умидвор ўлдум\*.

Лутфлар айладинг, вале<sup>4</sup>, не суд?<sup>5</sup>  
Эмдиким, васл ишидурур нобуд<sup>6</sup>

Эй жафожўй<sup>7</sup>, мундоғинг бор эмиш,  
Кўнглунг, эй ёр, мунча юмшор эмиш.

Не бало, бердинг интизор манга,  
Кўп жафо қилдинг, эй нигор, манга.

<sup>1</sup> **О х и р у л - а м р** — пировардида.

<sup>2</sup> **М у т а х а й и р** — хайрон, хайрагда.

<sup>3</sup> **Н о м а** — хат, мактуб.

<sup>4</sup> **В а л е** — лекин.

<sup>5</sup> **С у д** — фойда.

<sup>6</sup> **Н о б у д** — йўқ.

<sup>7</sup> **Ж а ф о ж ў й** — зулмкор.



Бу қулунг санга чун керак эрди,  
Бу иноят<sup>1</sup> бўрун керак эрди.

Эмдиким, ваъдага вафо қилдинг,  
Мени ўзунгга ошно қилдинг.

Хеч билмонки<sup>2</sup>, чинмудур бу сўзунг,  
Яхшиликқа яқинмудур<sup>3</sup> бу сўзунг?

Ё бу ҳам ишваю фирибмудур?  
Дўстлукта булар хасибмудур?<sup>4</sup>

Ёрлиғни, агар, қилур бўлсанг,  
Ёрлиғ таврини<sup>5</sup> билур бўлсанг.

Ахду қавлунг<sup>6</sup> дурусту маҳкам қил!  
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам қил!

---

<sup>1</sup> **И н о я т** — лутфу марҳамат.

\* Маснавийдаги ушбу байтда “бош” сўзини ишлатишда ўзига хос сўз ўйинидан фойдаланилган. Айни маҳалда мактубни “бошқа” (бош остига) қўйиб, “бекарор” (безоята) бўлиш, “боштин” (янгидан) умидвор бўлиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур тақдиридаги сир тутилиши кўзланган ишқий муносабатлардан бирини тараннум этади. (*Масъул муҳаррир*).

<sup>2</sup> **Б и л м о н** — билмайман.

<sup>3</sup> **Я қ и н** — аниқ.

<sup>4</sup> **Х а с и б** — ҳисоб.

<sup>5</sup> **Т а в р** — усул, йўсин.

<sup>6</sup> **Қ а в л** — сўз, гап.

Чун бу дам васл иши йирокдурур,  
Кўнглумиз хастаи фирокдурур<sup>1</sup>

Хар қачон васл иши ёвуқлашса<sup>2</sup>,  
Фаму хижрон черики\* таркашса.

Ёнмоғил<sup>3</sup> айтқон ҳадисингдин!<sup>4</sup>  
Тонмағил айтқон ҳадисингдин!

Шодмон қил мени висол била,  
Ихтилот<sup>5</sup> эт бу хастахол била.

Банда<sup>6</sup> Бобурни мухтарам<sup>7</sup> қилғил,  
Махрам эт васлинга, карам<sup>8</sup> қилғил!

Санга кўнглумдагин дедим, эй ёр,  
Эмди сендин жавоб умидим бор.

Хат жавобиға йўлда бўлди кўзум,  
Вассалом, эмди хатм бўлди<sup>9</sup> сўзум”.

<sup>1</sup> **Фирок** — айрилиқ.

<sup>2</sup> **Ёвуқлашса** — яқинлашса.

<sup>3</sup> **Ёнмоғил** — қайтмагин.

<sup>4</sup> **Ҳадис** — сўз, гап.

<sup>5</sup> **Ихтилот** — муомала, аралашув.

<sup>6</sup> **Банда** — қул.

<sup>7</sup> **Мухтарам** — азиз, ҳурматли.

<sup>8</sup> **Карам** — марҳамат, олижаноблик.

<sup>\*</sup> **Черик** — қўшин, лашкар.

<sup>9</sup> **Хатм бўлди** — тугади.

Эй сабо<sup>1</sup>, елмакни кўйгил, ҳазм<sup>2</sup> қил!  
Сарвинозим кўйи<sup>3</sup> сори азм қил!<sup>4</sup>

Ел киби ет сарвинозим қошиға!  
Ҳам қуюндек эврул<sup>5</sup> онинг бошиға!

Бош кўюб ерга, ниёзим<sup>6</sup> арз қил!  
Сўрса холим сарвинозим, арз қил!

Ойтгил ул ҳусн мулки<sup>7</sup> хониға,  
Демайин хон, балки жонлар жониға:

“Кўрмайин юзунгни бемор ўлмишам,  
Ғойибона<sup>8</sup> ошиқи зор ўлмишам.

Ҳеч билмонким, билурсен, эй нигор —  
Ким, неча йилдур чекармен интизор.

Бир доғи ёд этмадинг бу неча йил,  
Хотирим шод этмадинг бу неча йил.

<sup>1</sup> **С а б о** — тонг ели.

<sup>2</sup> **Х а з м** — ҳушёрлик.

<sup>3</sup> **К ў й и** — манзили.

<sup>4</sup> **А з м қ и л** — боргин.

<sup>5</sup> **Э в р у л** — айлан.

<sup>6</sup> **Н и ё з** — ёлбормок.

<sup>7</sup> **М у л к и** — мамлақати.

<sup>8</sup> **Ғ о й и б о н а** — кўрмай туриб.

Бахрае кўрмай висолингдин даме<sup>1</sup>,  
Холи йўқ эрдим хаёлингдин даме.

Фикринг эрди дўстдору<sup>2</sup> ҳамдамим,  
Ёдинг эрди ғамгусору<sup>3</sup> махрамим.

Зарра<sup>4</sup>, эй ой, қилмадинг парво манга,  
Не бало кўрсаттинг истиғно<sup>5</sup> манга!

Қилмадинг бир зарра истиғнони кам,  
Бу на истиғнодурур, эй жонакам?<sup>6</sup>

Сен бу янглиг<sup>7</sup> маст хуснунг жомидин,  
Мен мунингдек айру васлинг комидин.

Нечаким, қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Нечаким, кўрдум жафо, қилдум вафо.

Ёвушуб эрдимки, навмид<sup>8</sup> ўлғамен,  
Ишқдин бегона жовид<sup>9</sup> ўлғамен.

<sup>1</sup> Д а м е — бирор лахза.

<sup>2</sup> Д ў с т д о р — севимли.

<sup>3</sup> Ғ а м г у с о р — ғамхўр.

<sup>4</sup> В а с с а л о м — одатий хитоб.

<sup>5</sup> З а р р а — заррача, кеч.

<sup>6</sup> И с т и ғ н о — эътибор бермаслик.

<sup>7</sup> Ж о н а к а м — жонгинам.

<sup>8</sup> Б у я н г л и г — бундай.

<sup>9</sup> Н а в м и д — ноумид.

<sup>9</sup> Ж о в и д — мангулик.

Ишк роху<sup>1</sup> расмини унуткамен.  
Зухд тавру<sup>2</sup> шевасини<sup>3</sup> туткамен —

Ким, баякногоҳ<sup>4</sup> келди қосиде<sup>5</sup>,  
Ёрдин огоҳ келди қосиде.

Васлидин бир мужда<sup>6</sup> берди ул манга.  
Жондин ортуқ мужда эрди ул манга.

Васфини нечук қилай бу мужданинг,  
Чинини қандин\* билай бу мужданинг?

Бўлса чин бир нома<sup>7</sup> келмасму эди,  
Бир насими лутф елмасму эди?

Кўйгил, эй қосид<sup>8</sup>, булар ёлғондурур,  
Меҳру хусн аҳли, бу не имкондурур?!

Мен кўрубмен хублар<sup>9</sup> жаврини кўб,  
Мен билурмен хублар таврини<sup>10</sup> хўб.

<sup>1</sup> Р а х (роҳ) — йўл, йўсин.

<sup>2</sup> Т а в р — йўсин.

<sup>3</sup> Ш е в а — одат, расм.

<sup>4</sup> Б а я к н о г а ҳ — тўсатдан.

<sup>5</sup> Қ о с и д — хабарчи.

<sup>6</sup> М у ж д а — хушхабар.

<sup>7</sup> Н о м а — хат-мактуб.

\* Қ а н д и н — қайдан?

<sup>8</sup> Қ о с и д — хабарчи.

<sup>9</sup> Х у б л а р — гўзаллар.

<sup>10</sup> Т а в р и — қилири, одати.

Гар сўзунг чиндур, яна билмак керак,  
Ёрдин бир хат олиб келмак керак.

Етгил аввал хидматиға ёрнинг,  
Бўйла арз эт ҳазратиға<sup>1</sup> ёрнинг:

“Яхши пайғомингни<sup>2</sup> еткурди расул<sup>3</sup>,  
Лутфу икромингни еткурди расул.

Гарчи қилдинг лутф, эй дилбар, манга,  
Келмади лекин булар бовар<sup>4</sup> манга.

Хажр<sup>5</sup> ўтиға неча ёнсун бу кўнгул,  
Андоқ айтгилким, инонсун бу кўнгул.

Гар вафо қилмоқ хаёлинг бордурур.  
Кўй жафониким, кўнгул музтардурур<sup>6</sup>

Бир иноятнома<sup>7</sup> бирла ёд қил!  
Қил иноят<sup>8</sup>, хотиримни шод қил!

Ё мени қошингға еткур, қил карам<sup>9</sup>,  
Ё қошимға кел, кўзумга бос қадам.

<sup>1</sup> **Хазрати** — қабули.

<sup>2</sup> **Пайғом** — хабар, дарак.

<sup>3</sup> **Расул** — хабарчи.

<sup>4</sup> **Бовар** — ишонч.

<sup>5</sup> **Хажр** — айрилик.

<sup>6</sup> **Музтар** — ночор.

<sup>7</sup> **Иноятнома** — йўқлов хати.

<sup>8</sup> **Иноят** — илтифот.

<sup>9</sup> **Карам** — илтифот, олижаноблик.

Хар неким кўнглунга келса, эй пари,  
Ул иноятномада<sup>1</sup> ёзғил бари.

Гар сенинг васлинг умиди бўлмаса,  
Васлинга етмак навиди<sup>2</sup> бўлмаса,

Ўзга бўлмас ўзни билмаклик манга!  
Балки мушқилдур тирилмаклик манга!

Васл ила фарсуда<sup>3</sup> жисмим зинда<sup>4</sup> қил!  
Лутф ила Бобурни боштин банда<sup>5</sup> қил!

Хат жавобиға чекармен интизор,  
Бот<sup>6</sup> жавобини йиборгил, эй нигор!

Хар не кўнглумда эди — дедим тамом,  
Хатм<sup>7</sup> бўлди сўзум, эмди вассалом!”

Бир кеча хотирим мушавваш<sup>8</sup> эди,  
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ<sup>9</sup> эди.

<sup>1</sup> **Иноятнома** — илтифотнома, йўқлов хати.

<sup>2</sup> **Навид** — хушxabар.

<sup>3</sup> **Фарсуда** — эзилган.

<sup>4</sup> **Зинда** — тирик.

<sup>5</sup> **Банда** — кул, асир.


<sup>6</sup> **Бот** — тез, дархол.

<sup>7</sup> **Хатм** — тамом, ниҳоя.

<sup>8</sup> **Мушавваш** — паришон.

<sup>9</sup> **Оташ** — олов.





Даҳр<sup>1</sup> ишидин фиғон<sup>2</sup> қилур эрдим,  
Хотиримни ямон қилур эрдим.

Ҳар замон даҳрни хитоб қилиб,  
Ўлтуруб, гаҳ қўпуб<sup>3</sup>, шитоб қилиб.

Дер эдим: “Эй вафоси йўк золим,  
Зулмдин етти ўлгали ҳолим!

Зулмдин ўзга ишни билмайсен,  
Мени мискинга<sup>4</sup> раҳм қилмайсен.

Ғар мен ўлтургулукмен — ўлтургил!  
Йўк эса, сўргулук эсам — сўргил!

Ҳар нечук тавр<sup>5</sup> қил, бу жавр этма!  
Ҳар нечук жавр қил, бу тавр<sup>6</sup> этма!

Йўк эди ҳеч ишим сенинг бирла,  
Ненг бор, эй даҳри дун<sup>7</sup>, менинг бирла?

---

<sup>1</sup> Д а ҳ р — дунё.

<sup>2</sup> Ф и ғ о н — фарёд, дод.

<sup>3</sup> Қ ў п у б — туриб.

<sup>4</sup> М и с к и н — бечора, бояқиш.

<sup>5</sup> Т а в р — йўсин.

<sup>6</sup> Б у т а в р — бундай.

<sup>7</sup> Д а ҳ р и д у н — тубан дунё.



Кунжи узлатта<sup>1</sup> рў<sup>2</sup> қилиб эрдим,  
Ғаму меҳнатта<sup>3</sup> хў<sup>4</sup> қилиб эрдим.

Эй хуш улким, жамии ҳамдамдин,  
Дема ҳамдамки, жумла<sup>5</sup> оламдин,

Фориғ<sup>6</sup> эрдим, қаноатим бор эди,  
Қонё<sup>7</sup> эрдим, фароғатим<sup>8</sup> бор эди.

Гўшае<sup>9</sup> ихтиёр қилғон эдим,  
Ғафлат уйқусидин ойилғон<sup>10</sup> эдим.

Яна юз ишваю фириб била,  
Ҳеч билмонки, не ҳасиб<sup>11</sup> била.

Давлат ўтрисиға<sup>12</sup> мени солдинг,  
Ғафлат уйқусиға мени солдинг.

<sup>1</sup> **К у н ж и у з л а т** — танҳолик гўшаси.

<sup>2</sup> **Р ў** — юз, чехра.

<sup>3</sup> **М е х н а т** — машаққат.

<sup>4</sup> **Х ў** — одатланган.

<sup>5</sup> **Ж у м л а** — барча.

<sup>6</sup> **Ф о р и ғ** — тинч, хотиржам.

<sup>7</sup> **Қ о н ё** — қаноатли.

<sup>8</sup> **Ф а р о ғ а т** — хотиржамлик.

<sup>9</sup> **Г ў ш а е** — бир гўша, бир чекка жой.

<sup>10</sup> **О й и л ғ о н** — уйғонган.

<sup>11</sup> **Ҳ а с и б** — ҳисоб.

<sup>12</sup> **Ў т р у** — олди, рўпараси.

Бори аҳбобни<sup>1</sup> қилиб масрур<sup>2</sup>,  
Бори аъдони<sup>3</sup> айладинг макхур<sup>4</sup>.

Ота тахтида фориғ<sup>5</sup> ўлтурдум,  
Бал<sup>6</sup>, отам кўрмагани мен кўрдум.

Олти ой ичра олти тахт олдим,  
Етти иқлима<sup>7</sup>, балки, кўз солдим.

Дедим, эмди муродима еттим,  
Билмадимки, ғалат<sup>8</sup> хаёл эттим.

Ишрату айш<sup>9</sup> вақти етган чоғ,  
Меҳнату ғусса оти йитган<sup>10</sup> чоғ,

Яна маҳруми хонумон<sup>11</sup> қилдинг,  
Яна оввораи жаҳон қилдинг.

Дарду ғамни манга анис<sup>12</sup> эттинг,  
Меҳнату ранжни жалис<sup>13</sup> эттинг.

<sup>1</sup> **А х б о б** — дўстлар.

<sup>2</sup> **М а с р у р** — шод.

<sup>3</sup> **А ъ д о** — душманлар.

<sup>4</sup> **М а к х у р** — мағлуб, шикаст кўрган.

<sup>5</sup> **Ф о р и ғ** — хотиржам.

<sup>6</sup> **Б а л** — балки.

<sup>7</sup> **И қ л и м** — китъасимон жуғрофий тушунча, минтақа.

<sup>8</sup> **Ғ а л а т** — хато.

<sup>9</sup> **И ш р а т у а й ш** — роҳат-фароғат.

<sup>10</sup> **Й и т г а н** — йўқолиб кетган.

<sup>11</sup> **Х о н у м о н** — уй-жой.

<sup>12</sup> **А н и с** — меҳрибон.

<sup>13</sup> **Ж а л и с** — ҳамдам, ҳамсухбат.

Айш ила ишратимдин айрилдим,  
Давлату иззатимдин айрилдим.

Давлату тахту иззу<sup>1</sup> жоҳ<sup>2</sup> қани?  
Ҳамдаму ҳамнишинлар<sup>3</sup>, оҳ, қани?

Борди ул айшу комронлиғлар<sup>4</sup>,  
Эмди ким кўрса ҳолатим — йиғлар.

Кўрсатиб давлат, эмгакин<sup>5</sup> на эди?  
Ерга урдунг, кўтармагинг на эди?

Бу нечук зулмдур — ниҳояти<sup>6</sup> йўқ?  
Бу на янглиғ ситамки<sup>7</sup> — ғояти<sup>8</sup> йўқ?

Даҳрга<sup>9</sup> не вафодуру не раҳм,  
Даҳр кўп бевафодуру бераҳм.

Йўктурур меҳри ҳеч кишига анинг,  
Эътимод<sup>10</sup> этма ҳеч ишига анинг.

<sup>1</sup> **И з з** — иззат-хурмат.

<sup>2</sup> **Ж о ҳ** — амал, мартаба.

<sup>3</sup> **Ҳ а м н и ш и н** — ҳамдам.

<sup>4</sup> **К о м р о н л и ғ** — даври даврон суриш.

<sup>5</sup> **Э м г а к** — машаққат.

<sup>6</sup> **Н и ҳ о я т** — сўнг, охир.

<sup>7</sup> **С и т а м** — зулм.

<sup>8</sup> **Ғ о я т** — чегараси.

<sup>9</sup> **Д а ҳ р** — дунё.

<sup>10</sup> **Э ъ т и м о д** — ишонч.

Гох куфр аҳлини мусаллат<sup>1</sup> этар,  
Аҳли диннинг ишини мунҳат<sup>2</sup> этар.

Гох бир қулни подшоҳ қилур,  
Шоҳни банда<sup>3</sup> гоҳ-гоҳ қилур.

Гоҳ жоҳилни сарбаланд<sup>4</sup> айлар,  
Гоҳ оқилни пойбанд<sup>5</sup> айлар.

Жону кўнглида жуз<sup>6</sup> жаҳолат йўқ,  
Ҳеч ишида анинг адолат йўқ.

Не вафо қилганини билса бўлур,  
Не жафосиға сабр қилса бўлур.

Не қилай, не кишидин истай дод?<sup>7</sup>  
Кимга даҳр илгидин<sup>8</sup> қилай фарёд?

Даҳри дундин<sup>9</sup> шикоятим кўптур,  
Даҳр элидин<sup>10</sup> ҳикоятим кўптур!”

<sup>1</sup> **М у с а л л а т** — мағлуб.

<sup>2</sup> **М у н ҳ а т** — пастлаштирмақ.

<sup>3</sup> **Б а н д а** — қул.

<sup>4</sup> **С а р б а л а н д** — ғолиб, донгдор.

<sup>5</sup> **П о й б а н д** — оёғи бовлиқ, маҳбус.

<sup>6</sup> **Ж у з** — бошқа, ...дан ўзга.

<sup>7</sup> **Д о д** — инсоф, адолат.

<sup>8</sup> **Д а ҳ р и л г и д и н** — дунё дастидан.

<sup>9</sup> **Д а ҳ р и д у н** — тубан дунё.

<sup>10</sup> **Д а ҳ р э л и** — халқ.

Ушбу ҳолатта нотавон<sup>1</sup> кўнглум,  
Ғуссадин топмоғон омон кўнглум.

Ўз катиқ ҳолатиға йиғлар эди,  
Кўз катиқ ҳолатиға йиғлар эди.

Келди бошимға субҳидам<sup>2</sup> охир,  
Меҳрдин урди субҳ<sup>3</sup> дам охир.

Мени “ўз” деди меҳрибонлиғдин,  
Неча сўз деди меҳрибонлиғдин.

Манга сўзларки, тонг бу тун қотти<sup>4</sup>,  
Жонима ўқлар эрди, тонг отди.

Субҳи содиқлиғи чу зоҳир эди,  
Нафаси субҳнинг муассир<sup>5</sup> эди:

“К-эй фалоний, бу не разолаттур?  
Не жаҳолаттуру не ҳолаттур?”

Неча дунё ғамидин айтмаклик,  
Кўп сўз онинг учун эшитмаклик.

Арзимас ғам емакка бу дунё,  
Бал<sup>6</sup>, отин ҳам демакка бу дунё.

<sup>1</sup> **Нотавон** – мадорсиз, шўрлик.

<sup>2</sup> **Субҳидам** – тонготар.

<sup>3</sup> **Субҳ** – тонг.

<sup>4</sup> **Қотти** – айтди.

<sup>5</sup> **Муассир** – таъсирчан.

<sup>6</sup> **Бал** – балки.

Тамаъ<sup>1</sup> узгил бу эски дунёдин,  
Хотирингдин чиқар бу дун<sup>2</sup> ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма!  
Иззат учун ўзунгни хор этма!

Кўз очиб-боккуча сафо<sup>3</sup> йўк анга,  
Кўз юмуб-очкуча бако<sup>4</sup> йўк анга.

Даҳрдин<sup>5</sup> кимга бўлма мултамаси<sup>6</sup>,  
Беш<sup>7</sup> эмас орзу била ҳаваси.

Нафснинг касбидур ҳавою ҳавас,  
Рух оллидадур булар ярамас.

Нафс душмандурур, яқин<sup>8</sup> билгил,  
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур, агарчи, ўтру<sup>9</sup> эмас,  
Лек, бир лаҳза сендин айру эмас.

<sup>1</sup> **Тамаъ** — умид.

<sup>2</sup> **Дун** — паст, ярамас.

<sup>3</sup> **Сафо** — мусаффолик; бахт-саодат; роҳат-фароғат.

<sup>4</sup> **Бако** — доимий.

<sup>5</sup> **Даҳр** — дунё.

<sup>6</sup> **Мултамас** — илтимос; бунда: илтимос қилгувчи.

<sup>7</sup> **Беш** — қўп, ортик.

<sup>8</sup> **Яқин** — аниқ.

<sup>9</sup> **Ўтру** — юзма-юз.

Гарчи зохирда тўғридектур нафс,  
Жисминг уйида ўғридектур нафс.

Бурноғилар<sup>1</sup> сўзин назар қилғил,  
Уйнинг ўғрисидин хазар қилғил.

Нафс тавсанини<sup>2</sup> ром қил ўзунга,  
Кодир ўл харна сўз десанг сўзунга.

Неча нафс илкида<sup>3</sup> забун<sup>4</sup> бўлмоқ,  
Сухраи<sup>5</sup> зумраи<sup>6</sup> жунун<sup>7</sup> бўлмоқ.

Не десанг нафснинг ризоси<sup>8</sup> била,  
Неки қилсанг анинг хавоси била,

Фиск<sup>9</sup> қилмоқдин ўзга фикринг йўқ,  
Фаҳш<sup>10</sup> демақдин ўзга зикринг йўқ.

<sup>1</sup> **Б у р н о ғ и л а р** — қадимгилар.

<sup>2</sup> **Т а в с а н** — асов, чарс от.

<sup>3</sup> **И л г и** — қўли, даст.

<sup>4</sup> **З а б у н** — ожиз.

<sup>5</sup> **С у х р а** — масхара.

<sup>6</sup> **З у м р а** — гуруҳ.

<sup>7</sup> **Ж у н у н** — телба.

<sup>8</sup> **Р и з о** — рози.

<sup>9</sup> **Ф и с к** — бузукчилик.

<sup>10</sup> **Ф а ҳ ш** — бузукчилик.



Ўйла разлу<sup>1</sup> лаванд<sup>2</sup> ўлубсенким,  
Халқ аро ришханд<sup>3</sup> ўлубсенким.

Ҳар замон бир лаванди масхарае<sup>4</sup>,  
Маъсият<sup>5</sup> дудидин<sup>6</sup> юзи қарае.

Ўзни ёндоштуруб ўзунг бирла,  
Сўзни чирмаштуруб сўзунг бирла.

Они ўзунгга сен билиб ҳамдам,  
Они сўзунгга сен қилиб маҳрам<sup>7</sup>

Қилғасиз халқни туман ғийбат,  
Дегасиз отингизни хушсуҳбат.

Ҳар ямон бор — ёр қилғайсиз,  
Ҳар ямонлиғки бор — қилғайсиз.

Ногаҳон бир жавон<sup>8</sup> гузор айлаб,  
Оллида ўзни беқарор айлаб.)

Ҳар йигитким, кўрунса ҳол қилиб,  
Кейнида юз туман хаёл қилиб.

<sup>1</sup> **Р а з л** — разиллик.

<sup>2</sup> **Л а в а н д** — бебош.

<sup>3</sup> **Р и ш х а н д** — кулки.

<sup>4</sup> **М а с х а р а е** —

<sup>5</sup> **М аъ с и я т** — гуноҳ.

<sup>6</sup> **Д у д** — тутун.

<sup>7</sup> **М а х р а м** — сирдош.

<sup>8</sup> **Ж а в о н** — ёш, ўспирин.

Бу не умру бу не балолиғдур?  
Бу не тавру<sup>1</sup> не юз қаролиғдур?

Йўқтурур ҳеч эътимид<sup>2</sup> санга,  
Тенгридин йўқмудур умид санга?

Лодалиғ<sup>3</sup> бирла умрум ўтти, нетай?  
Қай сориға бу умр бирла кетай?

Умр ғафлатга ўткариб борасен,  
Эй йигит, воқиф ўл, қариб борасен.

Ҳақ таоло нега яротти сени?  
Одамийлар сонига қотти сени —

Ким, ўзунг бирла фикр қилғайсен,  
Ғафлат уйқусидин ойилғайсен<sup>5</sup>

Билгасен жаҳд ила бори сифатин,  
Қилғасен дарк<sup>6</sup> Тенгри маърифатин.

Рост қилғайсен эътиқодингни,  
Билгасен мабдаъю<sup>7</sup> маодингни<sup>8</sup>

<sup>1</sup> **Тавр** — йўсин, қилиқ.

<sup>2</sup> **Эътимид** — ишонч.

<sup>3</sup> **Лодалиғ** — аҳмоқлик.


<sup>4</sup> **Қотти** — қўшди.

<sup>5</sup> **Ойилғайсен** — уйғонасан.

<sup>6</sup> **Дарк** — идрок, фаҳм-фаросат.

<sup>7</sup> **Мабдаъ** — ибтидо, бошланиш.

<sup>8</sup> **Маод** — охири, сўнги.



Жисмингга заъф<sup>1</sup> эса, жоним садқа!  
Жонингга икки жаҳоним садқа!

Кўзунгга бу тани бемор фидо,  
Белингга бу бадани зор фидо!

Сенсизин жисм била жонни нетай?  
Дард сендин эса дармонни нетай?

Манга сенсен бу жаҳондин мақсуд,  
Не жаҳон, жисм ила жондин мақсуд.

Қоматинг янглиғ узун ёш топкил!  
Умр хуснунг киби дилкаш топкил!

Қосидинг<sup>2</sup> келди — сафо<sup>3</sup> келтурди,  
Хабари меҳру вафо келтурди.

Номани<sup>4</sup> манга равон айлабсен,  
Жони йўқ жисмима жон айлабсен.

Кўрубон номани ўздин бордим,  
Ўқубон сўзини сўздин бордим.

---

<sup>1</sup> **З а ъ ф** — хасталик.

<sup>2</sup> **Қ о с и д** — хабарчи.

<sup>3</sup> **С а ф о** — шодлик.

<sup>4</sup> **Н о м а** — хат, мактуб.

Кўргач-ўк<sup>1</sup> кўзума суртуб ўптум,  
Ўқиғач-ўк<sup>2</sup> бошима кўюб кўптум<sup>3</sup>

Борча мазмуни анинг хуб эрди,  
Бори лафзи<sup>4</sup> дағи марғуб<sup>5</sup> эрди.

Ёрда меҳру вафо бор эрмиш,  
Лиллаҳил-ҳамд<sup>6</sup>, вафодор эрмиш.

Туну кун фикру хаёлим будурур,  
Ою йил тавруму<sup>7</sup> холим будурур.

Ҳажрнинг<sup>8</sup> кулбасидин кетгаймен,  
Васл кошонасиға<sup>9</sup> етгаймен.

Васлингга Тенгри мени еткурса,  
Лутф этиб, манга сени еткурса.

Етгач-ўк<sup>10</sup> эвралайин<sup>11</sup> бошингдин!  
Гойиб ўлмай нафасе кошингдин!

<sup>1</sup> К ў р г а ч - ў к — кўрган захотиёк.

<sup>2</sup> Ў қ и г а ч - ў к — ўқиған захотиёк.

<sup>3</sup> К ў п т у м — ўрнимдан турдим.

<sup>4</sup> Л а ф з — сўз.

<sup>5</sup> М а р в у б — ёқимли.

<sup>6</sup> Л и л л а ҳ и л - ҳ а м д — Оллоҳга мактовлар бўлсин!


<sup>7</sup> Т а в р — йўсин.

<sup>8</sup> Ҳ а ж р — айрилик.

<sup>9</sup> К о ш о н а — кулба, хона.

<sup>10</sup> Е т г а ч - ў к — етган захоти.

<sup>11</sup> Э в р у л а й и н — айланай.



Мен демасменки, дудоғини<sup>1</sup> ўпай,  
Гар илик<sup>2</sup> берса, аёғини ўпай.

Бир замон холи эмон<sup>3</sup> фикрингдин,  
Бир нафас гофил эмон зикрингдин<sup>4</sup>

Гар десам жисм ила жондин сенсен,  
Фаразим<sup>5</sup> икки жаҳондин сенсен.

Ой юзунг йўқда қаро кун бўлсун!  
Еру кўк остину устун бўлсун!

Хар не кўнглумда эди мен дедим,  
Эмди сендин будурур уммедим:

Меҳрнинг расмини унутмағосен,  
Бевафолиқ йўлини тутмағосен.

Бурноғидек<sup>6</sup> мени ёд этгайсен,  
Хотири хастанни шод этгайсен!

Файри<sup>7</sup> ихлосу дуо бирла салом,  
Не дейин ўзга, сўзум бўлди тамом!

---

<sup>1</sup> Д у д о ғ — лаб.

<sup>2</sup> И л и к — имкон, илож.

<sup>3</sup> Э м о н — эмасман.

<sup>4</sup> З и к р — эсламоқ, номини айтмоқ.

<sup>5</sup> Ф а р а з — мақсад.

<sup>6</sup> Б у р н о ғ и д е к — аввалгидек.

<sup>7</sup> Ф а й р — бошка.



Хотирим сақлар эсанг, кел, кўпгил!  
Бу сўзумни эшит, эй ел, кўпгил!<sup>1</sup>

Аҳли дил оллида суръат била ет!  
Санга ҳар неки десам, сен арз эт!

Мушкилим оллида тақрир этгил,  
Холатим шарҳини бир-бир этгил.

Дегасен муътақиду<sup>2</sup> маъмулум<sup>3</sup>,  
Равишу тавру<sup>4</sup> сулуку<sup>5</sup> йўлум.

Бордур андоқки, аён айлабмен,  
Мен “Мубаййин”да<sup>6</sup> баён айлабмен.

Бир анинг бирла иш очилмас эмиш,  
Дарди дил чорасини қилмас эмиш.

Нетайин, не килайин дардим учун?  
Чора кимдин тилайин дардим учун?

Чора дардимға магар пир этгай,  
Чорасиз ишима тадбир этгай.

<sup>1</sup> **Кўпгил** — тургин, кўзгал, эс!

<sup>2</sup> **Муътақид** — ихлосли, эътиқодли.

<sup>3</sup> **Маъмул** — ораубоп.

<sup>4</sup> **Тавр** — йўсин.

<sup>5</sup> **Сулук** — тариқат.

<sup>6</sup> **“Мубаййин”** — Бобур асари.

Найлайин муршиду<sup>1</sup>, нетай иршод?<sup>2</sup>  
Қобилият қанию истеъдод?

Мустаъид<sup>3</sup> бўл-у, қил ўзни қобил<sup>4</sup>,  
Файзлар то санга бўлғай восил<sup>5</sup>

Сенда не саъю<sup>6</sup> ўзингда не қабул,  
Не ишинг яхши, не сўзунг мақбул.

Не оёқким, талабида юругай,  
Не кўнгулким, хавасида чуругай<sup>7</sup>

Не анинг ишини қилмоққа илик<sup>8</sup>,  
Не анинг кунҳини<sup>9</sup> билмакка билик<sup>10</sup>

Шаҳвату нафс гирифторисен,  
Дад<sup>11</sup> била дев намудорисен<sup>12</sup>

Шаҳвату нафс қавий<sup>13</sup> душмандур,  
Минг сенингдекни забун<sup>14</sup> қилғандур.

<sup>1</sup> **М у р ш и д** — пир.

<sup>2</sup> **И р ш о д** — тўғри йўл кўрсатиш.

<sup>3</sup> **М у с т а ъ и д** — тайёр; хозирланган.

<sup>4</sup> **Қ о б и л** — қобилиятли.

<sup>5</sup> **В о с и л** — муяссар.

<sup>6</sup> **С а ъ й** — ҳаракат.

<sup>7</sup> **Ч у р у г а й** — жўшади.

<sup>8</sup> **И л и к** — қўл.

<sup>9</sup> **К у н х** — моҳият.

<sup>10</sup> **Б и л и к** — билим.

<sup>11</sup> **Д а д** — йиртқич; йиртқич хайвон.

<sup>12</sup> **Н а м у д о р** — намунаси.

<sup>13</sup> **К а в и й** — қучли.

<sup>14</sup> **З а б у н** — ожиз.

Лаззати егулуку ичкулугунг,  
Хушийи кайфияту ичкулугунг.

Мазаи ашрибаю<sup>1</sup> хаззи<sup>2</sup> яхоб<sup>3</sup>,  
Холату нашъаи<sup>4</sup> маъжуну<sup>5</sup> шароб.

Хурвашлар<sup>6</sup> била ҳамдаст<sup>7</sup> ўлмоқ,  
Майкаш<sup>8</sup> эл бирла ичиб маст ўлмоқ.

Нашъаи субху сабухий<sup>9</sup> нашъа,  
Майкаш эл куввати рухи нашъа.

Тунд<sup>10</sup> рахшингни<sup>11</sup> миниб елдурубон,  
Элга ўзни танитиб — билдурубон.

Хукмунг ўлмоқ бори элга жорий<sup>12</sup>,  
Сўзунг ўлмоқ бори ерда корий<sup>13</sup>

Тобеъинг мулки Хуросон\* бўлмоқ,  
Хинду Чин\* олмоғинг осон бўлмоқ.

<sup>1</sup> **А ш р и б а** — шарбатлар, ичимликлар.

<sup>2</sup> **Х а з(з)** — хузур.

<sup>3</sup> **Я х о б** — муз суви.

<sup>4</sup> **Н а ш ъ а** — кайф.

<sup>5</sup> **М а ъ ж у н** — кайф берувчи модда.

<sup>6</sup> **Х у р в а ш** — хурсимон.

<sup>7</sup> **Х а м д а с т** — қўл тутушмоқ, қўлдош.

<sup>8</sup> **М а й к а ш** — майхўр.

<sup>9</sup> **С а б у х и й** — тонгги майхўрлик.

<sup>10</sup> **Т у н д** — асов.

<sup>11</sup> **Р а х ш** — от (хайвон).

<sup>12</sup> **Ж о р и й** — юргизиладиган.

<sup>13</sup> **К о р и й** — ўтадиган.



Куллуку хидматинг этмак йилу ой,  
Насли Жўжию уруғи Чигатой\*.

Борча ишга бўлубон дастрасинг<sup>1</sup>,  
Келиб илкингга<sup>2</sup>, неким, бор хавасинг.

Бори фонию<sup>3</sup> бори ҳечтурур,  
Сени дунё боридин кечтурур.

Билмишам ҳар неки, қилдинг таҳрир<sup>4</sup>,  
Фаҳм қилдим ғаразингни<sup>5</sup> бир-бир.

Бу демактин, бу битиктин<sup>6</sup> не суд<sup>7</sup>,  
Талабеким, керак улдур нобуд<sup>8</sup>.

Тенгри қилгайму экин турфа сабаб,  
Ҳосил ўлғайму экин ушбу талаб?

Тенгри тавфики<sup>9</sup> магар ёр ўлғай,  
То киши Ҳақни талабгор ўлғай.

<sup>1</sup> Д а с т р а с — имкон.

<sup>2</sup> И л к и н г — қўлинг.

<sup>3</sup> Ф о н и й — ўткинчи.

<sup>4</sup> Т а ҳ р и р — ёзилган.

<sup>5</sup> Ғ а р а з — мақсад.

<sup>6</sup> Осиёдаги минтақалар ва мамлакатлар, Чингизхон авлодлари.

<sup>7</sup> Б и т и к — мактуб.

<sup>8</sup> С у д — фойда.

<sup>9</sup> Н о б у д — йўқ, мавжуд эмас.

<sup>10</sup> Т а в ф и қ — мадад.



Тенгри тавфики де-ю, тек турайин,  
Не қилай, чорани кимдин сўрайин?

Тут кулоқким, будурур таҳкики<sup>1</sup>,  
Тенгрининг бўлмагуча тавфики,

Мумкин эрмас бўла олмок ҳеч иш,  
Нега керак санга мунча печиш!<sup>2</sup>

Кирдигоро<sup>3</sup>, манга тавфиқе бер!  
Юрумакка рахи<sup>4</sup> таҳқиқе бер!

Умр вафлат била ўткормишмен,  
Нафс буйруғи била бормишмен.

Нафс ёғисини<sup>5</sup> мағлуб этгил!  
Ишларимни борини хуб этгил!

Бори ҳаздин<sup>6</sup> мени осон ўткар!  
Ишларимни менинг осон буткар!

Гўшу<sup>7</sup> хушумни сўзунг сори қил,  
Жону кўнглумни ўзунг сори қил!

---

<sup>1</sup> **Таҳқиқ** — ҳақиқат.

<sup>2</sup> **Печиш** — уринавермок.

<sup>3</sup> **Кирдигоро** — эй Оллоҳ!

<sup>4</sup> **Рах** — йўл.

<sup>5</sup> **Ёғи(й)** — душман.

<sup>6</sup> **Хаз(а)** — хузур-ҳаловат.

<sup>7</sup> **Гўш** — кулок.

Фамларинг бирла овут кўнглумни!  
Маърифат бирла ёрут кўнглумни!

Қўйма Бобурни бу ҳолат бирла!  
Они ўлтурма батолат<sup>1</sup> бирла!

Бир кишини анга вамхор этгил!  
Ҳимматин бадрақо<sup>2</sup> ёр этгил!

Токи дардиға даво еткургай,  
Тортибон они сенго еткургай.

Неча исён<sup>3</sup> била олудалифинг,  
Неча хирмон<sup>4</sup> аро осудалифинг?

Неча нафсингға бўлурсан тобеъ,  
Неча умрунгни қилурсан зоеъ?

Нияти ғазв<sup>5</sup> илаким юрубсен,  
Ўлмакингни ўзунгга кўрубсен.

Кимки ўлмак ўзига жазм этар<sup>6</sup>,  
Ушбу холатта билурсенки нетар.

<sup>1</sup> **Б а т о л а т** — бадбахтлик.

<sup>2</sup> **Б а д р а қ а** — йўл бошловчи.

<sup>3</sup> **И с ё н** — шарият буйруқларини бажармаслик.

<sup>4</sup> **Х и р м о н** — йироқлик; маҳрумлик (Худодан).

<sup>5</sup> **Ғ а з в** — дин йўлида ғазот (жанги).

<sup>6</sup> **Ж а з м э т м о қ** — аҳд қилмоқ.



Дур<sup>1</sup> этар барча маноҳидин<sup>2</sup> ўзин,  
Аритур жумла гуноҳидин ўзин.

Хуш килиб ўзни бу кечмакликдин,  
Тавба қилдим чоғир<sup>3</sup> ичмакликдин.

Олтуну нукра<sup>4</sup> сурохию<sup>5</sup> аёғ<sup>6</sup>,  
Мажлис<sup>7</sup> олоти<sup>8</sup> тамомин ул чоғ

Ҳозир айлаб, борини синдурдум,  
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.

---

<sup>1</sup> Д у р — узок.

<sup>2</sup> М а н о ҳ и — манъ этилган нарсалар.

<sup>3</sup> Ч о ғ и р — май.

<sup>4</sup> Н у қ р а — кумуш.

<sup>5</sup> С у р о ҳ и — шита.

<sup>6</sup> А ё ғ — қадах.

<sup>7</sup> М а ж л и с — базм.

<sup>8</sup> О л о т — асбоб-ускуна.



*Туюқлар*

Васлдин сўз дерга йўқ ёро<sup>1</sup> манга,  
Хажр<sup>2</sup> аро раҳм айлагил, ёро<sup>3</sup>, манга.  
Ўқунг этти кўп ёмон ёро<sup>4</sup> манга,  
Мархами<sup>5</sup> лутфунг била ёро<sup>6</sup> манга.

Улки, ҳар кўзи ғазоли<sup>7</sup> Чин<sup>8</sup> дурур,  
Қошида пайваста<sup>9</sup> онинг чин<sup>10</sup> дурур.  
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,  
Ғар десам ёлғончи они чин дурур.

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур —  
Ким, онинг Ҳасли менга ёройдурур.  
Ғар висоли бўлмаса, кетар ерим  
Ё Хуросон, ё Хито, ё Ройдурур\*.

<sup>1</sup> Ёро — хол; қувват.

<sup>2</sup> Хажр — айрилик.

<sup>3</sup> Ёро — ёй ёр!

<sup>4</sup> Ёро — яра, жароҳат.

<sup>5</sup> Мархам — малҳам.

<sup>6</sup> Ёро — ярагин.



<sup>7</sup> Ғазол — кийик.

<sup>8</sup> Чин — Хитой.


<sup>9</sup> Пайваста — доим.

<sup>10</sup> Чин — қош чимирилиши.


\* Хуросон — Амударёдан жанубдаги кенг минтақа. Хито(й) — қадимий мамлакат. Рой — Эрон мамлакатидаги қадимий Рай шаҳри, ҳозирги Техрон ўтмишдоши.

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,  
Кўп ёмондур, дарди ишкидин танинг.  
Ҳар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр  
Гар очилса сиймдек<sup>1</sup> нозик танинг.



Меҳрким<sup>2</sup>, кўкка қилур оҳанг<sup>3</sup> тонг,  
Оллида бўлса, эмас беранг<sup>4</sup> тонг.  
Холию икки лабидек бўлмағай,  
Ҳинду ар<sup>5</sup> келтурса шаккар тонг-тонг<sup>6</sup>.



Кел, қилай жонни нисоринг<sup>7</sup>, о, ёрим,  
Нақди жонни борму сендин оёрим?<sup>8</sup>  
Бўса берсанг гар тамом оғзинг била,  
Кунжи<sup>9</sup> оғзингдин олойин оёрим.

---

<sup>1</sup> С и й м — кумуш.

<sup>2</sup> М е х р — қуёш.

<sup>3</sup> О х а н г — юрмоқ, кўтарилмоқ.

<sup>4</sup> Б е р а н г — туссия.

<sup>5</sup> А р — агар.

<sup>6</sup> Т о н г - т о н г — халта-халта, қоп-қоп.

<sup>7</sup> Н и с о р — сочқи.

<sup>8</sup> О ё р и м — аяйдиганим.

<sup>9</sup> К у н ж — бурчак; мийик.

Сен киби бир дилрабони билманам<sup>1</sup>,  
Ошиқи содикки<sup>2</sup> дерлар, бил, манам<sup>3</sup>,  
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз,  
Ўзга ошиқ ашки<sup>4</sup> янглиғ билма нам.

То чикарди хат<sup>5</sup> узори покидин<sup>6</sup>,  
Гул юзи озурда бўлди покидин<sup>7</sup>.  
Истар эрди эл бурун<sup>8</sup> юз меҳр ила,  
Эмди ул юз меҳри кетти покидин<sup>9</sup>.

То кўнгул бердим ўшал қойсориға<sup>10</sup>,  
Борғонини билмадим қой сориға.  
Дўстлар, ёрға мени соғиндурунг<sup>11</sup>,  
Солсангиз ногаҳ кулоқ қойсориға.

<sup>1</sup> **Билманам** — билмайман.

<sup>2</sup> **Содик** — хақиқий.

<sup>3</sup> **Манам** — менман.

<sup>4</sup> **Ашк** — кўз ёши.

<sup>5</sup> **Хат(т)** — устки лабдаги туклар.

<sup>6</sup> **Пок** — тоза.

<sup>7</sup> **Пок** — устара.

<sup>8</sup> **Бурун** — илгари.

<sup>9</sup> **Покидин** — мутлақо, буткул.

<sup>10</sup> **Қойсор** — қайсар, ўзбошимча.

<sup>11</sup> **Соғиндурунг** — эслатинг.



Шах, супурай остонинг юз ила,  
Тийманакдин<sup>1</sup> неча урай юз ила,  
Икки юзлук муддаийдин<sup>2</sup> не ғамим,  
Ғар ишим тушса алардин юзила?!

Не бало бийиктурур<sup>3</sup> давлат тоғи,  
Кўхи<sup>4</sup> ғамни не билур давлаттоғи?<sup>5</sup>  
Ҳиммате тут, доғи<sup>6</sup> давлат истагил,  
Ҳимматинг бўлса, бўлур давлат тоғи<sup>7</sup>.

Жонға солди даҳр<sup>8</sup> ғурбат<sup>9</sup> норини<sup>10</sup>,  
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини\*.  
Бу арода мен дегандек бўлмаса,  
Кўзлай Иссиғкўлу\* андин норини<sup>11</sup>.

<sup>1</sup> **Тийманак** – супурги.

<sup>2</sup> **Муддаий** – булхавас, даъвогар.

<sup>3</sup> **Бийик** – юксак.

<sup>4</sup> **Кўх** – тоғ.

<sup>5</sup> **Давлат тоғи** – давлат эгаси.

<sup>6</sup> **Доғи** – ҳамда.

<sup>7</sup> **Тоғи** – ҳам, тағин.

<sup>8</sup> **Даҳр** – дунё.

<sup>9</sup> **Ғурбат** – ғариблик.

<sup>10</sup> **Норин** – олови.

<sup>11</sup> **Норин** – нари.

\* **Норин** – Ўрта Осиёда бирмунча тарқалган мўғул таоми.  
**Иссиғкўл** – машхур кўл.

Қилмаса ул ой<sup>1</sup> менга назар, не тонг?<sup>2</sup>  
Тенгри толеъ чун манга ёротмади<sup>3</sup>.  
Ўқи ёрар эди кўнглум дардини,  
Нетайин, кўнглум учун ёр отмади.

Қаддимни фироқ<sup>4</sup> меҳнати<sup>5</sup> ё қилди<sup>6</sup>,  
Кўнглум ғаму андух<sup>7</sup> ўтиға ёқилди.  
Ҳолимни сабоға<sup>8</sup> айтиб эрдим, эй гул,  
Билмон<sup>9</sup>, санга шарҳ<sup>10</sup> қилмади ё қилди?!

<sup>1</sup> Ой — маҳбуба, ёр.

<sup>2</sup> Не тонг — не ажаб, ажаб эмас.

<sup>3</sup> Ёротмади — яратмади.

<sup>4</sup> Фироқ — айрилик.

<sup>5</sup> Меҳнат — машаққат.

<sup>6</sup> Ё қилди — қамондай буқди.

<sup>7</sup> Андух — қайғу, алам.


<sup>8</sup> Сабо — тонг ели.

<sup>9</sup> Билмон — билмайман.


<sup>10</sup> Шарҳ — изох.




*Байтлар*




Холимни санга айтиб, ҳажр<sup>1</sup> ўтиға ўртондим<sup>2</sup>,  
Эй ёр, ямон қилдим, хар неки дедим — ёндим<sup>3</sup>.




Санбўса сенинг кўнглунг гар истаса, андок қил,  
Санбўса керак бўлса, сан бўса иноят қил<sup>4</sup>.



Басе<sup>5</sup>, фирокида<sup>6</sup> ичсам чоғир<sup>7</sup>, йивим келадур,  
Манга чоғирни кетурмангки, аччивим келадур.



Тутмагил, эй гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,  
Ерга бош кўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.



Бўл талабгор истар ар бўлсанг отанинг давлатин,  
Тангри носир<sup>8</sup> бўлса, эй Бобур, жаҳонгир ўлғасен!

---

<sup>1</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>2</sup> **Ў р т о н д и м** — куйдим.

<sup>3</sup> **Ё н д и м** — қайтдим.


<sup>4</sup> **И н о я т қ и л** — бергин.

<sup>5</sup> **Б а с е** — кўпинча.


<sup>6</sup> **Ф и р о к** — айрилик.

<sup>7</sup> **Ч о ғ и р** — май.


<sup>8</sup> **Н о с и р** — мададкор.



Ул икки лаби рамзи дард аҳлиға килмайдур,  
Гул гунчасидур гўё, бизларга очилмайдур.



Бор арчи<sup>1</sup> боиси юз шўру<sup>2</sup> юз гуноҳ чоғир<sup>3</sup>,  
Чоғир фироқи<sup>4</sup> қилди ҳалок мени, оҳ, чоғир!



Фирокингдин ёвуштум<sup>5</sup> ўлгали, эй ёр, келгайсен!  
Висолингга басе<sup>6</sup> муштоқмен<sup>7</sup>, зинҳор<sup>8</sup> келгайсен!



Ул пари рухсора<sup>9</sup> ҳаргиз<sup>10</sup> нотавонлик<sup>11</sup> кўрмасун!  
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ёмонлик кўрмасун!

---

<sup>1</sup> **Арчи** — гарчи, шундай эсада.

<sup>2</sup> **Шўр** — ровға.

<sup>3</sup> **Чоғир** — май.

<sup>4</sup> **Чоғир фироқи** — май ичмаслик.

<sup>5</sup> **Ёвуштум** — яқинлашдим.

<sup>6</sup> **Басе** — жуда.


<sup>7</sup> **Муштоқ** — зор, интизор.

<sup>8</sup> **Зинҳор** — албатта.


<sup>9</sup> **Пари рухсора** — пари юзлик.

<sup>10</sup> **Ҳаргиз** — ҳеч ҳам, ҳеч қачон.


<sup>11</sup> **Нотавонлик** — хасталик, беморлик.




Сендин айру найлагаймен айшу сахбо<sup>1</sup> хушлуғин,  
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.




Сенинг учун ватаним кўху<sup>2</sup> дашт бўлғусидур,  
Анинг учунки, вафосиз ғазол<sup>3</sup> кўрунасен.



Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин<sup>4</sup> ёмон,  
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўк, будур ондин ёмон.



Ёр кадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,  
Ёр кадри мунча ҳам душвор<sup>5</sup> экандур, билмадим.



Кўруб ҳижрон<sup>6</sup> ғамин, жононға еттим,  
Агарчи ранж<sup>7</sup> чектим, жонға еттим.

---

<sup>1</sup> Сахбо — қизил май.

<sup>2</sup> Кўх — тоғ.

<sup>3</sup> Ғазол — кийик.

<sup>4</sup> Ҳижрон — айрилик.

<sup>5</sup> Душвор — оғир, қийин.

<sup>6</sup> Ҳижрон — жудалик.

<sup>7</sup> Ранж — азоб, қийналиш.



Мени хижронда куйдурсанг, кўнгул сендин  
совутмасмен,  
Агарчи сен унутгунг мени, сени мен унутмасмен!



Қовун бирла узумнинг хажрида<sup>1</sup> кўнглумда ғам  
ҳар сў<sup>2</sup>,  
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам  
оқар су(в).



Жаҳон элию жаҳон борча гар адам<sup>3</sup> бўлса,  
Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.



Истарам етсам қуюндек гулғузорим<sup>4</sup> қошиға,  
Оллида туфроғ бўлуб, эврулсам<sup>5</sup> онинг бошиға!

---

<sup>1</sup> **Х а ж р** – айрилик.

<sup>2</sup> **С ў** – томон.



<sup>3</sup> **А д а м** – йўқ, йўқолган; йўқлик, ўлим.

<sup>4</sup> **Г у л ғ у з о р** – гул юзли.


<sup>5</sup> **Э в р у л с а м** – айлансам.







Дўстлукни гар тиларсен, айласанг исбот, кел,  
Сухбатингга асру кўп муштоқдирман, бот<sup>1</sup> кел!




Хуш ул бурунқи<sup>2</sup> замонларки, ўттию борди<sup>3</sup>,  
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўткорди.



Мурод<sup>4</sup> васлинг эрур — айла ёд Бобурни,  
Унутмоғил яна бу номурод<sup>5</sup> Бобурни.



Кўзумнинг нурисен, кўнглум хузури,  
Таним хуррамлиғи, жоним сурури<sup>6</sup>.



Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,  
Хосса<sup>7</sup> бу мавсумда Борон ёзисию<sup>8</sup> Гулбаҳор.

---

<sup>1</sup> **Бот** — дархол, тез.

<sup>2</sup> **Бурунқи** — илгариги.

<sup>3</sup> **Борди** — кетди.



<sup>4</sup> **Мурод** — мақсад, орау.

<sup>5</sup> **Номурод** — шўрлик, бахтсиз.

<sup>6</sup> **Сурур** — шодлик.

<sup>7</sup> **Хосса** — хусусан, айниқса.


<sup>8</sup> **Ёзи** — дашт.


Гайрга<sup>1</sup> неча ул ой вафо қилур,  
Неча жонима менинг жафо қилур?



Қади фироки<sup>2</sup> мени дуто<sup>3</sup> қилур,  
Қоши хажри қоматимни ё<sup>4</sup> қилур.



Улфатим эл бирла оздур, кўбдур эл жаври менга,  
Не менинг таврим<sup>5</sup> ёқар элга, не эл таври менга.



Заҳри ҳижрон<sup>6</sup> ичмишам, бер бода<sup>7</sup> тарёки<sup>8</sup> манга,  
Май хумори бошта чўхтур<sup>9</sup>, тут чоғир<sup>10</sup>, соқий, манга.

---

<sup>1</sup> **Г а й р** — ёт, бегона.

<sup>2</sup> **Ф и р о к** — жудолик.

<sup>3</sup> **Д у т о** — букилган.

<sup>4</sup> **Ё(й)** — ёш, камон.

<sup>5</sup> **Т а в р** — йўсин; феъл-хўй.


<sup>6</sup> **Ҳ и ж р о н** — айрилик.

<sup>7</sup> **Б о д а** — май.


<sup>8</sup> **Т а р ё к** — доривор; заҳарни кесадиган дори.

<sup>9</sup> **Ч ў х** — кучли, кўп.


<sup>10</sup> **Ч о ғ и р** — май.




Кўрмас жаҳонда ҳаргиз кўнглини шод Бобур,  
Топмас муроди дилни, эй номурод<sup>1</sup> Бобур.



Боғ неча хўб эса, кўйича<sup>2</sup> йўқтур,  
Сарвни мавзун<sup>3</sup> деса, бўйича йўқтур.



Ағёрға ўқ урубон, дардиға даво қиладур,  
Бисёр<sup>4</sup> ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.



Бормоққа не маскан муяссар,  
Турмоққа не давлат муқаррар<sup>5</sup>.



Билинг муни давлат, гар ўлса муяссар  
Раҳиқи<sup>6</sup> мураввақ<sup>7</sup>, рафиқи<sup>8</sup> суҳанвар<sup>9</sup>.

---

<sup>1</sup> **Н о м у р о д** — шўрлик, бахтсиз.

<sup>2</sup> **К ў й** — манзил, макон.

<sup>3</sup> **М а в з у н** — хушбичим.

<sup>4</sup> **Б и с ё р** — жуда.



<sup>5</sup> **М у қ а р р а р** — аниқ, тайёр.

<sup>6</sup> **Р а ҳ и қ** — май.


<sup>7</sup> **М у р а в в а қ** — соф, тиник.

<sup>8</sup> **Р а ф и қ** — ўрток, дўст, оғайни.


<sup>9</sup> **С у ҳ а н в а р** — сўзамол.


Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,  
Мен киби оламда бўлур хору зор.




Жамолингдин қуён асру<sup>1</sup> бот ўётлиғ,  
Сочингга банда<sup>2</sup> боғ ичра сунбул отлиғ.



Ваҳму<sup>3</sup> усраттин<sup>4</sup> амоне<sup>5</sup> топтук,  
Янги жон, тоза жаҳоне топтук.



Кел, эй рафиқи гулрўй<sup>6</sup>, кетур раҳиқи гулранг<sup>7</sup>,  
Ўзунг ичиб, манга қуй, кўтар наво тузуб чанг.



Бир фикру бир ҳаводадурур<sup>8</sup> ҳар нафас кўнгул,  
Ҳар лаҳза бир ҳавас қиладур булҳавас<sup>9</sup> кўнгул.

---

<sup>1</sup> А с р у — жуда, кўп.

<sup>2</sup> Б а н д а — қул, асир.

<sup>3</sup> В а х м — қўрқув.

<sup>4</sup> У с р а т — танқислик.

<sup>5</sup> А м о н е — омонлик, халослик.

<sup>6</sup> Г у л р ў й — гул юзли.

<sup>7</sup> Г у л р а н г — гул рангли, қизил.

<sup>8</sup> Ҳ а в о — хаёл, орзу; ҳавас

<sup>9</sup> Б у л ҳ а в а с — ҳавойи.



Бизга чун меҳринг йўк, элга меҳрубонлиғ қилмавил,  
Яхшилиғ чун қилмадинг, бори<sup>1</sup> ёмонлиғ қилмағил.



Ё Раб<sup>2</sup>, хавос<sup>3</sup> жамъида<sup>4</sup> Бобурни хос<sup>5</sup> қил,  
Ёхуд авом<sup>6</sup> тафриқасидин<sup>7</sup> халос қил.



Яшурди отини ғайр<sup>8</sup> иттифоқи бирла ул ҳамдам<sup>9</sup>,  
Дедим отини элга, фош қилдим иттифоқин ҳам.



Гўшае<sup>10</sup> тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,  
Истарам эл кўрмаса мению, мен ҳам кўрмасам.

<sup>1</sup> **Бори** — кеч бўлмаса.

<sup>2</sup> **Ё Раб(б)** — Эй Оллоҳим!

<sup>3</sup> **Хавос** — улуглар.

<sup>4</sup> **Жамъ** — гуруҳ, жамоа.

<sup>5</sup> **Хос** — мансуб, тегишли.

<sup>6</sup> **Авом** — жохиллар.

<sup>7</sup> **Тафриқа** — ғавво, айирмачилик.

<sup>8</sup> **Ғайр** — ёт, бегона.

<sup>9</sup> **Ҳамдам** — суҳбатдош.

<sup>10</sup> **Гўшае** — бир бурчак; узлат.



Ишқ юки айлади сипехри<sup>1</sup> аълони<sup>2</sup> хам<sup>3</sup>,  
Не ажаб, ар<sup>4</sup> айласа менингча шайдони<sup>5</sup> хам.



Рақиб йўлдошу мен хажрдин<sup>6</sup> дуто<sup>7</sup> ўлдум,  
Фариб<sup>8</sup> турки<sup>9</sup> ситамгарга<sup>10</sup> мубтало ўлдум.



Сафар азмини<sup>11</sup> қилдинг, мен бора олмай туруб  
колдим,  
Назар қатъини<sup>12</sup> қилдинг мендин-у, мен телмуруб  
колдим.

<sup>1</sup> **С и п е х р** — осмон.

<sup>2</sup> **А ъ л о** — юксак.

<sup>3</sup> **Х а м** — букик, эгилган.

<sup>4</sup> **А р** — агар.

<sup>5</sup> **Ш а й д о** — ўта махлиё.

<sup>6</sup> **Х а ж р** — айрилик.

<sup>7</sup> **Д у т о** — букилган.


<sup>8</sup> **Ф а р и б** — фаройиб.

<sup>9</sup> **Т у р к** — гўзал, санам.


<sup>10</sup> **С и т а м г а р** — зулм қилувчи.

<sup>11</sup> **А з м** — йўлга тушмоқ.


<sup>12</sup> **Қ а т ъ** — узмоқ.




Гар кўзунгдин туштум эрса, кўрдум они бодадин<sup>1</sup>,  
Бўлди таксир<sup>2</sup>, эмди сен ўткор<sup>3</sup> мени афтодадин<sup>4</sup>.



Бошим кадам қилибон висолинга етайин,  
Муяссар бўлмаса васл, бош олибон кетайин.



Қадин кўз жўйборига<sup>5</sup> ул ой бехост<sup>6</sup> келтурса,  
Оёғидин<sup>7</sup> кўтармай бошни, Тангри рост келтурса<sup>8</sup>.



Хаж йўлига кир, кўнгул, ҳиммат била,  
Бир қазоқ<sup>9</sup>, ар ўлса юз минг қофила<sup>10</sup>.

---

<sup>1</sup> **Б о д а** — май.

<sup>2</sup> **Т а к с и р** — хато, нуқсон.

<sup>3</sup> **Ў т к о р** — кечир.

<sup>4</sup> **А ф т о д а** — заиф, дармонсиз.

<sup>5</sup> **Ж ў й б о р** — арик.

<sup>6</sup> **Б е х о с т** — қутилмаганда, қўққис.

<sup>7</sup> **А ё р** — 1. Оёқ. 2. Қадах.


<sup>8</sup> **Р о с т к е л т и р с а** — насиб этса.

<sup>9</sup> **Қ а з о қ** — эркин киши; тож-тахдан четлаштирилган шаҳзода.


<sup>10</sup> **Қ о ф и л а** — қарвон.



Фам юзини кўрма, бўлсанг журъаю<sup>1</sup> жоме<sup>2</sup> била,  
Шукр қил, май нўш<sup>3</sup> қилсанг гар гуландоме<sup>4</sup> била.



Мени йўк эътиқоди деб, бори эл ичра ёд этма,  
Худой учун бори элни ўзунгдек эътиқод этма<sup>5</sup>.



Баҳор мавсуми етти-ю, хуш хаво ўтти,  
Тағофул<sup>6</sup> айлама соқийки, ўтти, хо, ўтти!



Ичиб чоғирни<sup>7</sup>, ишим телбаликка ёвушти<sup>8</sup>,  
Нечук таҳаммул<sup>9</sup> этай, ичимга ўт тушти.

---

<sup>1</sup> **Журъа** — бир қултум май.

<sup>2</sup> **Жом** — қадах.

<sup>3</sup> **Нўш** — ичмоқ.

<sup>4</sup> **Гуландоме** — бир гул юзли.

<sup>5</sup> **Эътиқод этма** — ўйлама.


<sup>6</sup> **Тағофул** — беҳабарлик.

<sup>7</sup> **Чоғир** — май.


<sup>8</sup> **Ёвушти** — яқинлашди.

<sup>9</sup> **Таҳаммул** — сабр-тоқат.





Не малак андоқ эрур, не эрур онча киши,  
Қамар<sup>1</sup> анинг муқирри<sup>2</sup>, қуёш анинг қаёши<sup>3</sup>.



Бўлди хажринг<sup>4</sup> дўзахининг бартараф бўлмоқ чоғи —  
Ким, висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.



Хар кимки, бўюнни қўймас, они тийгай,  
Чопқай, талогай, мутеъю<sup>5</sup> мункод<sup>6</sup> этгай.



Қадинг жаннат риёзининг<sup>7</sup> ниҳоли,  
Эрам<sup>8</sup> гулзори хадингнинг<sup>4</sup> мисоли.

---

<sup>1</sup> Қ а м а р — ой.

<sup>2</sup> М у қ и р (р) — тан берувчи, иқроқ этувчи.

<sup>3</sup> Қ а ё ш — уруғ-аймоқ, қариндош.

<sup>4</sup> Х а ж р — айрилик.

<sup>5</sup> М у т е ъ — қарам.

<sup>6</sup> М у н к о д — бўйин эгувчи.

<sup>7</sup> Р и ё з — боғ.

<sup>8</sup> Х а д — ёнок.

\* Э р а м — афсонавий гўзал боғ; жаннатдан киноя.



## **МУНДАРИЖА**

Сўзбоши  
5

Ғазаллар  
24

Рубойлар  
158

Маснавийлар  
228

Туюқлар  
266

Байтлар  
272

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**  
**ҒАРИБИНГ АНДИЖОНИЙДУР**

*Сайланма шеърлар*

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бosh тахририяти  
Тошкент – 2008

Мухаррир: *Б. Саидомонов*  
Бадий муҳаррир: *А. Мусахўжаев*  
Техник муҳаррир: *Д. Габдрахманова*  
Саҳифаловчи: *Л. Цой*

Босишга рухсат этилди 08.08.2008. Бичими 70x100 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
“Петербург” гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 11,0.  
Нашриёт-ҳисоб табоғи 9,0. Адади 5000 нусха. Буюртма № 4775.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

**“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**